

# ГУЛШАНОЙ ТУРСУНОВА



## КАРИМ ЗОКИРОВ ВА УНИНГ СУЛОЛАСИ - XX АСР ЎЗБЕКИСТОН МУСИҚА МАДАНИЯТИ КЕСИМИДА



O'zbekiston davlat konservatoriyasi

Тошкент 2021

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ**

**ГУЛШАНОЙ ТУРСУНОВА**

**КАРИМ ЗОКИРОВ ВА УНИНГ СУЛОЛАСИ - XX АСР  
ЎЗБЕКИСТОН МУСИҚА МАДАНИЯТИ КЕСИМИДА**

**ТОШКЕНТ 2021**

**UO'S: 864.715.12**

**КВК: 85.318**

**T-25**

XX аср иккинчи ярми – XXI аср бошларидаги Ўзбекистон мусиқа маданияти Карим Зокиров ва унинг забардаст сулоласи номи билан чамбарчас боғлиқдир. Мазкур монографияда илк бор муайян ижодкорлар сулоласининг фаолияти ёритилиб, Зокировлар авлодининг ўзбек мусиқа маданиятига қўшган улуши ва хизматига баҳо берилади.

Сулоланинг бой меросини кенг жамоатчилик орасида тарғиб этилиши замонавий мусиқий-ижрочилик соҳасида, хусусан, ўзбек эстрада қўшиқчилигидаги муаммоларни чуқурроқ англаб, уларни бартараф этишга хизмат қилади.

**Ўзбекистон давлат консерваторияси Илмий-услубий кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган**

**Маъсул илмий муҳаррир:**

Т.Ғофурбеков – санъатшунослик фанлари доктори, ЎзДК профессори.

**Такризчилар:**

С.Қосимхўжаева – санъатшунослик фанлари номзоди, ЎзДК профессори.

Р.Абдуллаев – Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси раиси, Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, композитор, профессор.

**ISBN 978–9943–7470–2–9**

**© «Fan ziyosi» nashriyoti 2021**

## КИРИШ

Жаҳон мусиқа маданиятининг серсоҳа ва серқирра жараёнида муайян миллатга мансуб сулола<sup>1</sup> фаолияти алоҳида аҳамият касб этади. Зеро, баъзи мисолларда биргина сулола вакилларининг муайян силсилали ва сермахсул ижодиёти -маҳаллий мусиқа санъатидаги катта давр, концептуал йўналишлар, бутун бир мамлакат ижодий мактаби ва ижрочилик услубларининг юзага келишини таъминлайди.

Олмонияда – Иоганн Себастьян Бах (1685-1750) ва унинг сулоласи, Италияда – ота-бола Алессандро (1660-1725) ва Доменико (1685-1757) Скарлаттилар, Австрияда – ота-бола Иоганн (1804-1849) ва Иоганн (1825-1899), ҳамда уларнинг авлоди – Йозеф (1827-1870), Эдуард (1835-1916) Штрауслар фаолияти – бу санъат аҳлининг ўз ҳалқи маданияти тараққиётига кўшган улкан ҳиссаларининг ёрқин далилидир.

Шарқ халқларининг узоқ ўтмишдаги бой тарихи, маънавий ва маданий қадриятлари, хусусан, серқатлам мусиқа санъати ривожиди ҳам ибратли ворислик анъаналари яққол кўзга ташланади. Жумладан, бутун Яқин ва Ўрта Шарқ мусиқа илми ва ижодиётида из қолдирган ота-бола Иброҳим (742-804) ва Исҳоқ (767-850) Мавсулийлар, Темурийлар саройи бош мусиқачиси, бастакор ва олим Хўжа Абдулқодир Мароғий (1353-1435), унинг ўғли Абдулазиз, набираси Муҳаммаднинг Самарқанд ва бошқа шаҳарлардаги серқирра фаолиятларини мисол сифатида келтиришимиз мумкин.

XX асрда рўй берган сиёсий-ижтимоий ўзгаришлар санъат аҳли учун зарур бўлган эркинлик ҳуқуқи, ижодий

---

<sup>1</sup> Сулола – муайян уруғдан, авлоддан тарқалган, ворислик, валиаҳдлик ҳуқуқига эга бўлган, асосан, бирин кетин тахтга ўтирган подшолар, амир лар ва хонлар насли. //Ўзбекистон Миллий Энциклопедияси.: “ЎЗСМЭ” Давлат илмий нашриёти, - Т., 2002.- 3.Ж., 705-б.

фаолиятнинг қамровли ва маълум маънода сулолаларга хос ворислик анъаналари изчиллигини анча чеклаб қўйган эди. Бироқ, шунга қарамай, Ўзбекистонда таниқли мусиқий сулолалар – яъни Ражабийлар, Сўфихоновлар, Жалиловлар, Зокировлар, Содиковлар, Тошматовлар, Хасановлар ва бошқаланинг турли санъат соҳалардаги фаолияти алоҳида эътиборга моликдир.

Мустақил мамлакатимизда амалга оширилаётган изчил сиёсатнинг энг муҳим ва устувор йўналишларидан бири - соғлом ва баркамол ёш авлодни вояга етказишга қаратилган. Шу маънода, ибрат бўла оладиган, халқимизнинг буюк намояндалари ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш, навқирон авлодни улардан ўрнак олиш руҳида тарбиялаш алоҳида аҳамият касб этади.

Замонавий мусиқашуносликнинг долзарб вазифаларидан бири ҳам – ўзлигимизни англаб, яқин ўтмиш ва ҳозирги замон маданий-маърифий кадриятларини эъзозлаш, маънавий тарихимизга янгича ёндашиш, уларни кундалик ҳаётга тадбиқ этиш масалаларини ечишга қаратилгандир.

XX аср Ўзбекистон мусиқа маданиятига улкан ҳисса қўшган Карим Зокиров ва унинг истеъдодли фарзандларидан ташкил топган ёрқин *ижодий сулола* фаолиятининг тадқиқ этилиши айнан шундай мавзулар қаторига киради. Сулола намояндалари XX аср Ўзбекистон мусиқа санъатининг илғор ва оламшумул йўналишлар бошида туришган. Шу боис, мазкур сулоланинг бой ижрочилик анъаналари ва санъат соҳалардаги фаолиятларини профессионал доирада ва кенг жамоатчилик орасида тарғиб этиш, ҳозирги мусиқий ижрочилик жараёни, хусусан, ўзбек эстрада кўшиқчилигидаги қатор муаммоларни чуқурроқ англаш, уларни ижобий

бартараф этишга хизмат қилиб, жамиятимизнинг маънавий-маърифий покланишида муҳим ўрин тутажаклиги шубҳасиздир.

Санъат соҳасидаги муайян сулолалар ижодий фаолияти ва уларнинг узлуксиз ижодий жараён феномени масаласи махсус илмий мавзу қамровида шу кунга қадар Марказий Осиё, хусусан, ўзбек санъатшунослигида ёритилмаган. Зокировлар сулоласининг ёрқин фаолияти ўрганилиши эса бу борадаги илк уринишдир.

Бу сулола махсус илмий тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган бўлса-да, унинг айрим вакиллари фаолиятлари англанишида замондош олимлар – Ф.Кароматли, Т.Ғофурбеков, Н.Янов-Яновская, Р.Абдуллаев, Ж.Расултоев, О.Иброҳимов, Р.Юнусов, М.Ҳамидова, О.Матёкубов, О.Беков, С.Бегматов, Д.Муллажоновлар тадқиқотларини алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиз<sup>2</sup>.

---

<sup>2</sup> Бу ҳақда қаранг: Кароматов.Ф. Основные черты строения народных песен // Вопросы музыкальной культуры Узбекистана – Т.: Государственное издательство художественной литературы УзССР, 1961. В-1 – С.34-71.; Гафурбеков Т. Эстрадизация узбекского фольклора: PRO ET CONTRA //Материалы международной научной конференции. Бойсун. 2003. – 23-24 с.; Янов-Яновская Н. Икрам Акбаров. – Т.:ГИЛИ им. Г.Гуляма. 1990. – 140 с; Янов-Яновская Н. Большие заботы малого жанра, или ещё раз о песне //Советская музыка – М, 1979. – №12. – С. 19-23; Абдуллаев Р. Традиции музыкального фольклора и современность. //«Анъанавий маданиятни сақлаш муаммолари» Бойсун баҳори Халқаро илмий конференция материаллари. Бойсун. 2003. – 14 б.; Расултоев Ж. Эстрада кўшиқчилигига холис бир назар // Санъатшунослик масалалари. – Т.: 2006. – 99-107 б.; Ибрагимов О. Фергано-Ташкентские макамы. – Т.: «MEDIA LAND», 2006. – 176 с.; Юнусов Р. Кўшиқми ё ашула? //Гулистон. – Т., 1997. – №2. – 5-7 б.; Хамидова М. Карим Зокиров. Ҳаёти ва ижоди. – Т.: Гафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1990.-85 б.; Матякубов О. Додекаграмма. Очерки о музыке и музыкантах моей страны и моего времени – Т.: Истиклол, 2005. - 328 с.; Хамидова М. Узбекская музыкальная драма: Проблемы жанра. – Т.: ГИЛИ им Гафура Гуляма, 1987. – 118с.; Беков О. Современная узбекская эстрадная песня в контексте музыкальной культуры Узбекистана. Рукопись в НИИИ. – Т.: СИТИ М (М) Б-42. № 931. 1994.-130 с.; Бегматов С. Традиции искусства хафизов Ферганской долины. Автореф. дис. канд. искусствоведения – Т.: 1995. – 24 с.; Муллажонов. Д. 1990-йиллар Ўзбек мусикии эстрадасида оҳанг муаммоси.Сан.ф .ном.дис. автореферати. – Т.:2004. – 26 б.

Сулолага фаолиятига оид адабиётларни икки гуруҳга ажратиш мумкин. Биринчи гуруҳида Зокировларнинг ҳаёти ва ижодий йўлларига дахлдор маълумотлар қамраб олинади. Иккинчисида эса сулола аъзоларининг фаолиятлари Ўзбекистон маданиятининг умумтарихий манзараси кесимида таъкидлаб ўтилган.

Санъатшунослик фанлари доктори М.Ҳамидованинг Карим Зокировга бағишланган монографиясида сулолабошининг ҳаёти ва ижодий йўли, актёрлик ижро маҳорати таҳлил қилиниб, театр сахнасида ижро этган роллари моҳияти ёритилган. Карим Зокиров таниқли опера хонандаси сифатидагина баҳоланиб қолмай, илк бор анъанавий ижро соҳиби сифатида ҳам қайд этилган<sup>3</sup>.

Т.Йўлдошбоева қаламига мансуб «Мастера узбекской оперной сцены» китобида Карим Зокиров – ўзбек опера мактаби намояндалари қаторида қайд этилиб, унинг театр сахнасидаги кўп йиллик фаолияти ва ижро этган ролларининг тадрижий жараёни ёритиб берилган. Хонанда ўзбек опера ижрочилик мактабининг асосчилардан бири эканлиги эътироф этилади<sup>4</sup>.

Сулола хонандаларининг ҳаёти ва ижодий фаолиятига бағишланган адабиётлар қаторида журналист Ашурали Жўраевнинг Ботир Зокиров ҳаётини ёритувчи «Юрак бўронлари» ҳужжатли қиссаси алоҳида ўрин эгаллайди<sup>5</sup>. Мазкур асар хонанданинг кундаликлари, ёзишмалари, оилавий архив ҳужжатларини ўз ичига олгани ва бевосита

<sup>3</sup>Ҳамидова М. Карим Зокиров. Ҳаёти ва ижоди. – Т.: Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1990.- 85 б.

<sup>4</sup>Юлдашбаева Т. Проблемы вокального исполнения в узбекском оперном театре //История узбекской советской музыки. – Т.: ГИЛИ им. Г.Гуляма, 1985. Т-1. – С 191-197.

<sup>5</sup> Жўраев А. Юрак бўронлари – Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. - 175 б.

муаллиф хонанда билан ўтказган суҳбатларини акс эттиргани учун қимматлидир.<sup>6</sup> Санъаткор кундаликларининг айрим қисмлари адиб Сухроб Муҳаммедовнинг «Меня любовь в дорогу позвала» ҳужжатли асарида ҳам нашр этилган <sup>7</sup>.

С.Аманмурадованинг «Традиции песен эстрадного искусства Египта и Узбекистана (на примере творчества Умм Кульсум и Батыра Закирова)» мавзуидаги диссертация тадқиқоти (1995) эстрада санъати, жумладан, эстрада кўшиқчилиги масалаларини тадқиқ этувчи уринишлардандир. Шарқ ва Ғарбнинг ўзаро таъсир масаласи кесимида Умм Кульсум билан бир қаторда, ўзбек эстрада хонандаси - Ботир Зокиров ижоди ва ижро услубининг айрим қирралари қисман кўриб чиқилади <sup>8</sup>.

Хонанданинг жаҳон эстрада санъатида тутган мавқеи А.Волковнинг «Батыр Закиров», Ф.Хўжаевнинг «Прерванный полёт», Г.Амбарцумованинг «Человек стоявший у истоков узбекской эстрады» мақолаларида маълум доирада ёритилади <sup>9</sup>. Хусусан, зикр этилган нашрларнинг сўнггисида Ботир Зокировнинг ижрочилик фаолияти ва маҳоратига доир қимматли кузатувлар ўрин олган.

Республикада таниқли хонандалар сулоласининг ёрқин намоёндаларидан бири – Фаррух Зокиров, муסיқашунос О.Матёкубовнинг очерк жанрида ёзилган «Додекаграмма» асарида ўз даврининг йирик ва ёрқин

<sup>6</sup> 2006 йили ушбу муаллифнинг Б. Зокиров ҳаётига бағишланган романи нашр юзини кўрди.

<sup>7</sup> Муҳаммедов С. Меня любовь в дорогу позвала // Звезда Востока. – Т, 1988.-№1. – С. 91-142.

<sup>8</sup> Аманмурадова С.Традиции песен эстрадного искусства Египта и Узбекистана (на примере творчества Умм Кульсум и Батыра Закирова). Автореф.дис. канд. искусствоведения-Т.: СИТИ М(а) А-61.1995-21с.

<sup>9</sup> Қаранг: Волков А. Батыр Закиров. // Певцы советской эстрады. – М.: Искусство,1986.- В. 2.-С 14-15.; Ходжаев Ф. Испытательный полёт. // Звезда Востока.-Т., 1971. № 4. –С. 74-76.; Амбарцумова Г. Человек стоявший у истоков узбекской эстрады // Звезда Востока -Т, 1986.- № 7- С. 182-183.

санъаткорлари қаторида эътироф этилиб, хонанданинг серқирра портрети ёритиб берилди <sup>10</sup>.

Иккинчи гуруҳ адабиётлар қаторига Л.Юсуповнинг «Основные этапы становления и развития музыкальной эстрады» диссертацион тадқиқоти (1990) мансуб <sup>11</sup>. Унда ўзбек эстрадасининг шаклланиш ва ривожланиш жараёни кузатилиб, сулолага мансуб айрим хонандаларнинг бу «янги» (ўша давр учун) санъатда тутган ўрни ва аҳамиятига алоҳида тўхталиб ўтилади. Диссертация фактологик маълумотларга бой бўлиб, унда ўзбек эстрада-симфоник оркестри (ЭСО) ҳамда турли ВИАлар (жумладан «Ялла») фаолияти таҳлил қилиниб, юзага келган янги мусиқий жанрлар тадқиқ этилади.

Ўзбек эстрада кўшиқлари масалаларига мусиқашунос О.Бековнинг «Современная узбекская эстрадная песня в контексте музыкальной культуры Узбекистана» мавзuidaги тадқиқоти бағишланган <sup>12</sup>. Унда муаллиф эстрада санъати ва кўшиқларининг тарихий илдишлари ва ривожланиш тамойилларини белгилаб беради. Мазкур тадқиқот, асосан, собиқ Шўро тузуми давридаги оммавий ва эстрада кўшиқчилиги соҳасидаги муҳим омилларни ёритиб беради.

Замонавий эстрада санъатида жадал тус олаётган ўзгаришлар жараёни бир қатор тадқиқотчиларни изчил ўрганишга даъват этган. Бунга Б. Абдурахимов, Ж. Расултоев ва Й.Норбутаевларнинг «Ўзбек эстрада кўшиқчилиги: тақлид ва талқин» (2007) китоби далил бўла олади <sup>13</sup>.

---

<sup>10</sup> Матякубов О. Додекаграмма. Очерки о музыке и музыкантах моей страны и моего времени – Т.: Истиклол, 2005. – 328 с.

<sup>11</sup> Юсупов Л. Основные этапы становления и развития музыкальной эстрады. Автореф. дис канд. Искусствоведения – М.: 1990. – 28 с.

<sup>12</sup> Беков О. Современная узбекская эстрадная песня в контексте музыкальной культуры Узбекистана. Рукопись в НИИИ. – Т.: СИТИ М (м) Б-42. № 931. 1994. – 130 с.

<sup>13</sup> Абдурахимов Б, Расултоев Ж, Норбутаев Й. Ўзбек эстрада кўшиқчилиги: тақлид ва талқин. – Т.: 2006.-108 б.

Бозор иқтисоди муносабатига ўтиш жараёнида эстрада «Шоу-бизнес»и тизимнинг етакчи тармоғига айланиб, ўз навбатда эстрада кўшиқчилиги амалиётда ижобий ва салбий ўзгаришлар рўй бериши учун туртки бўлмоқда. Бу борада Д. Муллажоновнинг «1990-йиллар ўзбек мусиқий эстрадасида оҳанг муаммоси»га бағишланган тадқиқотини қайд этиш лозим<sup>14</sup>. Тадқиқотда қўйилган асосий вазифалар билан бир қаторда, муаллиф, Ботир Зокировнинг эстрада санъати учун қилган хизмати, унинг ҳозирги кундаги ёш авлодга бўлган ибратли ижрочилик анъаналарини алоҳида қайд этган.

Мазкур монографияда илк бор муайян ижодкорлар сулоласининг серқирра фаолияти тадқиқ қилиниб, Карим Зокиров авлодининг ўзбек мусиқа маданияти ривожига ва тараққиётига қўшган улуши ва хизматига баҳо берилади.

---

<sup>14</sup> Муллажонов, Д. 1990-йиллар ўзбек мусиқий эстрадасида оҳанг муаммоси. Сан.ф .ном.дис. автореферати. – Т.: 2004. -26 б.

**I-БОБ.**  
**КАРИМ ЗОКИРОВ – СЕРҚИРРА ТАЛҚИНЛАР**  
**СОҲИБИ**

**§ 1.1 ЎЗБЕК МУМТОЗ МУСИҚА МЕРОСИ**  
**ТАЛҚИНЛАРИ**

Атоқли хонанда ва истеъдодли санъаткор Карим Зокировнинг номи, унинг кўп қиррали ижрочилик фаолияти XX аср Ўзбекистон мусиқа маданияти ривож, хусусан, ўзбек мусиқа фольклори, мумтоз меросимиз намуналари, миллий ҳамда мумтоз опера образлари талқинлари – демакки бу соҳалар шаклланиши жараёни билан узвий боғлиқдир.

Ўзининг қарийб 40 йиллик ижрочилик фаолияти давомида хонанда биргина мусиқали театр сахнасида 30 дан ортиқ спектаклларда турли, аксарият ҳолларда – бош ролларни ижро этиб келди. Табиийки, уларнинг салмоқли қисмини ўзбек бастакорлари ва композиторларининг асарлари ташкил этади. Хусусан «Ҳалима», «Фарҳод ва Ширин», «Лайли ва Мажнун», «Ўзбекистон қиличи» каби мусиқали драмалар, «Бўрон», «Гулсара», «Улуғбек», «Маҳмуд Таробий», «Дилором», «Ҳамза», «Майсаранинг иши» сингари операларда хонанда қатор ўта мураккаб бош партияларнинг биринчи талқинчиси сифатида мутахассислар ва кенг тингловчилар доирасида танилди ва тан олинди.

Халқ артисти Саодат Қобулованинг таъкидлашича, «Майсаранинг иши» ҳажвий операсидаги Мулладўст ролида Карим Зокиров даражасидаги ижро юксаклигига ҳануз ҳеч ким эришолмади<sup>15</sup>. Бу ҳол ҳозиргача этиб келаётганини таъкидлаб, унинг асосий сабаби – санъаткор барча

<sup>15</sup> Муаллифининг Саодат Қобулова билан 2001-йил 16 октябрда ўтказган суҳбатидан.

талқинларидаги ўзига хослик, босиб ўтган ижодий йўли мобайнида ўзбек миллий ижрочилик услуби анъаналари билан узвий боғлаб келганлигида, дея баҳолаш мақсадга мувофиқдир.

Маълумки, ижодий йўлининг дастлабки босқичдаёқ, Карим Зокиров кенг тингловчилар доирасига аввало, миллий ижрочилик анъаналари давомчиси сифатида танилган.

Таниқли хонандалар Шораҳим Шоумаров ва Мулла Тўйчи Тошмухаммедовнинг шогирди – Субутой Долимов (кейинчалик йирик ўзбек луғатшуноси – Г.Т.), Карим Зокиров учун мусиқа санъатида биринчи устози бўлди. Улардан у ижрочилик бўйича илк сабоқларни ўрганиб «Ироқ», «Чоргоҳ», «Дугоҳ» ва талайгина халқ кўшиқларини куйлаб ўзлаштиргани ҳақида маълумот мавжуд<sup>16</sup>. «Исмат Абдуллаев мен билан миллий чолғулар – дойра, танбур, дутор чалиш бўйича амалий машғулотлар олиб борган» деб хотирлайди хонанда<sup>17</sup>.

Маълум давр мобайнида Карим Зокиров дўстлари Шукур Бурҳонов ва Юсуф Муҳаммедовлар билан бирга таниқли созанда – Ризқи Ражабий раҳбарлик қилган ўрта мактаб қошидаги ҳаваскорлик тўғарагининг машғулотларига мунтазам қатнаб юрди. Айнан шу ерда хонанда машҳур адиб Ойбекдан шеърят сирларини ўрганди.

1928 – йили Ўрта Осиё бўйича ўтказилган ижрочилар танловида қатнашган Карим Зокиров «Эй, нигорим» ашуласи билан нуфузли ҳакамлар ҳайъати – Тўхтасин Жалилов, Аҳмаджон Умрзоков, Абдуқодир Исмоилов, Муҳиддин Қориёқубовлар назарига тушди ва ғолибликни қўлга киритди.

<sup>16</sup> Беседы со старожилами Ташкента и Бухары (записала Вызго Т.) Рукопись в НИИИ – Т.: СИТИ № 447.1958. С-41. (Таржима бизники.)

<sup>17</sup> Ўша манба. (Таржима бизники).

Кейинчалик, ижрочиликдаги маҳорати туфайли хонанда, Ҳамза номидаги театр труппаси таркибига қўшилди.

Ризқи Ражабий ўз шогирдларига берган сабоқларида ўзгаларга кўр-кўрона тақлид қилмай, балки ўзига хос йўл, мустақил талқин услубига эришишни талаб қилар эди. Айнан танлов асносида Карим Зокиров бу сўзларнинг аҳамиятини теран идрок этди. Мазкур танловга тайёрланиш жараёнидаги якуний репетицияда Карим Зокиров «Сувора»ни икки маротаба, кетма-кетига ижро этиб берди. Аввал у худди нусха кўчиргандек, Юнус Ражабийга тақлидан ижро этди (хонанда ёшлик чоғларида моҳир тақлидчи бўлгани ҳақида дўстлари бир неча бор таъкидлаб ўтишган). Кейинги талқинда эса тингловчилар янги ва самимий туйғулар билан бойиган ашулани тинглашади.

XX асрнинг биринчи чораги ўзбек мусиқали театри шаклланиши жараёнида дастлабки (мусиқа муаллифсиз) асарларни сахналаштиришда миллий мусиқа меросидан «иктибос»лар киритиш услуби сахна санъатида изчил қўллаб келинган. Шу боис, Карим Зокировнинг театр сахнасидаги фаолияти – унга хос анъанавий ижро услубининг узвий давоми дейишимизга тўла асос бўлади.

Ўзбек ашулачилик санъатига хос бўлган турфа сайқаллар (тўлқинлаштиришлар, нозик қочирим йўллари) шеър матни ғояларига асосланган ҳолда бадий-ифодавий имкониятларни моҳирона қўллаш Карим Зокировнинг опера талқинлари услубида миллий ижрочилик шакли сақланиб қолишининг муҳим омилига айланди.

Карим Зокиров овози табиатан лирик-драматик баритон бўлиб, ўзига хос бетакрор тембр, маълум пардаларда «хирилдоқ» ширалилиги билан ажралиб туради. Хонанда ўз вақтида мумтоз ашулачилик услублари бўлмиш – «бинниги»,

«ишкамий», «гилўгий» (ёки «гулиги») услубларини ҳам пухта ўзлаштирган бўлса-да, кўпроқ сўнгги услубга ёндашиб келган<sup>18</sup>.

Айни вақтда Ўзбекистон Давлат архиви ва Республика телерадиокомпанияси олтин фонди ҳамда Санъатшунослик илмий-тадқиқод институти фонотекасида Карим Зокиров ижросидаги «Чоргоҳ-I» ва «Чоргоҳ-II», «Кўчабоғи-II», «Дугоҳ-I», «Гиря», «Илғор», «Сувора», «Истарман» каби мумтоз ашула йўллари сақланмоқда (иловага қаралсин).

Маълум бўлишича, Карим Зокиров атоқли хонанда Мулла Тўйчи Тошмухаммедовга ота томонидан узок қариндош бўлган<sup>19</sup>. Ёш Каримжон бу хонанданинг овозига ҳавас қилиб, хайратланар, ундан куйлаш усуллари, нафас юргизиш йўллари ҳамда овозни бошқариш маҳоратини изчил ўрганиб борарди. Мулла Тўйчи Ҳофиз репертуаридан ўрин олган мумтоз ашула намуналарининг деярли барчасини бўлажак хонанда севиб, ёдлаб олиш мақсадида устознинг бирорта концертини эътиборидан қолдирмас эди. Кейинчалик, бу таъсир оқибатида хонанданинг репертуаридан ўрин олган қатор ашулалари Карим Зокиров концерт дастурининг ёрқин асарларига айланди («Истарман», «Илғор», «Ушшоқ», «Баёт»).

Маълумки, Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам баъзан муайян асарлар тақдири ўн йилликлар ва ҳатто юз йилликлар давомида турли ижрочилар репертуарида сайқал топиб, ҳар бир истеъдодли хонанда у ёки бу асарларни хос йўсинда, ўз услубида талқин этиб, ўз ўрнига эга бўлган. Чунончи, маълум

---

<sup>18</sup>Эслаб ўтиш жойизки, беназир ўзбек ҳофизи Жўрахон Султоновнинг овози ҳам, ижро услуби ҳам табиатан худди ана шундай «хирилдоқ»ли безакка эга бўлган. Шунингдек, Карим Зокиров талқинларининг баъзи жиҳатлари Юнус Ражабий ижро услубига ҳам ўхшаб кетади.

<sup>19</sup>К.Зокиров фарзандлари бизга баён қилган хотиралари ва М.Ҳамидованинг монографиясида ўрин олган маълумотларидан.

бир ёки икки асар номи эълон этилиши билан тингловчилар кўз олдида муайян ижрочининг талқини гавдаланади. Мисол тариқасида Ҳожи Абдулазизнинг «Самарқанд Ушшоғи» ва «Гулузорим»и, Тўйчи Ҳофизнинг «Қора кўзум»и, Маъмуржон Узоқовнинг «Қалам қошлигим»и, Юнус Ражабийнинг «Куйгай»и, Жўрахон Султоновнинг «Гулузорим қани?» каби ашула йўллари ана шу хонандаларнинг мукамал ижро услублари, уларгагина хос овознинг ёрқин кирраларини очиб берганлиги билан тарихда қолган. Бу талқинлар ушбу хонандаларнинг машҳур «садоли қиёфалари»га айланган.

Шу тариқа Карим Зокиров талқинларида «Тошкент Ироғи», «Кўча боғи-I, II», «Чоргоҳ-II», «Дугоҳ-I», «Каримқулбеги-II», «Ироқ», «Истарман», «Гиря», «Ул кун жонон», «Сувора», «Хуш келдинг» каби Фарғона-Тошкент мақом йўллари ва мумтоз ашулалари етиб келган. Биз, мазкур асарлардан хонанданинг ўзигагина хос ижро қиёфасини гавдалантирувчи энг ёрқин мерос намуналари сифатида «Истарман», «Гиря-I», ва «Кўча боғи-I» талқинларини танлаб, уларни муфассал таҳлил этишни лозим топдик.

Карим Зокиров куйлаган мумтоз мусиқа намуналари орасида, айниқса, Алишер Навоий ғазалига басталанган «Истарман» ашуласи талқини назаримизда, кўп жиҳатдан хонандага хос теран ижронинг бетакрор ва ёрқин услубини тўлақонли намоён этади <sup>20</sup>.

---

<sup>20</sup> Карим Зокиров ижросидаги бу ва бошқа ноёб асарлар фоноёзуви Ўзбекистон Республикаси Давлат Архиви, Ўзтелерадио ва СИТИ фонохазинасида сақланиб келинмоқда.

Карим Зокиров талқинидаги «Истарман»<sup>21</sup> – биринчи октава «ре» пардасидан, 4/4 такт ўлчовидаги «шўхгина» дойра усули билан бошланади:



Усулнинг бундай енгил, хатто рақсбоп негизи ижрога ҳиссиёт, кўтаринкилик, асарга умумий оптимистик руҳ бахш этади. Асар шаклан, одатдагидек- даромад, ўрта пардаларда айтиладиган (хонандалар таъбирича – «ўқиладиган») миёнхат, авж ва фурувард қисмларидан иборат. Ғазалнинг шаклига бўйсунган ҳолда, авж ва фурувард қисмлари икки мартаба такрорланади.

Карим Зокиров асар талқини жараёнида вазн-усул, куй ривож, ғазал матни талаффузига изчил риоя қилгани ҳолда, интонацион жиҳатдан ниҳоятда эркин ижро этади. Хонанданинг ўзига хос «хирилдоқ» нолиш услубини жумлалардаги чўзиқ бўғинлар мисолида илғаб олишимиз мумкин.

Бундай нолалар, одатда, товушни тўлқинсимон тебратиш йўли орқали хонанданинг ижрочилик услуби инъикоси сифатида намоён бўлади.

Маълумки, ўзбек анъанавий ҳофизчилик услубида шеърий мисрадаги сўнгги жумлаларнинг охириги товушларини динамик тарзда бирмунча кучайтириб бериш намуналари мавжуд. Бу услуб хонандаларнинг овоз имкониятларини кўрсатибгина қолмай, куйга алоҳида

<sup>21</sup>Ўзбек халқ мусиқаси. (Тўпловчи ва нотага олувчи Ю. Ражабий.) – Т.: ЎзССР давлат нашриёти, 1955, 449-450 б.

жозибадорлик ҳам бахш этади. Карим Зокиров талқинида айнан шундай кучайтириш услуби кенг ўрин олган.

Нафас олиш масаласида эса, «Истарман»да кўлами кенг, шаклан катта ашулаларда қўлланиладиган тинимсиз куйлаш мисоллари учрамайди. Шу билан бирга, хонанда сўзларни бўлмай, узлуксиз талқин қилиш мақсадида, янги нафасни сўз бўғинларининг ўртасида изчил улаб боради. Такрорий авж ва фурувард қисмларида ғазал усулининг, оз бўлса-да ўзгарганини кузатамиз. Шеър матнидан келиб чиққан холда, Карим Зокиров, асарнинг такрорий қисмида «ички нолалаштириш» унсурлари билан сайқал беради.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, «Истарман» талқинида хонанда ўз овозининг бетакрор тембр хусусиятларини, юқори ижрочилик маҳоратини кўрсатибгина қолмай, балки мумтоз ашулачилик услуби бўлмиш – «гуллиги» анъаналарини ривожлантириб, унинг янгича талқин қирраларини ёритишга муваффақ бўлган.

«Гиря-1»<sup>22</sup>–ашула йўли, ўзбек ижрочилик амалиётида ниҳоятда машҳур, шу билан бирга, ўта мураккаб асарлардан бири ҳисобланиб, етук хонандалар Ота Жалол Носиров, Шораҳим Шоумаров, ака-ука Бобохон ва Акмалхон Сўфихоновлар, Мулла Тўйчи Тошмухаммедов, Ориф ҳожи Алимаҳсумов ва ҳозирги кунда ҳам бир қатор таниқли хонандалар репертуаридан ўрин олган.

Айрим ёзма ва оғзаки (хотира тарзидаги) маълумотларга кўра, Карим Зокиров мазкур ашулани 1930-йиллардан бошлаб ҳиргойи қилиб юрган экан. Ўзтелерадио фонотекаларида Карим Зокиров ижросида айнан шу талқин ёзиб олинган.

---

<sup>22</sup> Ўша манба. 49-51 б.

«Гиря»<sup>23</sup> – таъсирчан оҳангларга бой, мунгли ашула йўлларидадир. Табиатан оғир, баъзи ижрочилар талқинида ҳатто ҳазин мунг билан янграйдиган асарни Карим Зокиров бирмунча жадаллашган суръатда, муайян даражадаги кўтаринкилик билан ижро этади.



Хусусан, айнан авж қисми бутун асарнинг мантиқий марказига айланиб, ижрочилик маҳорати нуқтаи назаридан энг мураккаб жараёни акс эттиради. Карим Зокиров талқинида миёнхат қисмидан тортиб то авж қисмигача суръатнинг жадаллашиб боришини, авжида эса бирмунча тезлашган ҳолда ижро этилишини гувоҳи бўламиз. Бундай ҳол бир томондан, ашуланинг ғоявий мантиқи бузилиши, иккинчи томондан, - техник жиҳатидан асарни уддалай олмаслик хавфини туғдиради. Карим Зокиров эса бу икки ижодий вазифани ижобий ҳал этибгина қолмай, бадий тан олинган, янгича тусдаги ашула йўлини яратишга муваффақ бўлган.

Ижро жараёнида хонанда кенг нафас йўлидан фойдаланиб, мавжуд шеърга кўшимча мисра кўшиб, унинг охириги мисраларини асосий куй оҳангида ижро этган:



<sup>23</sup> «Гиря» - йиғи маъносини англатади.

Карим Зокиров овозининг «ҳирилдоқ» тембр хусусиятлари ички яширин садо тўлқинлари усули ёрдамида куй йўлига ўзгача жило беради.

Мазкур асар талқинида айнан юқори регистрдаги оҳанглар ва чўзиқ товушларни хонанда ўзига хос «бўғиқ» овоз билан ижро этади.

«Кўча боғи-I»<sup>24</sup> Бузрук мақомининг шўьбаларига ҳамоҳанг бўлиб, Муқимий ғазалига мосланган. Асар 3/4, 3/8 такт ўлчовидаги «талқинча» доира усулида ижро этилади:



Мазкур ашула хонандадан кенг овоз диапазонни талаб этишига қарамай, Карим Зокиров томонидан енгил ва осойишта ижро этилади. Овозни юргизиш борасида таранглик сезилмайди, асарнинг динамик ривожиди, жумладан, даромад, миёнхат қисмларида хонанда ўз овозини эркалатиб, авж қисмида бироз бўрттириб, фурувард қисмида эса майинлик билан юритади.

Ашула йўлининг шакл тузилишида, хонанда, даромадни ташкил қилган икки байтни, айти икки маротаба такрорлайди. Хатларни кенгайтириш ҳисобига дунаسر қисми ўрнига – авж қисми келади. Авжга тайёргарлик бўлими тушириб қолдирилганлиги сабабли, ҳосил бўлган кичик септима интервалини хонанда осонликча ижро этади. Ашуланинг метроритмик суръатини Карим Зокиров изчил сақлаб қолади, оҳангларни равон, бир текис чўзимда куйлайди.

«Истарман» билан бирга «Гиря-I», «Кўча боғи-I» каби Фарғона – Тошкент мақом йўллари намуналари таҳлили

<sup>24</sup> Ўзбек халқ мусиқаси. (Тўпловчи ва нотага олувчи Ю. Ражабий.) – Т.: ЎзССР давлат нашриёти, 1955, 79-80 б.

хулосаси сифатида айтиш мумкинки, Карим Зокиров нафақат «ҳирилдоқ» ширали овози билан ажралиб турган бетакрор хонанда, балки шеърят, мумтоз ашула йўлларининг зукко билимдони ҳам бўлган. У ҳар бир ибора, жумла ва тугал тузилмаларга теран бадиий сайқал бериб, ўзининг ижрочилик маҳоратини намоён этишга муяссар бўлган. Асарлар маълум даражада замонга «мослаштирилган» ҳолда ижро этилиб, ўтмиш ашулачилик анъаналарининг XX асрдаги узвий давоми ва ривожини ўлароқ, эътимодан эътироф этилиши зарур.

## **§1.2 ЎЗБЕК МУСИҚАЛИ ТЕАТРИДА ЯРАТИЛГАН ОБРАЗЛАР**

Карим Зокиров сахнадаги актёр ва хонандалик фаолиятини 17 ёшидан, яъни 1929-йили ўзбек драма театрида Гулом Зафарийнинг «Ҳалима» спектаклидаги бош қаҳрамон Неъмат образини ижро этишдан бошлайди <sup>25</sup>.

Карим Зокиров яратган образлар ўзининг ҳаққонийлиги, моҳиятан миллий талқинлари билан жалб этиб, сахнадаги илк қадамлариданоқ асосан бош роллар топширилиши учун замин яратди.

1929-1933 йиллар мобайнида хонанда бир қатор спектакллар, жумладан, «Ҳалима»да – Неъмат, «Икки коммунист»да – Арслон, «КИМга»да – Мушкилжон, «Арслон»да – Арслон, «Пўртана»да – Ботир каби бош ролларни ижро этишга муваффақ бўлди.

Маълумки, мазкур даврда ўзбек театрининг мусиқали драма жанри олдига миллий ижрочилик анъаналарини ривожлантириш билан бир қаторда, янги давр талабига мос

---

<sup>25</sup>Ушбу муаллифнинг «Эрк болалари», «Бинафша» ва айниқса «Ҳалима» асари ўтган асрнинг 20-йилларида Ўзбекистон (ва айрим қўшни худудлар)даги деярли барча мусиқа театрлари репертуаридан ўрин олган.

вазифалар қўйилди. Бу, биринчи навбатда театр репертуарини янги замонавий асарлар билан таъминлаш ҳамда қисқа фурсат ичида миллий мутахассис кадрларни етиштиришга қаратилган эди. Мазкур жараён ҳақида санъатшунос Марфуа Ҳамидова қуйидагиларни ёзади: «Ўз ижрочилик салоҳиятида хонандалик ва актёрлик маҳоратини мужассамлаштирган санъаткорларгина бадиий ва ифодавий баркамолликка эришиб, юксак ютуқларни қўлга киритишга муваффақ бўлдилар. Ўз навбатида, актёрлик санъати ўзбек мусиқали драмасида асосий тамойилга айланиб, кейинчалик «актёр-хонанда» феноменини мусиқий-драматик спектакль доирасида марказий қаҳрамон сифатида белгилаш имконини яратди»<sup>26</sup>.

Хонандага табиат инъом этган истеъдод ва ички ҳиссий қобилиятнинг ўзи образлар характерини тўлақонли ёритиш учун етарли эмас эди. Карим Зокиров табиий қобилият ва салоҳият билан бирга, сахна мактаби, актёрлик тажрибаси кераклигини идрок этди.

Хонанда ўз олдида янги мақсад ва вазифаларни қўяр экан, машаққатли йўлни муносиб босиб ўтишга бел боғлади. Ҳар бир янги образ талқинини яратгани сайин, унинг актёрлик маҳорати ортиб, дунёқараши кенгайган ҳолда ўзига хос ижрочилик услуби шаклланиб борди.

Ўзбек театршунослари томонидан кузатилган ушбу жараёнда юзаки намоёишкорлик, яъни актёрларнинг ўз қаҳрамонларининг ташқи қиёфасини кўрсатиш билан чекланиш ҳоллари танқид қилинар эди. Карим Зокиров яратган образлар ҳам ҳар сафар у ўйлагандек чиқавермас, «...бу ҳақда бош қотиришга, ҳаракатларни чуқурлаштиришга,

---

<sup>26</sup> Ҳамидова М. Актёрское искусство узбекской музыкальной драмы. – Т.: Фан, 1987. – С-22. (Гаржима бизники – Г.Т.)

тахлил давомида янги сифатларни ўйлаб топишга тўғри келарди»<sup>27</sup>.

Карим Зокиров ҳар бир янги спектаклда иштирок этгани сайин хонандалик ва актёрлик маҳоратини такомиллаштириб борди. Ролларни яратиш борасида унинг ижро услубида аста-секин лирик ва романтик ёндашув кўзга ташланади. Айнан шу муҳим белгилар ижодкорнинг бутун ижодий йўлини ёритиб, сахнадаги қаҳрамонларига янги сифатлар беради ва бетакрор талқинлари билан барчанинг хотирасида унутилмас из қолдиради.

1920-йилларда Карим Зокиров Ҳамза номидаги театр қошида ташкил топган Ишчи Ёшлар театри (ТРАМ)да ишлади. Театрнинг тикланиши оғир ва мураккаб шароитда кечган. Муҳиддин Қориёқубов, Тамарахоним, Мария Кузнецова, Маннон Уйғур, Ҳалима Носирова, Амин Турдиев, Карим Зокиров каби бир қатор сахна фидойилари заҳмат чекиб, тинимсиз меҳнат билан ўзбек театр санъатининг равнақига салмоқли ҳисса қўшдилар.

Ёш ишчилар театри жамоаси таркибига кирган Карим Зокиров мафкуравий ва тарбиявий ишларни ҳам зиммасига олиб, тарғиботчилик фаолиятини юрита бошлади.<sup>28</sup>

1920-йилларнинг охирида Ҳамза театри фақат драматик спектаклларни сахналаштириши туфайли, муסיқий театр – ўз фаолиятини мустақил олиб бориши масаласи кўтарилди. Шу тариқа, 1931-йили Карим Зокиров мусиқали театрға ўтиб, ижрочилик фаолиятини шу ерда давом эттирди.

Композитор ва бастакорлар билан ҳамкорликда қайта ишланган мусиқий спектакллар бу борада биринчи

<sup>27</sup> Хамидова М. Карим Зокиров. Ҳаёти ва ижоди. – Т.: Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1990. – 17-б

<sup>28</sup> Карим Зокиров. Хотира кечаси. Қўлёзма (стенограмма). ЎЗТУ кутубхонаси. Ин № 887. 1980. – 34-б. (Таржима бизники-Г.Т.)

тажрибалар бўлди. «Лайли ва Мажнун», «Фарҳод ва Ширин», «Гулсара» каби сахна асарлари мусикий драма жанрини янги боскичга кўтарди.

Муҳиддин Қориёқубов ташаббуси билан 1934-йили Карим Зокиров бир гуруҳ сахна ижодкорлари қатори Москва давлат консерваторияси қошида очилган Ўзбек опера студиясига ўқишга жўнатилди. Хонанда профессор Н.И.Сперанский синфида таҳсил олиб, ижро маҳоратини оширишга изчил ҳаракат қилди. Профессор ёш хонандага миллий ижрочилик анъаналаридан тубдан фарқланувчи янги ижро услубини (овозни кўйиш, бир текис, равон юргизиш усулларидан кенг фойдаланиш ва ҳ.к.) ўргатди. Ўз навбатида, Карим Зокиров Европа классик опера ижрочилиги ҳамда миллий профессионал анъанавий ижро услуби ўртасида робиталар излар, умумийлик мавжудлигини идрок этган ҳолда, миллий опера услуби ҳақида фикр билдирар эди.

Москвада Карим Зокиров устозидан опера ижрочилиги сир-асрорини ўрганиш билан бир қаторда рус, Европа композиторларининг етук сахна асарлари билан танишиб, ўз репертуари ва дунёқарашини кенгайтди.

1936-йили, Москвада ўтадиган ўзбек адабиёти ва санъати декадасига тайёргарлик бошланганлиги туфайли, Карим Зокиров Тошкентга чақиртириб олинди. Декадада «Фарҳод ва Ширин» ҳамда «Гулсара» мусиқали драмаларини намойиш этишга қарор қилиниб, хонандага бош қаҳрамонлардан бири – Фарҳод («Фарҳод ва Ширин») ва Иброҳим («Гулсара») образларининг ижроси топширилди.

Хонанданинг ширали, жозибадор овози ва актёрлик маҳорати марказий ва маҳаллий рўзномаларда бир неча бор эътироф этилиб, юксак баҳоланди.

Ўзбек театри сахнасида кўрсатган хизматлари учун Карим Зокиров «Хурмат белгиси» ордени ва «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист» унвонига сазовор бўлди.

Шу йиллари театр қошида малака ошириш курслари очилган бўлиб, Карим Зокиров ижрочилик маҳоратини Тошкент давлат консерваторияси профессори В.Г.Девлет кўлида давом эттирди.

Маълумки, 1937-1939 йиллар республикада театрнинг опера жанрини яратишга тайёргарлик кўриш жараёни билан белгиланади. Илк тажриба ўлароқ қардош республикаларнинг опералари «Ер-Тарғин» (Евгений Брусиловский асари), «Наргиз» (Муслим Магомаев асари) сахналаштирилди.

«Ер-Тарғин» операсининг бош қаҳрамони образи Карим Зокировга топширилди. Муваффақиятли ўтган тақдимот маросимидан сўнг, опера муаллифи Евгений Брусиловский маҳаллий рўзномалардан бирида Карим Зокировнинг юксак касбий маҳорати ва салоҳиятини эътироф этиб, Канабек Бойсеитов ва Муҳиддин Қориёқубов талкинларига қиёслаб ижро маҳоратига юқори баҳо беради<sup>29</sup>.

Карим Зокировнинг ижодий қиёфаси сахнада мағрур, жасур қаҳрамонлар образини гавдалантирган ўзбек мусиқали театрининг йирик намояндаси – Муҳиддин Қориёқубовга қиёсланиши бежиз эмас. Хусусан, бу икки атоқли ижрочи кўплаб спектаклларда айна бир хил образларни яратиб, ҳар бири бетакрор услуби билан ягона қаҳрамоннинг турли руҳий ҳолатларини намоён этишга муваффақ бўлганлар<sup>30</sup>.

---

<sup>29</sup> Хамидова М. Актёрское искусство узбекской музыкальной драмы. – Т.: Фан, 1987. – 36-б. (Таржима бизники-Г.Т.)

<sup>30</sup> Гликман И. Актёр узбекского оперного театра. //Пути развития узбекской музыки. – М-Л.: Искусство, 1946. – С-57.

1939-йили 17 июнда Ўзбекистонда биринчи ўзбек операси – «Бўрон»<sup>31</sup> премьераси бўлиб ўтди. Унда ҳам бош қаҳрамонни илк бор Карим Зокиров ижро этди. Шу даврдан эътиборан, Карим Зокиров опера театрининг етакчи хонандаларидан бирига айланди.

Ёшлик чоғларидан мумтоз ашулачилик услублари бўлмиш «бинниги», «ишкамий» ва, айникса, «гуллиги» йўлларида тарбияланган хонанда, қисқа муддат давомида Европа опера ижрочилиги тамойиллари (овозни юргизиш, резонанция қилиш, нафасни бошқариш, тақсимлаш томонлари)ни пухта ўзлаштириб олади.

Маълумки, ўша йиллар Тошкент Рус опера театри Ўзбекистонда Ғарбий Европа ва рус композиторлари асарларинигина намойиш қилган<sup>32</sup>. Бу ҳам ўзбек хонандалари учун симфоник оркестр билан куйлаш, хор, турли ансамблларда қатнашиш, вокал бўйича таниқли устозлардан махсус сабоқлар олишга сабаб бўлди. К.Зокиров кейинчалик шу даврда «Буюк канал» (1941), «Даврон ота», «Шерали» (1942), «Ўзбекистон қиличи» концерт-спектакли (1942), «Улуғбек» (1942), «Маҳмуд Таробий» (1944) каби бир қатор операларда бош партияларни муваффақиятли ижро этди.

1944-йили Ўзбек опера театри сахнасида илк бор Жорж Бизенинг «Кармен» операси сахналаштирилиб, Карим Зокировга ёрқин ва жозибали қаҳрамон – Эскамилио партияси ижроси топширилади.

Кейинги йиллар мобайнида хонанда репертуаридан ўрин олган роллар у яратган образлар доирасини янада кенгайтириб янги ва турфа хил психологик бўёқлар билан

---

<sup>31</sup>Композиторлар – С.Н.Василенко, М.Ашрафий. Либретточи – К.Яшин. Бўрон – К.Зокиров, Норгул – Ҳ.Носирова, Жўра – К.Сиддиқов, генерал-губернатор – М.Қориёқубов.

<sup>32</sup>Рус опера театрининг фаолияти Тошкентда 1918 йили бошланган.

бойитди. Хусусан, хонанда буюк рус композитори П.И.Чайковскийнинг «Пиковая дама» операсида – Елецкий (1947, 1950), «Евгений Онегин»да – Онегин (1948), «Иоланта»да – Роберт (1951) партияларини ижро этган бўлса, Ж.Вердининг «Отелло» (1950), «Аида» (1954) ҳамда «Травиата» (1962) операларида – Яго, Амонасро, Жермон, Д. Кабалевскийнинг «Семья Тараса» (1950) операсида Семён бобо образларини яратишга муваффақ бўлди.

Хонанданинг анъанавий халқ ижро йўлларига хос «хирилдоқ», тўлқинсимон, кенг диапазондаги баритон овози шинавандалар томонидан самимият билан баҳоланган бўлса-да, опера ижрочилиги мутахассислари томонидан танқид қилинган пайтлар ҳам бўлган. Хусусан, хонанда ижроси ҳақида матбуотда қуйидаги каби эътирозларни учратиш мумкин: «у ниҳоятда истеъдодли, лекин унинг истеъдодини такомиллаштириш зарур»<sup>33</sup>. Танқидчи Д.Рабинович хонанданинг артистик маҳоратини юқори баҳолаб, вокал партиясининг тўлқинсимонлигига қатъий эътибор беришни талаб этади<sup>34</sup>.

Хонандага Эскамилио партияси топширилганда, у миллий опера ижрочилигида ижобий баҳоланган, бироқ Европа опера намуналари талқинида салбий томонга айланиши мумкин бўлган нозик ва, айти пайтда, «хавфли» ижрочилик хусусиятларини бартараф қилишга ҳаракат қилади.

Эскамилио партияси талқинида хонанда бутун вокал ижрочилик салоҳиятини жамлаб, қаҳрамоннинг эҳтиросларини ифодалашда актёрлик ва ижро санъатига хос

---

<sup>33</sup> Юлдашбаева Т. Проблемы вокального исполнения в узбекском оперном театре //История узбекской советской музыки. – Т.: ГИЛИ им. Г.Гуляма, 1985. Т-1. – С 197.

<sup>34</sup> Ўша манба: С-196.

бой бўёқлар ва тембр палитрасига мурожаат қилади. Асар ижроси лавҳаларида Карим Зокировнинг овози қатъий жадаллашиб борса-да, баъзан ўзининг майинлиги, ҳаяжонлилиги билан тингловчиларни ром этади. Қаддиқомати келишган, мағрур Эскамилио, аёллар қалбини забт этган жасоратли қаҳрамон сифатида – Карим Зокировнинг актёрлик «мижози»га ниҳоятда мос тушган образдир. Хонанда талқинида Эскамилио «ҳайратомуз» персонаж сифатида гавдалантирилган бўлса-да, айти вақтда, ўзининг ҳаққонийлиги билан томошабинни маҳлиё этган <sup>35</sup>.

Карим Зокиров сахнавий фаолиятининг сўнгги босқичи (1950 йилларнинг охири – 1960 йиллар)да қатор ўзбек ва классик операларида мураккаб образлар яратди. Хусусан, у «Дилором»да– Шох Баҳром (1958), «Зайнаб ва Омон»да– раис (1959), «Майсаранинг иши»да – Мулладўст (1959), «Лайли ва Мажнун»да – Мағдий (1960, 1967), «Ҳамза»да – Ҳамза (1961), «Шоир қалби»да – Муқимий (1962), Зулматдан зиё»да – Ёрмат ота (1966), «Қайтиш»да – Ҳоди Саркор (1968) каби асарларда аксари бош қаҳрамонлар образларини яратишга муваффақ бўлди.

Айниқса Ҳамза Ҳақимзода Ниёзий асари<sup>36</sup> асосида ёзилган С.Юдаковнинг «Майсаранинг иши» ҳажвий операсида хонанда истеъдодининг ноёб қирралари очилди.

Мулладўст образи Карим Зокировнинг ҳақиқий ёрқин партияларидан бирига айланиб, ханузгача (операнинг 40 йилдан зиёдроқ сахнавий ҳаёти давомида) томошабинлар кўз

---

<sup>35</sup> Асарнинг фоноёзуви бўлмагани боис, мазкур ижро талқинида биз оғзаки тарздаги хотиралар ҳамда ёзма манбааларга таяндик (Ф.Зокиров, Р.Зокиров, М.Ҳамидова, Т.Юлдашбаева).

<sup>36</sup> Эслатиб ўтамиз, адиб ўз асарини “Бурунги қозилар, ёхуд Майсаранинг иши” деб номлаган. Афтидан, муаллиф Европада ҳажвий асарларнинг номланиш анъаналаридан хабардор бўлган кўринади (Бомарше – “Безумный день или Женитьба Фигаро” шулар жумласидан).

олдида айнан Карим Зокировнинг унутилмас талқини билан гавдаланади.

Шуни қайд этиш зарурки, бугунги кунга қадар ўзбек опера сахнасида яратилган кейинги Мулладўстлар (Н.Ҳошимов, Ҳ.Кечимбоев, Т.Ҳусанов ва бошқалар) сирасида Карим Зокиров яратган образ бетакрор намуна бўлиб қолган. Чунончи, опера либреттоси муаллифларидан бири, атоқли режиссёр – Музаффар Мухаммедов (1908-1998) Карим Зокиров Мулладўсти ҳақида шундай деган экан: «...актёрларнинг ҳали бирортаси ҳам Мулладўст образида К.Зокиров эришган юксакликка чиқаолгани йўқ... Қолган барча Мулладўстлар Зокировдан нусха кўчирган холос»<sup>37</sup>. Ўзбек мусиқали комедияси жанрининг асосчиларидан бири, композитор Манас Левиев фикрича эса: «...режиссёрлик фантазияси, актёрлик маҳоратининг унсурлари Карим Зокировнинг қонида бўлган. Бунинг ёрқин исботи у сахнада яратган Мулладўст образидир. Хонанданинг илк талқини бошқа такрорланмайди»<sup>38</sup>.

Халқ артисти Саодат Қобулова ҳам Карим Зокиров Мулладўстини юқори баҳолаб, опера театри сахнасида яратилган ушбу образлар сирасида энг жозибали, ёрқин талқин мисоли сифатида бир неча бор таъкидлаб ўтади.<sup>39</sup> Асар муаллифи, композитор С.Юдаков ҳам операнинг қаҳрамонлари қаторидан Мулладўстни алоҳида ажратиб, унга ноёб мусиқий безаклар топаолган<sup>40</sup>.

<sup>37</sup> Ҳамидова М. Карим Зокиров. Ҳаёти ва ижоди. – Т.: Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1990. – 69-б

<sup>38</sup> Карим Зокиров. Хотира кечаси. Қўлёзма (стенограмма). ЎЗГУ кутубхонаси. Ин № 887. 1980. 54- б. (Гаржима бизники-Г.Т.)

<sup>39</sup> Муаллифнинг халқ артисти Саодат Қобулова билан ўтказган суҳбатидан. 2000 йил, 16- сентябрь. Тошкент шаҳри.

<sup>40</sup> Бу ҳақда қаранг: Плунгян В. Прodelки Майсары С.Юдакова – Т.: Фан. 1992. – 128 с.

Мулладўст образи ўзбек фольклоридаги севикли қаҳрамон – доно ва хушчақчақ, адолатпеша Хўжа Насридин (Афанди)нинг характериға монандлиги боис, сахнадаги илк кўринишиданок томошабинларни ўзига ром этди <sup>41</sup>.

Мулладўст операнинг бош қаҳрамони бўлмаса-да, асарда ниҳоятда муҳим ижтимоий вазифани бажаради. Бир томондан, - унга мазлум халқ вакили сифатида асарнинг муҳим ғоявий қарашларини ёритиш юкланган бўлса (фирибгар ва муттаҳам зодагонларға танқидий муносабат), иккинчи томондан, - операнинг асосий ҳажвий моҳиятини мужассамлаштирган. Шу боис, операнинг муқаддимаси айнан Мулладўст образини гавдалантирувчи муסיқий материалға асосланади.

Хонанда мазкур образни яратиш қанчалик мураккаб ва масъулиятли эканлигини англаган ҳолда ниҳоятда ҳаяжонланади: «Ахир умримда биринчи марта бундай материалға дуч келишим-ку! Ҳеч кутмасдим. Мулладўст фақат ҳажвий-комик эмас, айни вақтда, ижтимоий фош этувчи вазифани ҳам бажаради. Унинг юмори нафратли, кулгусида эса -кўз ёшлари яширилган. Қош кўяман деб, кўз чиқариб кўймасам бўлди» – дея дўсти Юсуф Муҳаммедовға кечинмаларини изҳор қилган экан Карим Зокиров<sup>42</sup>.

Операнинг ихчамгина либреттоси Мулладўст образининг савияси, руҳий олами, дунёқарашини, табиийки, ёритиб бера олмасди. Шу боис, хонанда туғилган барча саволларға жавобни реал ҳаёт, ён-атрофидан топишға ҳаракат қилади. Карим Зокиров ўз қаҳрамонининг ҳаққоний чиқиши учун ҳар бир детал устида бош қотириб, Мулладўстни ҳам

<sup>41</sup>Хамидова М. Актёрское искусство узбекской музыкальной драмы. – Т.: Фан, 1987. – С-175.

<sup>42</sup> Хамидова М. Карим Зокиров. Ҳаёти ва ижоди. – Т.: Фафур Фулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1990. – 66-б.

зоҳиран, ҳам ботинан тўлақонли ёритиб беришга ҳаракат қилади. Натижада, унутилмас жозибали образ талқини туғилади.

Мулладўст – сахнада оқ кўйлак ва иштонда, белида белбоғ, дўпписининг тагига қизил гул қистирилган, оёғида маҳси-ковуш, кўлида эса супурги билан пайдо бўлади. Демак, Карим Зокиров ўз қаҳрамонининг нафақат аслан халқчил хонишларини, балки жўнгина, шу билан бирга аниқ ва оригинал ташқи кўринишини ҳам топа олган. Хонанда яратган Мулладўстнинг жозибаси шу даражада кучли эканки, бугунги кунда ҳам ана шу анъана ўлароқ, ўзбек опера театрининг ёш актёрлари талқинида ҳам давом этмоқда.

Мулладўст – санъаткор истеъдодининг ёрқин ва ноёб қирраларидан бирини ёритишга имкон берди. Чунончи, актёрнинг бой мимикаси Мулладўстнинг феъл-атвори, ҳатти-ҳаракати, ўзига хос имо-ишораларини акс эттиришда муҳим омил бўлди. Бу ҳолат қаҳрамоннинг сахнадаги ҳар бир ҳаракати -нозик юз ифодаларида ўз аксини топди.

Карим Зокиров Мулладўстини батафсил таҳлил этган санъатшунос Марфуа Ҳамидова хонандага бағишланган монографиясида буни алоҳида эътироф этади<sup>43</sup>.

Қаҳрамоннинг вокал партиясидан келиб чиқиб, Карим Зокиров, ўз овоз тембри бўёқларидан Мулладўстнинг характери, буткул руҳиятини янада теран, тингловчи учун аниқ ва равшан қилиб кўрсатишда асосий ифода воситаси сифатида ўрнида қўллади.

Мулладўст операда 16 маротаба турли кўринишларда намоён бўлади.<sup>44</sup> Булар «Мулладўст кўшиғи» (клавир,101-

---

<sup>43</sup>Ўша манба.

<sup>44</sup>Юдаков С. «Майсаранинг иши» - Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1985. (Клавир)-350 б.

бет), «Мулладўст куплетлари» (194-, 214-бет), ансамбл таркибидаги партиялар (дуэт, кватрет, квинтетлар (150-, 226-, 198-, 247-, 268-бетлар), речитатив ва оддий сўзлашув декламациясига асосланган номерлардир (90-, 106-, 155-, 211-, 223-, 232-, 320-, 338-бетлар). Мулладўстнинг ҳар икки марказий соло номерлари қаҳрамон характерини атрофлича очиб, хонанда талқинида ўзининг жозибали таровати билан ажралиб туради. Карим Зокиров талқинини тўлароқ ёритиш асносида мазкур лавҳаларнинг таҳлилига ўтаммиз.

*Мулладўст кўшиғи*<sup>45</sup>. «Кел дилрабо ёр, хушторингман,» мисралари билан бошланган кўшиқ, аслида бева аёл Майсарага кўнгил изҳори бўлиб, «муҳаббат арияси»ни ташкил қилади (В.З.Плунгян атамаси). Бироқ у мусикий тили, куй ҳаракати нуқтаи назаридан бошқа ариялардан фарқланиб, биринчи навбатда, Мулладўст характерини ёритишга қаратилган.

Композитор С.Юдаков кўшиқнинг куй асоси сифатида «Сув бўйида» халқ лапаридан фойдаланар экан, унинг 7/8 рақссимон ўйноқи усули, интонацион ҳаракати, Мулладўстнинг ҳажвий образини жонлантириш учун ниҳоятда мос бўёқлар топган. Хусусан, ҳар бир тактнинг ўртасида оркестр акцент бериб, мусиқага ҳазил, кулгу тусини бахш этади. Мазкур кўшиқнинг чизгилари ҳақида мусиқашунос В.З.Плунгян куйидагиларни таъкидлайди: «Куйнинг ўйноқи характери, бўрттириб берилган кичик оҳанглар – буларнинг барчаси жиддий вазиятга ҳазиломуз хусусият бахш этади».<sup>46</sup>

<sup>45</sup>Фоноёзув Ўзтелерадио СИТИ, Ўзбекистон Давлат консерваторияси фонотекаларида сақланмоқда. Шунингдек қаранг: Юдаков С. Майсаранинг иши. 5.2. 350-б.

<sup>46</sup>Плунгян В. Сулейман Юдаков: композиторы и музыковеды – Т.: ГИЛИИ им Г.Гуляма, 1979. – С- 72. (Таржима бизники-Г.Т.)

Композитор фольклор намунасини шунчаки иқтибос қилмай, унинг оҳангига монанд ривожлантириш услубини қўллайди. Унда бир томондан, - миллий фольклор ижрочилик анъаналари, иккинчи томондан – Европа вокал ижрочилик услубини динамизациялаштириш йўли уйғунлашган. Карим Зокиров талқинида авваламбор миллийлиги билан балқиб турган ёрқин ижро услубини кузатамиз. Унинг овози қаҳрамон овозининг тембр бўёқларига ниҳоятда мос тушган (овоз тесситурасининг бирмунча пастлиги, овоздаги «хирилдоқ» тембр бўёқлари буни таъминлаган).

Техник маҳорат нуқтаи-назаридан қўшиқ мураккаб эмас, бироқ бадиий нуқтаи назарига кўра у ижрочидан теран ифодавий талқинни талаб этади. Карим Зокиров мазкур қўшиқни жўшқин самимият билан хониш қилади. Туғма артистизм, хонанданинг ўзига хос ширали овози унутилмас талқин йўлини намоён этади. Хусусан, «содда-муғомбир» Мулладўстнинг хушчақчақ феъл-атвори, яширин қалб тугёнлари Карим Зокиров овозининг серкатлам ранг бўёқлари ёрдамида ўз ифодасини топади.

Мулладўст операнинг бош қаҳрамонларидан бири – бева аёл Майсарага бўлган муҳаббатининг самимийлигига ишонади.

*«Йўқ демасангиз Майсарахон, Сиз билан-о умр кўрай!  
Жон!»* мисраларининг оҳанглари «илтимос» шаклида ифода этилмай, балки ўзига ишонган интонацияда, бир оз бўрттириб талқин этилади. Қўшиқнинг рақсона ритм суръати Мулладўстнинг ҳажвий, ҳазилкаш табиатини очиб беришга қаратилган бўлиб, талқин жараёнидаги акцентлар аҳамиятини янада орттириб боради.

Хонанда ушбу урғулар вазифасини чуқур идрок этиб, уларни кўрсатиш учун махсус воситалар қўллайди. Хусусан,

оркестрдаги бўрттириб берилган товушларни Карим Зокиров кескин ижро этиш ўрнига авайлаб, бироз «эркалатиб» куйлайди. Натижада, кўшиқ йўли енгил, ўйноқи белгилар билан балқиб туради. Интонацион негизи халқ лапарига асосланган мазкур кўшиқни Карим Зокиров миллий ижро йўлига яқинлаштириб, талқин қилишга интилади.

Хусусан, жумлалар садоли нолалар орқали ифода этилиши баробарида якуний чўзиқ товушлар динамик тарзда кучайтириб берилиши мисоли мавжуд:

*Allegro moderato*

Кел-дил- ра- бо- ё хуш- то- ринг ман

ке- ча- ла- ри- е бе-до- ринг ман кел-дил-ра- бо- ё

Интонацион негизи халқ лапарига асосланган мазкур кўшиқни Карим Зокиров миллий ижро йўлига яқинлаштириб, талқин қилишга ҳаракат қилади. Хусусан, жумлалар садоли нолалар орқали ифода этилиши баробарида якуний чўзиқ товушлар динамик тарзда кучайтириб берилиши усули мавжуд (бу анъана «гулиги» ижро услубининг овоз чиқариш хусусиятига хос).

Мулладўст кўшиғи ижросида Карим Зокиров ўзбек шеърятининг билимдони эканлиги яна бир бор намоён бўлади. Матннинг ҳар бир сўз ва тугал мисраси чуқур англаниб, ўзига хос мусиқий талаффуз-интонацияларида аниқ ифодасини топади.

Хулоса тарзида шуни қайд қилиш мумкинки, Карим Зокиров талқинидаги «Мулладўст кўшиғи» ўзининг жозибадорлиги билан тингловчиларни ром этиб, кейинчалик хонанданинг концерт репертуаридан ҳам мустаҳкам ўрин эгаллаган.

*«Мулладўст куплетлари».* Мазкур куплетлар [клавир 94, 214-бб.] Мулладўст образининг ўзига хос жиҳати ва қизиқ табиатини таърифловчи яна бир мисолдир. Операда унга муҳим вазифа юкланган, хусусан, у асар Муқаддимасига Мулладўстнинг бош лейтмотиви сифатида киритилиб, операнинг жанр асосини белгилаб беришга хизмат қилган.

Куплетлар халқ фольклор намуналарини эслатувчи куй заминида яратилган. Лапарнинг 5/4 ритм - суръати оркестр воситасида охириги ҳиссани урғулаш билан алоҳида ифодаланади.

Лавҳалар аслида ҳажвий жанрдаги хиргойи бўлиб, айни вақтда ғамгин, муайян аламли характери билан ҳам ажралиб туради. Уни тинглаганда бир томондан, - қувноқ, ҳазилкаш инсон кўз олдимизда гавдаланса, иккинчи томондан, - унга ачиниш, ҳамдардлик туйғулари пайдо бўлади:

*«Қарилик юки эзди елкамни,  
Қадди қоматим букилиб кетди.  
Бўлди мош-гуруч соч билан соқол -  
Қора туклари тўкилиб кетди.  
Уйлантир, десам Қозига агар,  
Бу хотин талоқ, бу қариб кетиб,  
Кимга арз қилай, кимга дод этай -  
Хотин дардида қутуриб кетиб».*

Кулгу замиридаги пинҳоний кўз ёшларини тингловчиларга етказиб беришда композитор топган оҳанглар билан бир қаторда хонанда талқини алоҳида аҳамиятлидир.

Карим Зокиров мазкур асарни ҳам халқ лапарни ижрочилиги аанъаналари талқинига яқинлаштириб куйлайди. Ижро талқинида икки психологик кирраларни белгилашимиз мумкин. Бири – ҳазил-қувноқ кайфиятга яқин бўлса (бўрттирилган аккордлар, 5-15-тактлар), иккинчисида қайғули кайфият ҳукм суради (16-21 такт):

Moderato

Қа-ри- лик ю- ки                      эз- ди ел- кам- ни

Карим Зокиров ўз қаҳрамонининг зиддиятли тақдирини акс эттиришда ўз овози, ҳаракатли мимикасининг бой имкониятларидан унумли фойдаланади. Назаримизда, хонанданинг туғма артистик истеъдоди мазкур образ муваффақиятли талқинининг асосий омилларидандир.

Мулладўст иштирокидаги сўнгги сахналар асосан ансамбллар таркибида, речитативли декламацияларда, шунингдек, оддий сўзлашувга асосланган айрим лавҳаларда намоён бўлади. Хусусан, хонанда партиясида – «secco», «partlando» «accompagnato» каби речитатив ижро услублари ўрин олган Хонанда ансамбллардаги вокал диалогларини – лапарчилик аънаналарини давом эттирган ҳолда, рақссимон суръатда, мулоқот тарзида саъж усулига хос тез айтиш ўйинига ўхшатиб айтади. Хусусан, шулар қаторига биринчи парданинг хотимасидан ўрин олган Майсара ва Мулладўст дуэти киради. Мазкур ва унга ўхшаш дуэтлар енгил, қувноқ табиатига қарамай, хонандалардан том маънода ижрочилик

маҳорати (жадаллашган ритм суръати ортида берилган интонацион сўзларни лўнда ва аниқ ифодалаш)ни талаб қилади. Ҳалима Носирова (Майсара), ҳамда Карим Зокиров (Мулладўст) дуэтнинг моҳирона талқини бу борада намуна бўла олади.

Мулладўст ва Майсара дуэтига ҳамоҳанг бўлган «Мулладўстнинг пайдо бўлиши ва кватрет» сахнаси ҳам ўзининг таъсирчанлиги билан ажралиб туради.

Халқ кўшиғи заминида яратилган «Ҳожи Дарға ва Мулладўст» сахнасида («Лаъли Бадахшон» халқ куйи асосида), ҳамда «квинтетда» («Ҳай-ҳай ўлан, жон ўлан» халқ куйи асосидаги) К.Зокировнинг ижро талқини яна бир карра хонандани – ўзбек опера мактабининг ёрқин намоёндаси сифатида гавдалантиради.

Шу хусусиятлар Карим Зокировни ўзбек опера театридаги бошқа хонандалардан ажратиб, миллий талқинчилик йўллариини ўзгаларга ҳам хос «умумшарқона» бўёқлар билан таъминлайди. Бинобарин, ўзбек опера ижрочилик мактабининг шаклланишида истеъдодли ва серҳирра хонанда Карим Зокировнинг ҳиссаси алоҳида аҳамият касб этиб, бу феномен энди имкон қадар илмий баҳоланмоқда.

\* \* \*

Маълумки, муסיқий ижрочилик масалалари, хусусан, замонавий вокал санъати соҳаси муסיқашуносликнинг тадқиқ этилиши лозим бўлган долзарб масалаларидандир.

Вокал ижрочилик соҳасининг методологик асоси, баҳолаш мезонларининг бугунга қадар тўла шаклланмаганлиги (на анъанавий миллий ижро йўллари борасида, на Европа ижрочилик мактаби мисолида), қолаверса, ушбу жараённинг серқатламлиги ва мураккаблиги

масалани ўрганишда бирмунча қийинчилик туғдиради. Хусусан, анъанавий ўзбек ижрочилик амалиётида хануз тизимга тушмаган «дардли овоз соҳиби» ёки «дарди бор ҳофиз» каби таърифлар учраб туради. Шундай сифатга эга бўлган хонандалар тингловчиларга юқори бадиий таъсир кўрсатиш кучига эга. Кўпинча бу тушунча маълум маънода ҳаёт тажрибасига эга хонанда ёки ҳофизнинг «сирли нолали» йўллари билан бошидан ўтган қайғу-изтиробларини ифодалайди. «Дард» ҳамма хонандаларга ҳам ато этилавермайди. Бугунги кунда шундай хонандалар қаторига нафақат Карим Зокиров, балки унинг ўғли Ботир Зокиров, Давид Муллақандов, Ҳалима Носирова, Жўрахон Султонов, Маъмуржон Узоқов ва Соадат Қобуловаларни замонавий хонандалардан эса Шерали Жўраев, Юлдуз Усмонованигина киритишимиз мумкин.

Карим Зокировнинг кенг камровли ижро репертуарига асосланиб, биз анъанавий ва опера ижрочилик масалаларининг айрим қирраларинигина ёритишга ҳаракат қилдик.

XX аср Ўзбекистон мусиқа маданияти тарихида Карим Зокиров-нафақат забардаст мусиқий сулола асосчиси, балки анъанавий ўзбек ва опера (кенг маънода – буткул театр) санъатимиз шаклланиши, жадал ривожланиши жараёнига катта улушини қўшган, ўз даврининг истеъдодли ва кўп жиҳатдан беназир *талқинчи* хонандалар қаторида алоҳида ўрин эгаллайди.

## **II БОБ.**

### **ЎЗБЕК ЭСТРАДА САНЪАТИ АСОСЧИСИ-БОТИР ЗОКИРОВ**

#### **§2.1. СЕРФАОЛ ИЖРОЧИ ВА ИЖОДКОР**

Ўзбекистонда эстрада санъатига эътибор ортиб бораётган сари композиторлар, ижрочиларлар, муסיқашунослар ва умуман, кенг тингловчилар доирасида Ботир Зокиров феноменига қизиқиш ҳам кучаймоқда. Бунинг сири нимада?

Атоқли шоир Э.Межелайтиснинг «Илдизлар билан – ер қаърига, ниҳоллар билан – самога» деган нақлидан келиб чиққан ҳолда ва юқоридаги саволга жавоб топиш мақсадида Ботир Зокировнинг ижрочилик анъаналари, шу билан бирга, кенг қамровли ижодий фаолиятига мурожаат қилмоқчимиз.

Замонавий муסיқашуносликда долзарб бўлган мазкур масалани баҳоли қудрат таҳлил этиб, ҳозирги Ўзбекистон эстрада муסיқаси муаммоларини муайян санъаткор фаолияти мисолида таҳлил этиб, бу масаланинг ҳал этилиш жараёнига илмий-амалий ҳиссамизни қўшмоқчимиз.

Маълумки, ўзбек эстрада муסיқаси нисбатан навқиронлигига қарамай, муайян (тахминан эллик йиллик) тарихий асосга эга. Унинг шаклланиши ва дастлабки давр тараққиётида ҳал қилувчи улушларини қўшган санъаткорлар хизматини бирма-бир аниқлаб, уларга алоҳида муносабат билдирган ҳолда таҳлил ва тадқиқ этиш лозим. Илк эстрада санъаткорларининг ёрқин ижрочилик салоҳияти, бой ва сермахсул фаолият қамрови замонавий ўзбек қўшиқчилигининг асос-заминини ташкил этиб, мазкур оммавий санъат қатламининг камол топишида муҳим

омилларга айланиб қолган. Бу борада XX аср жаҳон эстрадаси юлдузи, ўзбек эстрада кўшиқчилигининг асосчиларидан бири Ботир Зокиров анъаналари ниҳоятда улкан мавқега эга.

Ҳозирги замон эстрада мусиқаси ўта мураккаб жараёнларни кечираётган бир пайтда, миллий қадриятларимизни эъзозлаш, уларни илмий нуқтаи назардан ўрганиш ва ибратли анъаналарни тиклаш масаласи алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Маълумки, XX аср фан-техникаси тараққиёти ва сиёсий-ижтимоий омилларининг мафкуравий ва таъсирчан кучи барча оммавий санъатлар қатори эстрада кўшиқчилик соҳасини олдинга суриб чиқарди.

Мазкур санъатнинг ниҳоятда ҳозиржавоблиги ва ҳамиша ўзгарувчанлиги – замон талабларига мосланувчан табиати, ижобий ютуқлари билан бир қаторда, мустақиллик даври санъати тизимига путур етказуви салбий ҳодисаларни ҳам ўз ортидан етаклаб келди. Хусусан, бозор муносабатларига ўтиш жараёни маълум маънода эстраданинг «шоу-бизнес» тизимига айланишига сабаб бўлиб, мазкур санъатнинг асл моҳиятини акс эттирувчи профессионал ижрочилик мезонлари деярли йўқолишига олиб келди.

Ҳукуматимиз томонидан охириги йилларда эстрада санъатига кўрсатилаётган катта эътибор, унинг олдида кўп йилликлар давомида тўпланиб қолган ижодий ва назарий муаммоларни бартараф этишга қаратилган тадбирлар самара бериб улгурмай, амалда турли мунозаралар пайдо бўлиб, ушбу масала хануз мураккаблиги билан қолмоқда. Бундай масъулиятли ва мушкул вазиятда яқин тарихимизда миллий ғурурга айланган ноёб ва юқори бадий ижрочилик мактабини яратишга муваффақ бўлган Ботир Зокировнинг

ижрочилик анъанаси ва феноменини намуна сифатида қайд этилиши бежиз эмас. Юксак истеъдод соҳибининг ибратли ижрочилик санъати ва ижтимоий- маънавий фаолияти ўсиб келаётган ёш хонандалар учун намуна бўлибгина қолмай, том маънода санъат бобидаги фидойилик рамзини гавдалантиради.

Ботир Зокировнинг ранг-баранг репертуаридан Р.Ҳамзатов шеърига (Н. Гребнев таржимасида) В.Шаинский яратган «Бахт ҳақидаги кўшиқ» дастлабки асар сифатида ўрин олган. Ушбу кўшиқ хонанда ва унинг синглиси Луиза Зокирова билан илк бор биргаликда ижро этилган бўлиб, у қадар шуҳрат қозонмаган бўлса-да, маълум маънода Ботир Зокиров ҳаётига ҳамоҳангдек туюлади. «Бахт ҳақидаги кўшиқ» гўё хонанданинг бутун умри давомида эзгу мақсади ва ижодий изланишларини ифодаловчи бир рамзга айланди. Бу асар талқинига хос Ботир Зокиров ижрочилик маҳоратини таҳлил қилишдан аввал мазкур кўшиқ матнини келтиришни лозим топдик:

*Где же ты счастье, где  
светлый твой лик?* - *Қайдасан бахт, қани ёруғ  
дийдоринг?*  
*Я на вершинах куда не  
сходил ты!* - *Сен етмаган  
чўққилардаман!*

*Где же ты счастье,  
вершины достиг?* - *Чўққилар пойимда, қанисан  
энди?*  
*В реках я, в реках которых  
не плыл ты!* - *Сен сузмаган  
дарёлардаман!*

*Где же ты счастье, я  
тысячу рек переплыл?* - *Минг дарёни кечдим,  
қаердасан бахт?*

<i>В песнях, что завтра ты сложишь!</i>	- Энди яралажак қўшиқларингда!
<i>Где ты, я песню тебе посвятил?</i>	- Қайдасан, қўшигим сенга атадим?
<i>Я впереди, догони если можешь!</i>	- Олдиндаман, қувиб ет, гар бўлсанг қодир
<i>Я впереди, догони ведь ты можешь!</i>	- Олдиндаман, қувиб ет, сен бунга қодир! <sup>47</sup>

Ботир Зокировнинг мураккаб хаёти, бир вақтнинг ўзидаги кенг камровли фаолияти ҳамда қисмати бир томондан- гўё порлоқ, иккинчи томондан, - ниҳоятда оғир бўлган. Хонанда ёшлик чоғларидан то умрининг сўнгги дамларигача йўл-йўлакай ёзиб қолдирган «Кундаликлари», серфаол ижодий борлиғи, маънавий меросимизда ва ҳозирги санъатимизда муносиб ўрин эгаллаши бежиз эмас. Зеро, унинг номи наинки Ўзбекистон, балки жаҳоннинг XX асрга мансуб сара хонандалари қаторида «ўзбек юлдузи» дея танилиб, ижро маҳорати тан олинди келинган.

Хонанданинг таржимаи ҳолидан маълумки, унинг болалик чоғлари XX аср аксар ўзбек санъаткорлари фарзандлари хаётига ўхшаш кечган. Ботир Зокиров (26.04.1936) Москвада таваллуд топди. Ука-сингиллари, каби ёшлигидан Алишер Навоий номидаги опера ва балет театри ҳамда Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқали театрлари спектаклларининг бевосита таъсирида ўсиб-улғайди. Ҳар доим хонадонларида янграган куй -қўшиқлар, отаси Карим Зокиров ва онаси Шоиста Саидованинг теран машқлари, ёш

---

<sup>47</sup>Қўшиқ фоноёзуви Ўзбекистон Радио қўмитасининг фондида сақланмоқда. РДП № 167. 281 (Мусиқий матн – монография муаллифи томонидан тикланган. Шеърни ўзбекчага мусикашунос И.Дадажонов мазмунан ўгирган).

Ботирда санъат эҳромига, театр ва кўшиққа бўлган чексиз муҳаббат чўғини солди.

Бу ҳақда Ботир Зокиров «Кундаликлар»<sup>48</sup>ида қуйидаги сатрлар мавжуд:«... Театр, бу сўз мен учун бениҳоят катта аҳамиятга эга. Менинг бутун болалигим ва ёшлик чоғларим ушбу гўзал санъат билан чамбарчас боғлиқликда кечган. Бунга иштиёқ ҳаётимнинг қайси даврида туғилди, билмайман. Назаримда, туғилишимдан олдин ошуфта бўлганман гўё... Эсимда, кичик синглим Луиза билан биргаликда онамиз ишлаган Муқимий театри спектакларида кўрган актёрларимиз ижросига тақлидан мўъжазгина болалар спектакллари уюштирар эдик. Онамиз хоналарига яширинча кириб, гримларини деярли тугатиб, кўлбола костюмлар ўйлаб топардик. Биз, ҳатто, катта кўғирчоқ спектакллари кўйишга ҳам уринганмиз. Кўғирчоқлардан тортиб то сахна безакларигача ўз кўлларимиз билан ясар эдик. Умуман, ҳар нарса ва ҳамиша гўё театрдек эди».

Зокировлар оиласида тез-тез бўлиб ўтадиган қизиқарли учрашувлар, таниқли шоирлар, актёрлар, хонандалар ва рассомлар билан бевосита мулоқотлар, давра суҳбатлари, баҳс-мунозаралар Ботир Зокировда санъатга чуқур профессионал нуқтаи назаридан ёндашиш, ва, муҳими, ижрочилик дидининг шаклланишида замин бўлди. Шу боис, ҳам, мактабнинг 9-синфини тугатмай, у ўз ҳаёти мақсадини англаган ҳолда Тошкент давлат консерваториясининг тайёрлов курсига киришга қарор қилади. Зеро, у тезроқ отаси Карим Зокиров билан сахнада ёнма-ён рол ижро этишни орзу қилар эди.

---

<sup>48</sup> Бу ноёб илмий-бадий маълумотларнинг бир қисми асл (русча) матнда нашр этилган. Қаранг: Мухаммедов С. Меня любовь в дорогу позвала // Звезда Востока. – Т, 1988.- №1. – С. 91-142.

1952-йили Ботир Зокиров консерваториянинг вокал бўлими талабасига айланди. Бу даргоҳда у Тошкентга Ленинграддан келган вокал мактаби устаси – Евгения Ивановна Бузанская синфида таҳсил олишдан бошлайди. Хонанда: «Мен ўз кундалигимни ажойиб ёшлигимнинг энг бахтиёр кунларидан – болагимнинг илк орзулари рўёбга чиққан кунидан бошлагим келади. Ўша куни мен Тошкент Давлат консерваторияси вокал факультети тайёрлов бўлимига муваффақиятли имтиҳон топширдим. Ўша кунлардан бошлаб, мен муסיқа эҳроми – Консерватория талабаси бўлдим, ўша кундан бошлаб севимли машғулотимнинг тубсиз уммонига шўнғидим. 20-август, 1952-йил»<sup>49</sup>.

Бўлажак хонанда талабалик давридаёқ опера ва, умуман, вокал санъати асосларини пухта ўзлаштиришга бор шижоати билан киришиб кетади. Овозни ижро палласига қўйиш, уни «очиш», нафасни тўғри тақсимлаш ва йўналтириш каби муҳим вокал ижрочилиги асосларини ўзлаштириб келаётган Ботир Зокиров, ўз навбатда, Шарқ ижрочилик анъаналари билан уйғунликни топишга астойдил ҳаракат қилади. Дарсдан ташқари вақтлари шу боис – Ғарб ва Шарқ кўшиқларини ўрганишга бағишлайди.

Бир неча йиллар давомида Ботир Зокиров ва Луиза Зокирова билан биргаликда сахнада озарбайжон, тожик, туркман, қирғиз, ҳинд, эрон, афғон, араб ашулаларини маромига етказиб, бадий таъсирчан дуэтлар ижро этишади. Бироқ, 1955-йили бехос қўзғалган оғир ўпка хасталиги келажакдаги кенг қамровли орзу-умидларини қатъий чеклашни тақозо этди. Хонандага сув ва ҳаводек зарур бўлган

---

<sup>49</sup>Жўраев А. Юрак бўронлари – Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. – 81-82 б.

соғлом вокал аппаратидан жудо бўлиш – Ботир Зокиров учун ўлим билан тенг эди.

Бир замонлар машҳур рус тенори, ноёб овоз соҳиби С.А.Лемешевнинг худди шундай хасталикка гирифтор бўлганлиги ва муҳими, дардни енгиб, соғайиб кетганлиги - хонанда қалбида келажакка умид учкунларини пайдо қилди. Нафас олиш тобора қийинлашиб боришига қарамай, у, тинимсиз меҳнат ва кучли ирода билан у куйлаш учун курашни давом эттирди.

Бешафқат тақдирга тан бергиси келмаган санъаткор, жами олти марта жарроҳлик столига ётиб, мураккаблиги жиҳатидан «Катта тиббиёт энциклопедияси»га кирган операцияларни ўтказди. Операциялар орасидаги қисқа муддатли танаффусларда у улгуролмаётган ишларини амалга оширишига бор шижоати билан киришиб кетарди. Унинг машҳур кўшиқлари айна шу дамларда тасмага туширилди, суратлари чизилди, шеърлари битилди, асарлар таржима қилинди, либреттоси яратилди, «Мюзик-холл»нинг дастури тайёрланди, тарғиботчилик фаолияти амалга оширилди.

Ботир Зокиров учун жисмоний оғриқлар эмас, ҳаёти давомида рўбарў келган тўсиқлар ва зиддиятларни енгиш, муҳими – руҳий тетикликни сақлаб туриш мураккаброқ эди.

«Наҳотки ҳаммаси тугаган бўлса!»- кундаликдаги аянчли бу хитоб, хонанданинг Москва давлат консерваториясида таҳсилни давом эттириш учун топширган имтиҳонидан сўнг ёзиб қолдирилган. Маълум бўлишича, вокал факультетининг нуфузли мударрислари ёш хонанданинг овозини истикболи йўқ деб топадилар.

Ботир Зокиров таассуф билан Тошкентдаги устози – Евгения Ивановна Бузанскаяга йўллаган мактубига куйидагича жавоб олади: «Қадрдоним Ботир! Барча

ёзганларинг ниҳоят аламли... Сен албатта хонанда бўлишинг керак!...” (Е.В. Бузанская мактубидан)<sup>50</sup>.

Афсуски, Ботир Зокиров консерваторияда ўқишни тугатолмади. «Ёшлик» ансамблига раҳбарлик қилган таниқли режиссёр Александр Осипович Гинзбург хонанданинг режиссёрлик қобилиятини пайқаб, санъатдан, кўшиқдан йироқлаб кетмаслиги ниятида Тошкент театр ва рассомчилик институтининг режиссёрлик факультетида ўқишни таклиф қилади.

1951-йилдан бошлаб, хонанда А.О.Гинзбург синфида таҳсил олади. 1958-йили Ўзбекистонда биринчи эстрада-симфоник оркестри ташкил этилиб, Ботир Зокиров синглиси Луиза билан оркестр яккахонларига айланади. Айнан ушбу эстрада-симфоник оркестрида, сўнг эса хонанада ташкил этган «Мюзик-холл» фаолиятида Ботир Зокировнинг ижрочилик салоҳияти такомиллашди.

**Кўшиқлар.** Ботир Зокировнинг ҳаёт мазмунини белгилаган ижрочилик санъати кўшиқчилик фаолияти билан чамбарчас боғлиқ эди. Таъкидлаш жоизки, айнан кўшиқ хонанда ижодини белгиловчи бош омилларидан бирига айланди. Ижодкор репертуаридан ўрин олган кўшиқларнинг деярли ҳар бири – дард туғёни, юқори профессионалик маҳорати билан ижро этилган бўлиб, бадий-эстетик таъсирчанлиги тингловчига завқ-шавқ бахш этади.

Карим Зокиров ва Шоиста Саидоваларнинг тўнғич фарзанди – Ботирга, туғма (ирсий) равишда оналаридан – майин ва назокатли, оталаридан – драматик, ширадор, баъзида «димоғда» ифодаланувчи бетакрор тембр хусусиятли овоз насиб этган эди.

---

<sup>50</sup>Қаранг: Мухаммедов С. Меня любовь в дорогу позвала //Звезда Востока. – Т, 1988. – №1. – С. 92-93. (Таржима бизники – Г.Т.)

Ёшлик дамларидаёқ, Ботир ўзини ниҳоят кучли хотира ва эшитиш қобилият, қизиқувчан, нозик мусиқий дид эгаси сифатида намоён этган. Таниқли Шарқ хонандаларининг ижросидан завқланиб, тақлидан маромида хиргойи қилиш салоҳияти билан ён-атрофидагиларнинг диққат-эътиборини тортар эди. У ўша даврларда жаҳонга доврўғи таралган Италия «Ла Скала» театрининг машҳур хонандалари Энрико Карузо, Бенъямино Жильи, Титто Руффо ижоди билан қизикар, улар ҳаётидан эшитган ё ўқиган айрим воқеаларни ҳикоя қилар, кўшиқларини айтиб берарди.

1952 – йили Машҳур озарбайжон хонандаси Булбул Мамедов Тошкентга гастролга келади. Навоий номидаги ўзбек Давлат Академик катта театрида озарбайжонлик санъаткорлар ижросида Узеир Ҳожибековнинг «Кўр ўғли» операсидан парчалар намойиш этилди. Ботир анча вақтларгача операдан ёдида қолган арияларни такрорлаб юрди»<sup>51</sup>.

Ботир Зокиров тинглаб, хиргойи қилиб юрган Шарқ ва Ғарбнинг етук опера намояндалари асарлари, граммпластинкалардан эшитган, ён-атрофда қулоғига чалинган мароқли кўшиқлар болалик чоғларида уни ошуфта этиб, келажагини белгилаб берди. Тошкент давлат консерваториясининг талабаси бўлгунига қадар Ботир Зокиров, маълум маънода Шарқона ва Ғарбга хос ижро усуллари ва йўлларида хабардор эди. У сахна ижрочилиги буйича камтарин тажриба ва ширали овоз диапозонига эга эди.

Консерваторияда талабалик йилларида Ботир Зокиров ўзбек, рус, ва чет эл муаллифлари романслари, опералардан

---

<sup>51</sup>Жўраев А. Юрак бўронлари – Т.: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989. – 9-13 б.

арияларни ўрганиш жараёнида ижро услуби такомиллашиб боради. Шу йиллардаёқ у «Ёшлик» («Юность») эстрада гуруҳида қатнашиб янги замонавий эстрада йўналишларида яратилган кўшиқларини ижро эта бошлайди.

Мазкур ансамбль Москвада бўлиб ўтган Бутунжаҳон талаба-ёшлари фестивалида (1957 й.) қатнашиб, бронза мукофотининг совриндори бўлди.

Фестивалга тайёрланган кўшиқлар қаторида Шоиста опа Саидова қаламига мансуб «Ўзбекистон – менинг диёрим» кўшиғи ҳам ўрин олган эди. Уни Ботир Зокиров синглиси Луиза Зокирова билан биргаликда ижро этиб, қатнашчилар ва ҳакамлар ҳайъати таҳсинига сазовор бўлди.

1958-йили Б.Зокиров сайъ-ҳаракатлари билан Ўзбекистонда биринчи Давлат эстрада оркестри тузилди. Ботир ва Луиза Зокировалар оркестрининг солистлари сифатида фаолиятларини давом эттиришди. Шунини айтиб ўтиш лозимки, оркестрда ўша вақтда таниқли композиторлар – Ян Френкель, Альберт Малаховлар (оркестрнинг бадиий раҳбари ва дирижёри) фаолият кўрсатиб, Ботир Зокиров репертуарида кейинчалик энг сара мумтоз асарларга айланган кўшиқларининг аранжировкачиларига айланишди.

1958-йилнинг сентябрида Тошкентда бўлиб ўтган Осиё ва Африка мамлакатлари ёзувчилари конференциясида мазкур композиторлар қайта ишлаган Шарқ кўшиқлари илк марта ижро этилди. Улар орасида ака-сингилнинг 1959-йили ёзиб олинган дуэти ҳиндча «Ажо, о ажо»<sup>52</sup> («Овозингни ҳар жойда тинглайман») кўшиғи ўрин олган эди. Ушбу кўшиқ

---

<sup>52</sup> Кўшиқнинг фоноёзуви Ўзбекистон Радио қўмитаси фондида сақланмоқда. Илова қаралсин: № 2.

ижросига конференцияга ташриф буюрган ҳиндистонликлар юқори баҳо бердилар<sup>53</sup>.

Ботир Зокировнинг овоз тембри Луиза Зокированинг табиатан юқори регистрлик хушовозига (сопрано) мос тушиб, бетакрор дуэт ансамблини намоён этган.

Шошилмасдан, ҳиссиёт билан

Ту ме- ба- та ти- ре- си- ма --- Ду- ня- мико-  
ме- хе- ме- ра ту ме ба- та  
ти- ре- си- ма --- Ду- ня- ми ко- ми хе- ме- ра ту ҳи  
хе- са- нам ку пе- ху- да  
ту ҳи- хе- са- нам ку пе- ху- да Жи ке ка  
рум ки а а - а - жо  
а- а- жа бе- ва- фа .

Қўшиқ минор-мажор лади, 3/4 ўлчовли вальс усули орқали гавдаланади. Асар тузилиши жиҳатидан мураккаб эмас, бироқ ижрочилик нуқтаи назаридан ва миллий ҳинд қўшиғининг нафис оҳанглари маромига етказиб бериштомонидан ниҳоятда мушкулдир. Ушбу қўшиқ аслида енгил вальс, рақс вазни усулида ифода этилган бўлсада,

<sup>53</sup>Мазкур ва сўнгги қўшиқлар матнини диссертация муаллифи илк бор нотага туширган.

Ботир ва Луиза Зокировлар талқинида дардли, ғамгингина янграйди.

Мазкур кўшиқ ижросидан сўнг Ботир Зокиров изчил Халмар Кумар, Френк Синатра каби турли миллатларга мансуб машхур хонандаларнинг ижро услубини уйғунлаштириш устида излана бошлади. Тажрибанинг мақсади – шарқона ва ғарбга хос ижро андозаларининг омухталигида оригинал йўлни топиш эди.

Халқаро анжуманда Луиза Зокирова ижросида индонезияча кўшиқ ҳам ижро этилган<sup>54</sup>. Хонандани олқишлаган кекса Индонезиялик адиб унга ушбу кўшиқ мазмунини тушуниб, сўнгра куйлашни тавсия қилган эди. Кўшиқ севги-мухаббат мавзусида эмас, балки «алла» эканлиги Зокировларни ноқулай вазиятга солиб, ёш хонанда учун катта сабоқ бўлган. Кейинчалик, Ботир Зокиров бошқа тилдаги ҳеч бир кўшиқ матнини мазмунан тушуниб олмагунича ижро этишга шошилмаган. Шу боис, 1959-йили Москвада бўлиб ўтган ўзбек адабиёти ва санъати декадасида Ботир Зокиров ижросида янграган таниқли араб муаллифи Дориш Ал-Аттошнинг «Араб тангоси»<sup>55</sup> кўшиғининг ўта теран талқини хонандани дунёга танитган.

Айни «Араб тангоси» ҳозирда Ботир Зокиров тимсолига айлангани бежиз эмас. Зеро мазкур кўшиқ хонандага ҳақиқий шуҳрат келтириб, кейинчалик таниқли композитор Ян Френкель томонидан қайта ишланади ва оркестр учун чолғулаштирилади.

---

<sup>54</sup>Кўшиқнинг фоноёзуви Ўзбекистон Радио қўмитаси фондида сақланмоқда. 22.09.1959й. тасмага ёзиб олинган.

<sup>55</sup>Илова қаралсин: № 2.

Муқаддима белгиланган «танго» усулининг метро- ритмик ўзига хослиги негизида берилиб, кўшиқнинг характериға кўтаринки кайфият бахш этади:



Дамли пуфлама чолғулар ва фортепианонинг мухтасар муқаддимасидан сўнг янграйдиган Б.Зокировнинг бош жумлалари бошланишиданок, асар самимиятли ҳис- туйғулари билан ҳар қандай тингловчини ўзига ром этади:

Ботир Зокиров «Араб тангоси» ғазал матнининг талаффузига изчил риоя қилган ҳолда, кўшиқни мўътадил тарзда – сокин ва эркин куйлаган. Хонанда ҳар бир сўз, жумлага теран бадий сайқал бериб, таъсирчанлиги билан тингловчиларға юксак эстетик завқ - шавқ улашган.

Я зах-ра тан-ки су- ва- ли ро-хай-ту ха-ти су- ва- ли  
 я зах-ра тан-ки су- ва- ли ро-хай-ту ха-ти су- ва- ли  
 га-на га-лай эл я- ди во-хаб ал-лад хал я- ди  
 ваша валлад ла ал-зу- ю по-мо-то сах-ху зу хур - - .

Конструктив жиҳатидан асар кўшиқ шаклиға нисбатан бир қадар йирикрок схемаға эға: АВА + С + АВА. Бинобарин, «А» қисми – ғамгин лирик ҳиссиёт билан жонланган бўлса, иккинчи қисм-«В», мажор гармонияларининг ортида бир

мунча жадаллашган, нисбатан қувноқ белгилари билан ажралиб туради. Асар ўртасида келган «С» қисми эса – авж сифатида драматик ҳиссиёт кульминациясини ташкил этиб, ижро услуби жиҳатидан қироатнамо монологга айланган.

Оркестр партиясининг аранжировкасига нозик дид, юқори профессионализм билан ёндошилганлигини эътироф этиш даркор. Оркестр зиммасига нафақат кўшиққа жўрлик, фон вазифаси, балки аҳамиятли функцияларни бажариш ҳам юкланган. Хусусан, торли ва пуфлама чолғуларнинг соло партиялари «суҳбатдош» сифатида хонанда билан тенма-тенг «мулоқотга» киришиб, ифодавийлик кучини оширишда кўмаклашади. Кўшиқнинг энг мураккаб қироат сифат монолог («С») қисми Ботир Зокиров талқинидаги нозик қочиримлар, безаклар ва умуман садоланиш жилоси- наинки хонанданинг юксак маҳорати, балки ўша даврдаги жасорати билан тингловчиларни завқлантиради. Ўзбек хонандаси талқинидаги «Араб тангоси» барча араб мамлакатлари хусусан, Миср, Саудия Арабистонида ҳам шуҳрат қозонган эди.

Декададан сўнг Ботир Зокировнинг зиммасига эстрада-симфоник оркестрни бошқариш юкланди. Жамоа тез орада бутун собиқ Иттифокда шуҳрат қозониб, кетма-кет гастролларга юборилди. Бироқ, оркестр учун эстрада асарларини ёзадиган композиторлар ва бадиий етук кўшиқлар топиш катта муаммога айланди.

Хонанда кундаликларининг турли йилларида бир хил савол турган: «... миллатидан қатъий назар, ҳар бир инсон қалбига яқин ва тушунарли бўлган кўшиқ хазинасининг

калити қаерда? Олдинда яна репертуар муаммоси ... ўз кўшиғим, композиторимни қаердан топсам экан?»<sup>56</sup>.

Ботир Зокиров репертуарида аста-секин хинд, эрон, озарбайжон, араб, афғон, тожик тилларидаги Шарк кўшиқлари йиғилиб борар экан, айна вақтда у миллий эстрада кўшиғининг қиёфаси, ижро услуби, нолаю садолари ҳақида бош қотиради.

Хонанданинг деярли барча кўшиқлари талқини мазкур оркестр жамоаси билан ҳамкорликда туғилган. Ботир Зокиров сахнада айна жўрнавотларга уйғунлаша билиш маҳоратига эга эди. У куйлаганда овози оркестр садоларига «куйилиб», бир бутун яхлитликни ташкил қиларди. Оркестрни нозик ҳис қилиш қобилияти кўшиқларнинг эркин талқинида, шунингдек, оркестр чолғуларининг хилма-хил тембр жилолари билан ифодавий-таъсирчанлигини кўтаришга интилишида кўринади. Эронча «Маро-бебус»<sup>57</sup> кўшиғи шундай жозибали асарлардандир.

«Маро-бебус» «...репертуаримдаги эски кўшиқлардан бўлсада, олтин фондига мансубдир. Қолаверса, «Маро-бебус» вақт ҳукмига бўйсунмаган кўшиқлардан биридир», – деб ёзади Ботир Зокиров <sup>58</sup>. Дарҳақиқат, мазкур кўшиқ кўплаб мамлакатларни «кезиб чиққан», хонанда репертуарида мустаҳкам ўрин эгаллаган.

---

<sup>56</sup> Мухаммедов С. Меня любовь в дорогу позвала // Звезда Востока. – Т., 1988.-№1, С-107. (Таржима бизники – Г.Т.)

<sup>57</sup> Кўшиқнинг фоноёзуви Ўзбекистон Телерадио фондида сақланмоқда. Илова қаралсин: № 2.

<sup>58</sup> Мухаммедов С. Меня любовь в дорогу позвала // Звезда Востока. – Т., 1988.-№1, С-131. (Таржима бизники – Г.Т.)

Ма-ро бе бу- - с ма-ро-о бе бу- с  
 Ба ро- э о- фа-рин э бо - ху-до ту ро- ни га-фи  
 до- ки-ми ра ван де су- э сан ме ре  
 ба-хо- ри ман-гу зал ич ти - - гу-зал ич- ти хо гу зеш-  
 ти - - ра- вам бе жос те ту э сам-ми-ре.

Самимий лирик фортепиано муқаддимаси қўшиқнинг умумий кайфиятини белгилаб бериб, оҳиста чайқалаётган усул ортида асарга ўзгача жозиба бахш этади:



Ботир Зокиров талқинида ушбу асар юксак техник маҳорат билан оригинал тарзда ижро этилган. Қўшиқнинг ижро диапазони катта бўлмаса ҳам (I-октава «ми» – II-октава «соль») бироқ хонанда овозининг турли жилоларини кўрсатишга имкон беради. Қўшиқнинг ички тузилиши ашула жанрига яқин бўлиб, бир неча бўлақлардан иборат композицион яхлитликни ташкил этади. Хусусан, муқаддима куйи асосида келган дастлабки биринчи бўлимдан сўнг ашуланинг авж қисмига хос драматик ҳис-туйғулар, кечинмаларни мужассам этган иккинчи бўлим келади. Учинчи ва тўртинчи тузилмалари эса фурувард каби куй ҳаракатидаги шижоатли эмоционалликни сусайтириб, дастлабки қисм бош мавзусига олиб келади.

Ушбу қўшиқда хонанданинг дардли овози бетакрор қирралари очилган. Асар бошида Ботир Зокировнинг майин

овозида маҳзун ҳижрон нолалари зоҳир этилиб, авж қисмида шиддатли нолалар билан эътиборни ўзига жалб этади.

Асар равон ва эркин талқин қилинган. Оркестр ижро жўрлигини нозик ҳис қилган ҳолда, хонанда интонациялари ва шеър талаффузидаги бадиҳавийликка йўл беради.

Аранжировкада талайгина оркестр чолғу гуруҳларининг қўлланилиши ва ансамбл орқали уйғунлаш усули диққат-эътиборни тортади. Булар ритм-секция (perc.), фортепиано ва пуфлама чолғуларидир. Ушбу ансамблнинг тембр интонациялари билан суғорилган лейт-мавзу кейинчалик кўплаб ўзга шарқона и эстрада аранжировкаларнинг умумий колоритига айланиб қолганлигини кузатиш мумкин.

Ботир Зокиров ижро услуги ҳақида мусиқашунос Г.Амбарцумова қуйидагиларни таъкидлайди: «Хонанда, энг аввало, қўшиқни тўғри талқин этиб, ундаги пинҳон теран ҳиссиёт мазмунини тингловчиларга етказиб бериш маҳоратига эга. Ботир Зокиров буни бирор ортикча имо-ишорасиз, зоҳиран тежамкор ҳиссиёт ва камтарингина сахна ҳаракатлари орқали, ягона интонацион тўлқинда қўшиқни театрлаштира олган»<sup>59</sup>. Дарҳақиқат, хонанда репертуаридан ўрин олган ҳар бир қўшиқни қалбан ҳис этиб, дардли овози орқали самимий ифодалашни мақсад қилиб олган.

Афсуски, бугунги кунда кўплаб ёш эстрада хонандаларида бунинг акси кузатилмоқда. Қўшиқларида мазмун, талқин йўли, ижро маҳорати каби соф ижрочилик мезонлар четга сурилиб, «кўз роҳати» биринчи даражага айланиб қолаётгани ниҳоятда ажабланарлидир.

Ботир Зокиров билан ўзаро ижод жараёнида бевосита мулоқотда бўлган бир қатор композиторлар хусусан

---

<sup>59</sup> Амбарцумова Г. Человек стоявший у истоков узбекской эстрады // Звезда Востока – Т, 1986. – № 7 – С. 182-183. (Таржима бизники – Г.Т.)

И.Акбаров, Э.Солиҳовлар хонанданинг ижро этган кўшиқлари устида не даражадаги заҳмат билан ишлаганлиги ҳақида бир неча бор таъкидлаб ўтишган <sup>60</sup>.

Кўшиқ туғилишидан тортиб, то сахнага тақдим этилишига қадар, грампластинка ёки магнит тасмасига ёзиб олингач эса, унинг талқини бўйича шахсий таҳлил жараёни давом эттирилиб, «қиёмига» етказиш учун қилинган ҳаракатлар, ўй-фикрлар хонанданинг кундаликларида ҳам муҳрланиб қолган: «Мана, яна Москвада Икром Акбаровнинг иккита кўшиғини ёзаяпмиз. Бири – мен учун Туроб Тўла шеърига ёзилган, бироқ бошқа хонанда томонидан ижро этилган эски кўшиқ, иккинчиси эса, қоғоз гул ҳақидаги кўшиқдир. У жуда оддий ва уни тезда ёзиб олдик. Биринчисини эса ёзишга ботина олмадим. Икром билан кундузи бўлиб ўтган репетицияда бир даҳшатли нарсани тушундим. Кўшиқни эсдан чиқараёзиман, яъни унинг нафосатини ҳис эта олмадим, уни сезаолмадим. У қачонлардир бўлганидек мени ҳаяжонлантириб, кўнглимни ундамаяпти. Қандай қилиб буни қайтариш мумкин? Уни ёзиш зарур. Лекин дастурдан ўрин олгани учунгина эмас, балки кўп нарсалар у билан боғлиқлиги учун. Кўшиқни қайтадан тиклаб, унга янги ҳаёт бахш этиш зарур. У орқали гўё ижодим тўсқинликларини енгганим каби қайтадан туғилиб, ўраб турган гумон ва ваҳималардан қутулгач, ўз-ўзимга ишонч ҳосил қиламан...

Кўшиқнинг репетицияси яхши ўтмади. Ёзиш зарур. Жуда кўрқиб, асабийлашаяпман. Кўшиқни қандай айтиш лозим?.. Ҳар бир товуш, куй жумласини тинглаб, шундаймикин, деб бош қотираман.

---

<sup>60</sup> ЎзТВ “Олтин мерос” туркумидаги “Айтилмай қолган кўшиқ” хужжатли фильмдаги суҳбатидан.

Атрофдаги барча нарсалар, муҳими эса, шахсан ўзим кўшиққа халақит бердим. Кўшиқни *фақат сеники*<sup>61</sup> бўлиши учун нима қилиш зарур? Ижроимдан қониқмаган ҳолда одамлар учун муҳим ва керакли иш қилаётганимни идрок этиш учун нима қилиш лозим? Кўшиқ қандай бўлиши керак? ...»<sup>62</sup>.

Ботир Зокировнинг 1966-йили Москва «Мюзик-холл»и билан Парижга қилган ижодий сафари хонанда учун бу кунлар ёрқин хотираларга айланди. Хонанда Парижнинг жаҳонга машҳур «Олимпия» эстрада театри сахнасида ўз кўшиқларини ижро этишга муваффақ бўлиб, катта шуҳрат қозонди.

Франциядаги гастролларда хонанда нозиктўаб французларни ўзбек, рус, араб, эрон кўшиқлари билан бир қаторда франциялик машҳур композиторлар кўшиқлари билан мафтун этди.

Бошқа халқларнинг кўшиқлари хонанда талқинида «ўзиники» бўлганидек, ўзбек эстрада кўшиқларида ҳам хонанданинг шахсий, фақатгина Б.Зокировга хос муסיқий тили, ижро услуби шаклланди. Атоқли ўзбек композитори Икром Акбаров билан самарали ижодий ҳамкорлик жараёни нафақат ижрочи учун, балки бутун ўзбек миллий эстрада кўшиқчилиги учун ҳам янги саҳифа очиб берди. Муаллиф хонанданинг узоқ давр мобайнида излаган «шахсий» композиторига айланди.

«Ботир Зокиров учун мен ўнтадан ортиқ кўшиқ яратиб, айримларини қайта ишладим – дейди И.Аkbаров. У биринчи марта К.Ёрматовнинг «Гуллар очилганда» бадиий фильмда

<sup>61</sup> Таъкид бизники – Г.Т.

<sup>62</sup> Қаранг: Мухаммедов С. Меня любовь в дорогу позвала // Звезда Востока. – Т., 1988.- №1. – С 115. (Таржима бизники – Г.Т.)

менинг кўшиғимни ижро этди. 1963 - йили суратга олинган «Сенинг изларинг» фильмида эса (реж. Р.Ботиров) -“Газли” кўшиғини ижро этди. Унинг жозибали талқинида илк бор “Ёр, кел”, “Раъно”, «Маҳбуба» янгради<sup>63</sup>».

«Ёр кел» кўшиғини Б.Зокиров Париждаги гастролларда муваффақиятли куйлаган эди <sup>64</sup>. Енгил вальс усулига асосланган ушбу жозибали кўшиқ хонанда талқинида сокин ва хузурбахш янграйди.

Узун ноталар чўзимлари орқали ривожланиб гавдаланган куй интонациялари лирик кўшиқ жанрига хос соф «вокал», яъни куйчан ва айни сокин тарздаги ижрони талаб қилади:

(Moderato) Meno mosso

Бо-ғим-га, ноз и-ла, ёр, кел,  
қув-ноқ о-воз - и-ла, ёр, кел.

Шуни таъкидлаб ўтиш жойизки, хонанда талқин услубининг ўзига хослиги, овозининг бетакрорлиги ҳам - айнан лирик характердаги кўшиқларда ёрқин намоён бўлган. Бинобарин, Б.Зокиров овозининг ўзига хос тембр бўёқлари айникса чўзиқ интонациялар мисолида яққол кўзга ташланади. Б.Зокировнинг лирик хонандалар тоифасига киритилиши, жумладан, «ўзбек-шансонъеси» деб аталиши бежиз эмас. Хусусан, «Ёр, кел» кўшиғини у эркин, жозибали, куйчан ва самимий куйлаган. Эркин талқини - хонанда услубининг муҳим белгиларидан бири бўлмиш – зоҳиран

<sup>63</sup>Муаллифнинг композитор И.Акбаров билан 2002 й. 28-июнда ўтказган суҳбатидан.

<sup>64</sup>Фоноёзув Ўзбекистон Радио кўмитасининг фонохазиnasiда сақланмоқда. Илова қаралсин №2.

қатъий ва камтарин сахна ҳаракатлари орқали намоён бўлади. Ботир Зокиров «Ёр, кел» нинг услуби, жанри, шеър мазмунининг ифодавийлигини хис қилиб, чуқур идрок этган ҳолда, ҳар бир сўзнинг бадий мантиқан талқин этади:

*Богимга ноз ила, ёр, кел,  
Қувноқ овоз ила, ёр, кел  
Сеники бу чаман, бу гуллар  
Сеники куйлаган булбуллар  
Куй ила, соз ила, ёр, кел!*

Ижрочилик, хусусан, талқини масаласига эътибор қаратган таниқли олим В.Л.Яворский, қобилият, профессионал билим, малака билан бир қаторда ижрочининг юқори савияли бадий-эстетик маданияти зарурлигини алоҳида таъкидлаб ўтади<sup>65</sup>.

Ботир Зокиров ижро услуби аввало юксак дид ва бадий маданияти билан фарқланиб, талқин нуқтаи назаридан тингловчилар эътиборини ўзига қаратади. Хусусан, бу жиҳат, ижро жараёнида асардаги талайгина мусиқий воситаларни ўз ўрнида ишлата билиш маҳоратида кўзга ташланади. Булар – нафас олиш, ритмик агогика, мазмуний акцентлар, садолантириш ва тўлқинлаштириш, паузалар, тембр бўёқлари каби ифода воситаларини танлаб ишлатишида яққол кўринади. Бинобарин, хонанда талқинида нозик ва майин садолар овозни сайқаллаштириш, юргизиш усули, қолаверса, тембр эффектларидан моҳирона фойдаланиш орқали куйга садовий рангинлик хусусиятини бахш этади. Қўшиқларнинг дастлабки жумлалари куйчан-лирик тараннум этилса, якуний жумлалар мафтункор тарзда ижро этилади. Шу боис, Ботир

---

<sup>65</sup> Франкельберг Н., Яворский Б. Об исполнительстве. // Музыкальное исполнительство - М.: Музыка, 1979.-№10.- С. 230-238.

Зокиров кўшиқнинг ҳар бир ибораси, интонацияси ва катта тузилмаларига ўзгача бадиий сайқал беради.

Узоқ йиллар давомида хонанда репертуаридан ўрин олган «Газли»<sup>66</sup> кўшиғи ҳақида композитор Икром Акбаров куйидагиларни хотирлайди: «Кўшиқни илк мартаба Ботирга кўрсатганимда, ҳажман ҳозирги вариантга нисбатан икки баравар катта эди. Унинг истагига биноан кўшиқни ихчамлаштиришга тўғри келди.»<sup>67</sup>.

«Газли» кўшиғи куйинг интонацион тузилишида, хонанда, ғазалнинг мазмунидан келиб чиққан ҳолда - икки қалбнинг нозик туғёнларини табиат гўзаллиги билан чоғиштиради.

Вокал партияси осойишта куйчанлиги билан характерланиб, анъанавий ўзбек кўшиқчилиги ҳамда оммавий кўшиқ элементларини бириктира олган. Хусусан, айрим мелодик айланмаларда (ладнинг турғун поғоналарига таяниш, уларни аста-секин тўлдириш ҳаракати), хонанданинг узун товушларни тўлқинсимон садолантириши орқали асар ўзбек лирик кўшиқларига яқинлашган:

Andante

Барг-дай қунади оқ-шом саҳ-ро киприк-ла-ри-га  
нав- бат бе- ра- ди о- ром  
газ- ли кўх- лик- ла- ри- га.

Ботир Зокиров кўшиқни самимий тараннум этган ҳолда, теран рухий-ҳиссий қирраларни кўрсатишга интилган. Ботиний

<sup>66</sup> Фоноёзув Ўзбекистон телерадио фондида сақланмоқда. Илова № 2.

<sup>67</sup> Муаллифнинг Икром.Аkbаров билан 2002-йил, 28- ноябрда ўтказган суҳбатидан.

ва зоҳирӣ бирликни мужассам этиш натижасида вужудга келган қўшиқнинг *талқиний тимсоли* - хонанданинг ўзига хос, бетакрор ижро услубидан далолат беради.

Муסיқашунос Е.Л.Князева<sup>68</sup> оммавий жанрларни ўрганиш ва баҳолашга оид тадқиқотида қизиқарли фикрни ўртага ташлайди. Хусусан, муаллифнинг фикрича, академик жанрда композитор, ижрочи ва тингловчилар ўртасидаги (КИТ) ўзаро «мулоқотда» композиторнинг ўрни бирламчи муҳим бўлса, анъанавий жанрларда айнан ижрочилик - ижод жараёнининг муҳим омилига айланади. Шу боис, ижрочи ҳар гал асарни янгитдан яратади. Бу маънода талқин жараёни композитор белгилаган мақсаддан бирмунча бой ва тўлароқ тарзда амалга оширилади. Талқиннинг бетакрорлигига эса фақат истеъдодли индивидуал шахсгина эришиши мумкин. Хонанда Ботир Зокиров шундай ёрқин индивидуал шахс сифатида ижро этган қўшиқларига умрбоқийлик бахш этди.

Композитор Икром Акбаров таъкидлаганидек: «Ботир Зокиров бўлмаганида, менинг «Раъно», «Газли», «Ёр, кел», «Маҳбубга» каби қўшиқларим ҳам бўлмасди. Унинг дилбар хониши орқали ҳар бир қўшиқ ўзгача бўлиб қолди. Унинг вафотидан сўнг мен бошқа қўшиқ ёзмадим. Чунки, унингдек маҳоратли ижрочи, қўшиқ маромига етмагунича ишлашидан чарчамайдиган хонандани бошқа учратмадим ..»<sup>69</sup>.

Дарҳақиқат, Ботир Зокиров ижро этган асарларнинг энг саралари бугун унинг ҳаққоний «*садоли қиёфаси*»га айланиб қолди. Хонанданинг қўшиқлари «Мелодия» грампластинка фирмаси ва Москва радиосида навбатсиз ёзилгани маълум.

---

<sup>68</sup> Князева Е.Л. Некоторые аспекты изучения и оценки в массовых жанрах музыки: Сб.ст: Вопросы музыкальной педагогики и исполнительства.-Т.: 1993. С - 41-48.

<sup>69</sup> Ўша суҳбатдан.

Зеро, Ботир Зокиров кўшиқларини дунёнинг турли бурчакларида орзиқиб кутишарди.

Икром Акбаров томонидан симфоник оркестр учун қайта ишланган «Эй, сарбон» афғон кўшиғини Ботир Зокиров иккинчи оғир операциядан сўнг ижро этиб, овоз тасмасига туширган<sup>70</sup>.

*«Эй, сарбон, оҳиста юр, оромижоним борадур,  
Тандан дилу жоним олиб, ул дилистоним борадур.  
Қолурму мен олис бўлиб, бечораю маъюс бўлиб,  
Қалбим фироқ тиги тилиб, то устихоним борадур.  
Эй, сарбон, оҳиста юр, оромижоним борадур ...»*

Маълумки, ушбу кўшиқ кўплаб таниқли хонандалар репертуаридан ўрин олган бўлсада, Ботир Зокиров ижросида янгича йўналиш, ўзгача талқинда тараннум этилган. Сарбоннинг оҳиста тебраниб кетаётган ҳаракати оркестрда ритм гуруҳининг ўзгача усул-суръати орқали ифодаланади ва асар характериға ўз таъсирини ўтказади.



Фигон, ҳижрон дардини акс эттирувчи ғамгин ва маъюс интонациялар хонанда ижросида ёруғ, кўтаринки кайфиятда хиргойи қилинган.

Қуйига ҳаракатланувчи секвенцион жумлаларини хонанда кенг нафасда уларни бир-бирига улаб ижро этар экан, куйнинг сокин ва равон ижросини таъминлайди. Хонаданинг майин, ширали ва жозибадор овозидаги тембр бўёқларида отаси Карим Зокиров овозининг баъзи жиҳатларига монандликни илғаб олишимиз мумкин.

<sup>70</sup> Фоноёзув Ўзбекистон телерадио фондида сақланмоқда. 1967 й.ёзиб олинган. Илова № 2.

Оҳиста хиргойи қилинган кўшиқ фусункор янграйди. Баланд регистрда мазмунан асарнинг юқори мантиқий ва динамик кучини англаган, сўнгра эркин бадиҳа қисмига олиб келган бўлим хонанда томонидан ҳис-туйғулар шиддат ила ифода этилган:

Andante

Эй, сар- бон о-ҳис-та рав ки оро-ми жо-нам мера-вад ҳон дилки бор

у дас- та бо ди-лис-то- нам мера-вад милра би-ям нас-ту-ра-зу

О - бе-чо-ра- ю ран-жу ра-зу

дил ё- ки эй, иш-ду-ра-зу би-ра- мис-то- нам ме-ра- вад.

Шуни таъкидлаб ўтиш жойизки, авжга қадар тайёрлов бўлими (динамик кучни тақсимлаш, аста-секин тайёрлаш функцияси) оркестрга юкланганлиги боис, хонанда катта масофадаги интервални (кич.10) юқори динамик қувват билан осон забт этади. Ундан сўнг келган деярли ҳар бир жумлага Ботир Зокиров турли динамик воситалардан фойдаланган ҳолда ранг-баранглик бахш этади.

Юқорида кўриб чиқилган аксарият кўшиқларда лирик тонус етакчи бўлса, Абдул Ваҳҳоб қаламига мансуб «Қочоқ Ҳабиба» («Беглянка Ҳабиба») кўшиғида хонанда овози, ижро талқинининг янги қирралари очилади. Асар ўзининг жўшқинлиги, қувноқлиги ва ғайратлилиги билан эътиборни тортади.

## "БЕГЛЯНКА ХАБИБА"

Allegro


Эй, ве-се-лей ска-чи мой верный конь эй, догоню, догоню, догоню бег-  
лян-ку до-го-ню Ног не-жа-лей, ска-чи мой рез-вый конь  
эй дого-ню, дого-ню, дого-ню Ха-би-бу до-го-ню. Ай да джи-гит! На-  
родво всю кричит захва-лу спа-си-бо ну аш где Хабиба Где я где я не-был  
где мой конь ме-ня ним-чал, но другой та-кой не встречал не встре-чал..

The image shows a musical score for the song "Беглянка Хабиба". It consists of five staves of music in a 4/4 time signature with a key signature of three flats (B-flat, E-flat, A-flat). The tempo is marked "Allegro". The lyrics are written below the notes. The music features a mix of eighth and sixteenth notes, with some melodic lines being more active than others. There are several slurs and accents throughout the score.

Хонанда овозининг нозик эмоционал кирралари кўшиқ интонацияларидаги ички урғулар, паузалар, нафаснинг таксимланиши ҳамда динамик ифода воситаларини муштарак ишлатилишида кўринади. Ботир Зокиров айрим жумлаларни енгил, қисқа, «парвозли» оҳангда хониш қилса, баъзиларни унга қарама-қарши ҳолда куйчан, чўзиқ куйлайди (9-10 такт). Айрим жумлаларда эса синкопали усул орқали ифодаланганлиги боис, икки услубни бирлаштириш йўли кузатилади (11-13 такт).

Хонанданинг талқиний «нутқи» ўта ифодавийлиги билан ажралиб туради. Хусусан, чавандоз характериға монанд ассоциатив унсурлар кўшиқ интонацияларида яққол сезилади («Эй, догоню, догоню, догоню, беглянку догоню...»)

Минор тоналлигида баён этилганиға қарамай (es-moll), жадал ритм суръати жўрлигида (оркестрнинг ритм-секцияси: drum, perc.) келган куй кўтаринки кайфиятни ифодалайди:



Бу борада ритмнинг аҳамияти ниҳоятда катта. Тез, жадал суръатдаги қўшиқни хонанда бир қадар ритмик эркинликда талқин қилган бўлса-да, асосий ритмик асосини сақлаб қолишга уринади. Сўзлар аниқ ва равон талаффуз этилган. Ботир Зокиров репертуарида камроқ учрайдиган ушбу жўшқин асар талқини орқали театрлашган, ҳазил мутойибали тасвирни яратиб, оптимистик жозибаси билан тингловчиларни мафтун этган.

Композитор Энмарк Солиҳовнинг Асқад Мухтор шеърига яратилган «Умид» қўшиғи табиатнинг ҳазин куз фасли манзарасини тараннум этади. Ботир Зокиров қўшиқнинг таъсир кучини ошириш борасида эстрада ижрочилигида кенг тарқалган «камер» сайқал воситаларидан унумли фойдаланади. Маълумки, бундай услубда овоз паст эшитилади. Бироқ бу, айтилиши вақтда, аудитория билан яқинлашиш эффектига эгадир.

Асарнинг ҳар бир бандини Ботир Зокиров айнан ушбу услуб, яъни бутун эътиборни сўзлар моҳиятини очувчи оҳангга жалб этган ҳолда куйлайди.

Кеча бог-да ой шу-ла-си ту-ша-ди юз-ла-рим-га  
бар-қа-ро-р боқ-қан - - юл-дуз - - ку-ниб сўз-ла-рим- - га  
не-га-дир ор-зу қи-лар де-сам ме-ни - - бу куз ке-либ-ди я- -  
на ха-мон. Шу куз чоғла-ри ви-сол-ла-ри эларман ни-  
гоҳ Барк а-ро боқ-қан-ди у юл-дуз ту-нар кўз-ла-ри-м-  
га. Са-най ман мен ай-ри-лиқ-ни  
хар ку - - ни, хар - - - ой - - ни.

Ўз навбатда, кўшиқнинг иккинчи банди (нақорат) куйчанлиги, диапазонининг кенглиги, динамик кучи, жўшқинлиги билан ажралиб туради. Хонанда уни баралла овозда, жумлаларни улаб ижро этиш учун кенг нафасдан фойдаланган ҳолда ижро этади. Баланд регистрда келган катта масофадаги интервални тайёрловсиз олиш мушкул бўлса-да, хонанда техник маҳорати тугайли бунга осонликча эришади.

Оркестр учун ишланган аранжировка юқори профессионалиги билан ажралиб туради. Кўшиқ икки чеккасидан муқаддима ва кода қисми билан қуршаб олинган. Аранжировкада маълум маънода классик ва замонавий йўллари уйғунлаштириш услуби кузатилади. Чолғулардан айнан муқаддимада синтезаторнинг тембр бўёқлари, торли чолғулар ҳамда гитаранинг интонацион оҳанглари асосидаги бирикмаси кўшиқ жилосини очиб беради. Ушбу асар

хонанданинг «Олтин фонди»дан ўрин олиб, бетакрор, мафтункор кўшиқлар сарасига айланди.

Ботир Зокиров Ўзбекистон эстрада-симфоник оркестри билан ишлаган пайтида нафақат эстрада жанридаги асарлар, балки таниқли ўзбек композиторларининг қаламига мансуб «мумтоз» кўшиқ ва романсларни ҳам маромига етказиб куйлаган. Бу Мутал Бурҳоновнинг «Мафтун бўлдим»(номдош фильмдаги) кўшиғи ва «Намедонам, чи ном дорад» романи, Сайфи Жалилнинг «Мажнун монологи», «Кечалар юлдуз санаб» вокал асарларидир.

Композиторлар хонанданинг овозига махсус мўлжалланган кўшиқлар яратганлари маълум. Ботир Зокиров ижро репертуаридан ўрин олган асарлар кузатилса, кўплаб таниқли муаллифларнинг номларини учратамиз: Е.Шварц («Яхшимисиз»), Т.Бобоев («Қиз ва хум», «Такдир ҳақида кўшиқ», «Учрашув кўчаси», «Кекса муҳаббат»), Э.Қаландаров («Купола»), А.Муҳаммедов («Бир оқшом», «Сени эслайман») Э.Солиҳов («Ҳеч ким айбдор эмас», «Соғинди жон»), С.Юдаков («Ўзбек тангоси»), В.Шаинский («Песня о счастье»), В.Соболев («На анхоре»), Д.Ристич («Мовий кўзлар»), К.Берт («Нотаниш қиз»), Чоудхури («Юрагимнинг ҳасрати»), Р.Шанкар («Муҳаббат келганда»), Э.Массиас («Дўст ҳақида кўшиқ», «Ўлкам қизлари»), Ж.Брель («Мени ташлаб кетма») ва бошқалар.

Хонанданинг репертуаридан ўрин олган турли халқлар кўшиқларининг аксарият қисми оригинал (ҳинд, эрон, тожик, араб, украин, итальян, югослав, рус, француз) тилларида ижро этилган. Буларнинг барчаси Ботир Зокиров талқинларининг ҳақиқатан байналминал моҳиятидан далолат бериб, хонанданинг нафақат Ўзбекистон, балки *умумжаҳон* мусиқа маданиятида тутган мавқеини аниқ белгилайди.

Маълумки, хонанда ижро услубини такомиллаштириш, чуқурлаштириш ва оригиналлаштириш борасида ҳамиша изланишда бўлган. Хусусан, Ўзбекистон эстрада жанрида илк бор вокал квартетини ташкил қилиш ҳақида Ботир Зокировнинг кундаликларида қуйидаги қайдни учратамиз: «Яна бир муваффақият! Бугунги кун эстрада қўшиғини бойитишда илк бор ўзбек қўшиғини вокал квартети ижро этди. Бу биринчи квартет қўшиғини биз яратдик. Бу эҳтимол, ўзбек эстрадасида янги жанрни ўзлаштиришда кичик қадамдир. Ахир, катта дарёлар ҳам кичик ирмоқлардан бошланади-ку!»<sup>71</sup>. Демак, яна бир бор эътироф этишимиз зарурки, Ботир Зокиров ўзига хос ижро услуби, маҳорати билан ўзбек эстрада қўшиқчилиги мактабига асос солди. Замонавий ўзбек эстрадасида мавжуд ҳар бир янгича йўналиш ва амалий тажрибалар ўзининг пухта методологик асоси, назарий-эстетик тамойилларига эга бўлгани ҳолда ҳам, ўйлаймизки, Ботир Зокировдек буюк санъаткорнинг бу соҳадаги мусиқий ижод ва талқинчилиги нисбатан талабчан тамойиллари *ибрат мактаби* бўлиб қолаверади.

Ботир Зокировнинг кенг қамровли истеъдод қирралари унинг чизган суратларида, бадиий адабиётдаги илҳоми ва ташкил этган «Мюзик-холл» дастурининг сценарийлари таҳлили, қолаверса композитор Икром Акбаров қаламига мансуб «Сўғд элининг қоплони» операси либреттосини яратилишида намоён бўлади.

Икром Акбаров либретто ҳақида қуйидагиларни хотирлайди: «Операга либретто ёзиш нияти ҳақида Ботир менга илк бор учинчи оғир операциясидан сўнг биринчи қисм ва мизансаҳналарни тайёрлаб улгурганини айтган. Тугаллаган

---

<sup>71</sup> Мухаммедов С. Меня любовь в дорогу позвала // Звезда Востока. - Т, 1988.-№1., С - 109. (Таржима бизники- Г.Т.)

либретто илк бор Алишер Навоий номидаги опера ва балет театрининг бадий кенгашига тақдим этилди<sup>72</sup>.

Опера премьераси 1977 - йил 14 июлда театр ижодий жамоаси ва режиссёр Роман Тихомиров сайъ-ҳаракатлари билан сахналаштирилди.

«Сўғд элининг қоплони» операси негизида либретточи таъбирича, «Одамзод тақдирини - одамзод ҳал қилади», деган ғоя ётади<sup>73</sup>.

Ботир Зокиров тарихий давр руҳияти, урф-одатлари, турмуш тарзи ва умуман муҳитни ҳаққоний акс эттириш мақсадида Явдат Илёсовнинг “Суғдиёна” романидан ташқари, махсус адабиёт, муайян ҳужжатларга мурожаат этган. Яъни, либреттода, Ботир Зокировнинг тарихга нисбатан мустақил фикри ва нуқтаи назари муштараклашган.

Либреттога романдан реал тарихий шахслар (Искандар, Спантамон, Лаг, Фарнух, Фердикка, шоҳ Доро, Бесс, Перменион), бадий образлар (Зарина, Ороба, Рухшона), асосий ва муҳим бўлган воқеалар киритилган<sup>74</sup>.

Опера драматургияси қаҳрамонларни икки қарама-қарши тоифаларга ажратиб қўяди. Бир томондан, - «салбий» образлар доираси турса (Искандар, унинг қўшинлари, Перменион, Филота, Лаг, Фердикка, Ороба), иккинчи томондан, - уларга муҳолиф ижобий гуруҳ таққосланади (Спантамон, Рухшона, халқ, қария).

Либретточи романдаги баъзи қаҳрамонлар ҳаракатларни бошқа қаҳрамонларга «юклайди». Масалан, изтироб чеккан ғамхўр Мандана ўрнига Рухшона образи киритилади.

---

<sup>72</sup> Муаллифнинг Икром Акбаров билан 2002 - йил 28 - июнда ўтказган суҳбатидан.

<sup>73</sup> Жўраев А. Юрак бўронлари - Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989,66-б.

<sup>74</sup> Илова қаралсин: №3.

Либреттода психологик нуқтаи назаридан шаклланган вазиятлар, кўпгина опера қаҳрамонларининг хатти - ҳаракатлари, ўй фикрлари, шунингдек, ўзаро муносабатлари айрим образларни бир-мунча мураккаблаштирган. Бу борада бош қаҳрамонлар- Спантамон, халқ ва Искандарнинг таърифи эътиборлидир.

Халқ - либреттонинг бошидан то охиригача озодлик учун тинмай курашган куч сифатида намоён бўлади. Операда халқ сахналари муҳим драматургик аҳамиятга эга бўлиб, асарнинг бош ғоясини ёритишда асосий воситага айланган. Халқнинг турли руҳий -ҳиссий кўринишлардан акс эттишини (омма, қария, Рухшона) мусиқашунос С. Мирхўжаева либреттонинг ижобий томонларидан бири сифатида баҳолайди<sup>75</sup>.

Спантамон-жасур халқ ўғлони, кучли шахс. Биринчи кўринишдаёқ, у жасоратли, ўткир зеҳнли инсон сифатида гавдаланиб, ўзининг ҳаётдаги мақсадини аниқ англайди.

Иккинчи кўринишда Спантамон характери янада тўла ифодаланган. Бир томондан у севикли ёри (Зарина ва Спантамон сахнасидаги лирик чизгилар) ва халқи манфаатларини ҳимоя қилишга бел боғлаган қаҳрамон, айна вазиятда, ўзининг куч-қудрати ва қилаётган ишидан гумонсираган мураккаб шахс сифатида тасвирланади. Бироқ III-кўринишнинг ўзида у мақсадини узил-кесил белгилаб олади ва либреттонинг сўнгги кўринишларидан то якунигача, Спантамон халқ ардоғидаги қаҳрамон шахс сифатида гавдаланади.

Либретто муаллифи Спантамон образини турли драматургик вазиятларда кўрсатишга интиланган бўлсада

---

<sup>75</sup> Бу ҳақда қаранг: Мирходжаева С. Опера Икрама Акбарова «Леопард из Согдианы». Дип.раб. ГКУ.- Т.: 1976, С-69.

бирок, унинг кўринишини бирмунча чеклаб қўйган. Хусусан, биринчи парданинг I -III - кўринишида қаҳрамон образи тўла-тўқис шу шахснинг ўзи орқали гавдалантирилса, IV-кўринишдан VI-кўринишга қадар қаҳрамонга таъриф бериш ўзгаларга юкланган.

Спантамон IV-VI-кўринишларда эпизодик тарзда намоён бўлса ҳам бу қадар аҳамиятга эга эмас. Унинг жанговор ғалабалари, Фердикка кўшинлари тор-мор қилиниш ҳолатлари Спантамон ҳикоясида аён бўлади. IV-кўринишда Спантамон ва унинг дўстлари Искандар ҳибсга олган қизларни озод этади. Бу кўринишда ҳам қаҳрамоннинг эпизодик чиқиши кузатилади. VI -кўринишда эса элчи Спантамон ва Искандар жанги ҳақида хабар қилиб, мазкур образнинг жасоратига урғу беради. Элчи хабаридан сўнг Спантамоннинг сахнага чиқиб келиш сахнаси образни тўлақонли гавдалантирмаган. Шу тариқа, Спантамон образи қандайдир статик характер касб этиб қолганлиги кўзга ташланади.

Искандар қиёфасини ёритишда Б. Зокиров асосий эътиборни қаҳрамоннинг психологик қиёфасини очиб беришга қаратади. Шу боис, либреттога романда мавжуд бўлмаган сахналар (Искандар ва «виждон овози» сахнаси, Фердикканинг Рухшона томонидан ўлдирилиш сахнаси, Искандар ва халқ сахнаси) киритилган. Образ экспозицияси тожу тахтни тақдим этиш маросимида намоён бўлади. Ушбу сахнада Искандарнинг асл қиёфаси аён бўлади. Хусусан, қоплон терисига ўралган Спантамоннинг шикоятмуз сўзларидан сўнг салбий қаҳрамон Суғдиёнани босқинчилик билан забт этишга қарор қилади.

Айни вақтда, Ботир Зокиров Искандарнинг сиёсий заковати ва ҳарбий маҳоратини тарихий ҳақиқат чегарасида ҳам акс эттиришга ҳаракат қилган.

Маълум бўлишича, Искандар жасур аскарларни қадрлаган (Явдат Илёсов романидаги Искандар ва Феаген ўртасида мулоқот сахнаси)<sup>76</sup>.

Машҳур саркарда ўзи забт этган мамлакатлар халқлари ишончини қозониш ниятида ўзга халқлар маданияти ва урф-одатларига риоя қилган. Бу ҳолатни ифодалаш Ш-кўринишдаги Искандар қиёфаси сахнада кўринмаган тасвирда ўзгалар тилидан баён қилинади.

IV-кўринишда эса Искандарнинг руҳан эзилиш ҳолатини кўрсатиш режаланган. Хусусан, Искандарнинг «виждон овози» диалоги унинг асл орзу ва ниятлари билан бир қаторда тирик инсонларга хос туйғу қалбини тирнаган шубҳа-гумонлар ўз ифодасини топган.

Ботир Зокиров ҳам, айнан, эгизак «виждон овози» орқали Искандарнинг инсонийлик фазилатларини кўрсатишни мақсад қилган. Бироқ, драматургик ривожлов ҳаракати, Хусусан, либреттода Искандарнинг Сўғдийлар билан бўлган мулоқотидан сўнг ноумидликка тушиб қолгани боис, инсоний фазилат ўрнини босқинчи ҳукмдор, ёвузлик ва ғазаб эгаллайди (Сўғдиёнанинг вайрон этилиши сахнаси).

Либретто таҳлилига яқун ясаб, шуни таъкидлаш мумкинки, мазкур асар Ботир Зокировнинг опера жанридаги илк тажрибаси бўлса ҳам, муаллифнинг сахна ва мусиқий драматургия қонуниятларидан яхши хабардор эканлигини кўрсатади.

---

<sup>76</sup> Илёсов Я. Сўғдиёна - Т.: Шарқ, 1994, 35-б.

«Сўғд элининг қоплони» либреттоси таҳлили мисолида Ботир Зокиров истеъдодининг ёзувчи, драматург, режиссёр каби янги қирралари намоён бўлган.

«Шуни кузатдимки, инсон табиатдан истеъдодли бўлса у билан ҳар соҳада тил топиш осон экан. Муҳими, бундай инсонларни тез жалб этиб, ёндириб, илҳомлантириш мумкин», - деб ёзади Ботир Зокиров, «Мюзик-холл»нинг ёш актёрлари ҳақида<sup>77</sup>. Дарҳақиқат, бу фикрда жон бор. Бунинг исботи – хонанданинг ўзи, унинг серқирра қизиқишлар доираси. Эстрададаги фаолиятидан ташқари, хонанда адабиётда қалам тебратди, жозибали суратлар чизиб қолдирди, бир неча кинофильмларда роллар ижро этди. Проза, тасвирий санъат, кинодаги тажрибаларига Ботир Зокиров ўта камтарлик билан изоҳ беради: «Мен эҳтимол расм чизишни биларман, бироқ рассом эмасман ... Кинодаги иштироким эса тасодифий ҳол».<sup>78</sup> Шундай бўлишига қарамай ижодкорнинг янги жанрдаги изланишлари соҳа мутахассислари томонидан ижобий баҳоланганлиги диққатга сазовордир.

Ботир Зокиров томонидан Антуан Сент Экзюперининг «Кичик шаҳзода» эртаги, сўнг Евгений Шварцнинг «Соя», «Аждар» асарларини ўзбек тилига таржима қилинди. Хусусан, А.Экзюперининг эртагини Ботир Зокиров Москвада биринчи операцияни ўтказган дамларида радиодан тинглаб, Тошкентга қайтгач уни ўзбек тилига ўгириб, ўз инсценировкаси ва режиссёрлигида радиоспектакль яратади. «Мен кичик шаҳзода ролини ижро этдим» – деб хотирлайди Эркили Маликбоева (хонанданинг рафикаси, Ҳамза номидаги

---

<sup>77</sup> Қаранг: Мухаммедов С. Меня любовь в дорогу позвала // Звезда Востока.- Т, 1988.- №1, С - 137.

<sup>78</sup> Ўша манба

Ўзбек академик драма театрининг истеъдодли актрисаларидан бири).

Ботир Зокиров бирқанча ҳикоялар («Она», «Мўйсафид», «Паҳлавон», «Етакчи», «Табассум») ҳамда очерк ва шеърлар ҳам ёзиб қолдирди <sup>79</sup>.

Хонанданинг кундаликларида турли йилларда битилган шеърлари - лирик, фалсафий, ватанпарварлик руҳи билан суғорилганлиги кўзга ташланади. Муаллиф инсон ҳаётининг кадр-қиммати, замон ва қисмат, борлиқ қонуниятлари ҳақида фикр юритади. Ботир Зокировнинг нигоҳи биринчи навбатда ижод жараёнига – кўшиққа қаратилган. Кўшиқ орқали хонанданинг орзу-умидлари, ҳаёт мазмуни акс эттиради

Одатда, истеъдод эгаларининг ён-атрофи сон-саноксиз ихлосмандлар қаторида, айрим ҳасадгўй кимсалардан ҳам ҳоли эмас. Ботир Зокировнинг шусиз ҳам қисмати, оғир ҳаёти бундай кимсалардан суғурталанмаган эди. Хонанданинг кундаликларида одамзодга хос бундай иллатлар ҳақида изтиробли ўй-фикрлар битилган: «Фикримча, инсоннинг лоқайдлиги ва бефарқлиги дунёмизни тўлдириб, замонавий санъатимизнинг аксига, аниқроғи - унинг нусхасига айланмоқда. Қолоқлик, риёкорлик, тилёғламачилик ва иккиюзламачилик, булар ҳаммаси ҳукм сурган лоқайдликнинг бош қусурларидир. У шуҳратини шодон нишонлаб, истеъдодли инсонларни ертўлаларга ҳайдаб жонини олади. Буни кўтаролмаганлар ҳаётдан кўз юмади. Бирини ичкилик адо қилади, иккинчиси – касбидан кечади, учинчиси фожиавий ҳалок бўлса, тўртинчиси – сабр-тоқат

---

<sup>79</sup> Ботир Зокиров ёзган ҳикояларининг айримлари «Шарқ юлдузи» журналининг 1965-йил, №2- сонидан чоп этилган.

билан шароитга мосланиб кетади. Менчи, қайси тоифадаги инсонларга мансуб эканман?»<sup>80</sup>.

Хонанда ўз-ўзига йўллаган саволига жавобан шеърларида жавоб излайди. Унинг асосида Ботир Зокировнинг ҳаётга, санъатга бўлган муҳим принциплари акс этилган <sup>81</sup>.

Муаллиф фалсафий ҳаёлларини лирик образнинг нозик шоирона талқини орқали баён қилади. Хусусан, аксарият шеърларида таққослаш усулидан кенг фойдаланган («Было время гранат, но пришло время вишен», «Из года в год, из края в край»). Тасвирий манзара замирида эса чуқур ҳаёлларга чўмдирувчи ғоялар ётади («Такая в мире должность нам дана»).

Ботир Зокиров шеърларининг аксарияти соҳта оптимистик пардалардан йироқ. У излаган жавобнинг туб - тубида муаллифнинг ҳаётга чанқоқлиги сезилиб туради («Знать бы сколько ещё отпущено мне...»).

Ботир Зокировнинг очерк, шеърлари ва ҳикоялари билан бир қаторда, айнан болалар учун махсус асар яратиш нияти ҳам бор эди. «... «Ғунча» болалар журнали таҳририятидан кўнғироқ қилишди. Кичкинтойлар учун бирор-бир нарса ёзиб беришимни сўрашяпти. Чўцияпман. Ўйлашимча, менинг ким эканлигимни адаштираяптилар. Лекин, шунга қарамай, болалар ҳикояси учун ўйлаб қўйган мавзуим бор. Бу мусиқий чолғуларнинг келиб чиқиши, аниқроғи, скрипка чолғусининг тарихи ҳақида. Назаримда, ўзбек болажонларига бу ажойиб чолғунинг яратилиши

---

<sup>80</sup>Ўша манба. С – 141. (Таржима бизники- Г. Т.)

<sup>81</sup> Илова қаралсин: № 4.

тарихини баён этиб бериш ниҳоятда муҳим ва зарур ишдир» деб ёзади хонанда<sup>82</sup>.

Афсуски, ижодкор бу режасини амалга оширишга улгуролмади. Ботир Зокиров фаолиятининг кенг қамровлилиги, кетма-кет гастроллар, репетициялар, қолаверса хасталик бот-бот ўзини билдириб туриши, у орзу қилган яна бир қатор режаларини қўйган ишларини охиригача етказишга имкон бермади.

Ботир Зокиров ёрқин истеъдодининг яна бир қирраси у чизиб қолдирган суратларида ўз аксини топган. «... Туғёнларим ва фикрларимни рангин бўёқ ва пластика ечими орқали яхлит акс эттирсам дейман. Назаримда, у бениҳоя қизиқарли бўлиши керак» – деб ёзади у, ўзининг ёрқин ижодий қизиқиш қирралари ҳақида. Дарҳақиқат, унинг тасвирий санъатга бўлган катта иштиёқи, қўшиқ айтиш каби, ёшлик чоғларидан аён бўлди. Хонанда эҳтиром билан волидаси Шоиста Саидовани тилга олиб, «тасвирий санъатга муҳаббат ниҳолини менда онам уйғотган»<sup>83</sup>- дея таъкидлайди.

Болалик чоғларида Ботир Зокиров республика пионерлар уйи қошидаги «Тасвирий санъат» студиясига қатнашган. Чизиб қолдирган суратларида шеър ва куйлари, қўшиқларига сиғмаган фикр ва туйғулар рангин бўёқлар орқали нақшланиб қолди. Унинг турли йиллар давомида яратилган «Оқшом», «Автопортрет», «Бухоро манзараси», «Ёлғизлик», «Саратон», «Гумбазлар», «Чорминор», «Самарқанд», «Болалик кўчаси» каби картиналари сақланиб қолган бўлиб, аксар қисми қўшиқ, шеър таъсирида айримлари бетоблик дамларида яратилган. Уларда ҳақиқий рассомнинг

---

<sup>82</sup>Шу ерда : С - 133.

<sup>83</sup> Ушбу манба

етук рангтасвир маҳорати, унинг колорит ҳақидаги тушунчаси, бадий ва композицион-услубий қарашлари, тимсол масаласи тўла ифодасини топган. Ижодкор учун маълум асарни яратиш, машаққатли меҳнатни талаб этадиган ижодий жараёнга айланди. Ботир Зокиров ҳар бир алоҳида чизги, ранг палитраси, колорити, асар тоналлигининг ечими кўнглидагидек чикмагунича ишлашдан тўхтамаган.

Ўзининг кўшиқларидаги ижро услубини топиш йўлида тинимсиз изланишда бўлган Ботир Зокиров, рассомчиликда ҳам ўзига хос томонларини илғаб олишга интиларди: «Грицюк ва Портекареро картиналарига қараб завқландим, - ёзади у. - Рерих ва Қорахон тасдиқлаган йўлдан фаркли ўлароқ уларда товуш, ранг, ҳодиса ва ҳис-туйғуларнинг қандайдир ўзгача яхлит қуймаси бор. Бу – ҳаёт! Ўзининг кўз ёшлари ва табассуми билан, парвози ва чўкишлари билан. Бунга қандай эришиш мумки? Тўғри Грицюк ва Портекарероларга тақлид қилиш мумкин. Бироқ, мен ўзимнинг, айнан ўзимнинг услубимни топишим зарур»<sup>84</sup>.

Кўришиб турибдики, хонанда куйлаган кўшиқлари каби, чизган картиналарида ҳам ўз *оҳангини* топишга интиларди. Бунинг учун узоқ вақт давомида ранг чизгилари устида ишлаб, яратган асарларга қайтадан мурожаат этиб, такомиллаштиришга интилган.

Ботир Зокиров билан узоқ вақт давомида ижодий ҳамкорликда бўлган композитор – Икром Акбаров хонанданинг кўлидан ҳеч қачон қалам аримаганлигини таъкидлаб ўтади: «Хаттоки бизнинг либретто, кўшиқ яратиш кезларимизда, у бир лаҳзада сурат чизгиларини қоғозга ёки блокнотга муҳрлаб қўяр эди. Ана шундай карикатура

---

<sup>84</sup> Қаранг: С - 133.

эскизларидан бири – менинг уйимдаги кўрғазмадан ўрин олган»<sup>85</sup>.

Ботир Зокировнинг қисқа умри давомида яратган полотноларида, куйлаган қўшиқлари-ю ёзган шеърларида ижодкор қалбининг туб-тубида пинҳона кечинмалари, ҳаётга бўлган орзу-умидлари тараннум этилган <sup>86</sup>.

«**Мюзик- холл**» (1973-1979). Республикада эстрада санъати «бешик» даврини сураёган бир пайтида «Мюзик-холл» каби етук томоша санъатининг туғилиб, вояга етиши тарихий аҳамиятга эга бўлди.

Маълумки, «Мюзик-холл» эстраданинг энг мукамал ва мураккаб театрлашган-томоша жанри бўлиб, таркибида оддий концерт номерлари эмас, балки бирмунча чуқур драматургия асосида ривожланган спектаклда – вокал, нутқ, актёрлик санъати, хореография, цирк, мусиқа жанрлари мужассам этади.

Ботир Зокировнинг саъи-ҳаракатлари билан 1972 - йили Тошкентда, Осиёда ягона, (собиқ Иттифокда эса учинчи) «Мюзик-холл» жамоаси ташкил этилди. Ботир Зокиров ушбу жамоанинг нафақат бадий раҳбари, балки таниқли режиссёр Марк Захаров билан биргаликда саҳналаштирувчи режиссёри вазифасини бажаради. Жамоа ўз олдида дастурни миллий, ўзбекона анъаналар асосида ривожлантиришни мақсад қилиб қўяди.

1973 - йил 5 - июнида Ленинградда Тошкент «Мюзик-холл»ининг биринчи премьераси намойиш этилди ва айни шу санадан бошлаб жамоанинг расмий фаолияти бошланди.

---

<sup>85</sup> Муаллифнинг Икром Акбаров билан 2002- йил, 28- июнда ўтказган суҳбатидан.

<sup>86</sup> 1992- йили 23- январда Ботир Зокиров хотирасига бағишлаб, «Халқлар дўстлиги» концерт залининг фойесида хонанданинг чизган расмлари кўрғазмаси очилди. Унда портретлар, манзаралар, абстракционизм ва импрессионизм услубида бажарилган элликка яқин асарлари намойиш этилди.

«Мюзик-холл»нинг «Синдбод денгизчининг 1973-саёҳат саргузаштлари» деб номланган доимий дастурини Москва театрининг таниқли режиссёри Марк Захаров ҳамда сатира театрининг етакчи актёри Александр Ширвинд яратишди.

Ботир Зокиров жамоага шу йиллари миллий эстрада санъати довуғини кўтарган таниқли санъат намоёндаларини таклиф этди. Хусусан сулоладан - унинг синглиси Луиза ва укалари Навфал, Фаррух, Равшан Зокировлар, шунингдек Эсон Қандов, Юнус Тўраев, Наталья Нурмухамедова, Владимир Саркисьянц, Лариса Кандалова каби элга машхур хонандалар, Элёр Ибрагимов, Тагир Раҳимов, Эдуард Сумароков, Равшан Ураков каби етакчи актёрлар, бадиий сўз устаси, конференсье – Маргарита Хонг, Владимир Лапин, кўғирчоқ санъати устаси – Андрей Петровец, цирк санъати намоёндалари – Юрий Махарашвили, Александр Баленко, акробатлар – Андрей Рябинин, Евгений Вишневский, ҳамда Галина Зокирова, Татьяна Власова, Наталья Варюхина, Зулейха Рахматуллаева. Нарзуля Гаянова, Мунира Аргунбаевалардан ташкил топган балет труппаси, созанда, дойра санъат устаси – Одил Камолхўжаев, Ўзбекистон халқ артисти, раққоса – Тамара Юсуповалар фаолият кўрсата бошлашди.

«Мюзик-холл» тақдим этган ревюда эстрадани акс эттирувчи замонавий жанрлар, ўзбек халқи миллий санъат анъанаси билан ўзаро омухталанган ёрқин томоша сахналаштирилди.

Дастур икки бўлимдан иборат бўлиб, «Шарқ бозори. Шарқ эртаги» ҳамда «Тошкент тўйи» деб номланди. Томоша Ўзбекистоннинг гавжум, ранго-ранг Шарқ бозори сахнаси билан очилади. Томошабинлар кўз олдида миллий кураш,

дорбозлар ва паҳлавонлар лавҳалари, дойра ижросидаги тантанали садолар ўрин олди.

Шарқ эртагининг баёни учун ўзбек халқининг асрлар давомида шаклланиб келган севимли «аския» санъатига хос мушоҳада шакли танланган. Ёрқин эстрада йўналишида яратилган кўшиқлар, миллий рақснинг жозибали, турфа ва бетакрор суръати асосида саҳналаштирилган балет номерлари, табиатан ҳажвий, ҳозиржавоблиги билан замон талабларига ҳамоҳанг интермедияларнинг кетма-кетлиги яхлит бир композицияни ташкил этади.

Композитор Тофик Бобоев томонидан А.Файнберг шеърига ёзилган “Синдбод кўшиғи” (спектаклнинг бош ва асосий лейтмотиви) кейинчалик маълум маънода “Мюзик-холл”нинг рамзига айланди.

Муסיқий ревьюнинг драматургик жиҳатдан «боғланиш» ва «ривожлов»и тўлалигича биринчи бўлим зиммасига юкланган.

Алоҳида таъкидлаб ўтиш жойизки, мюзиклнинг оригинал талқини (жумладан тўй базмида меҳмонлар ва мезбонларнинг табрик номерлари) спектаклга четдан таклиф этилган ва бевосита ҳаракатнинг қаҳрамонларига айланган санъаткорлар иштирок этишни кўзланган эди. Шу боис, «Мюзик-холл»да Владимир Высоцкий, «Наво», «Ялла», «Поющие гитары», Ирина Понаровская, Шимолий Осетиянинг «Алан» ансамбли, шунингдек, республиканинг таниқли санъат усталари бевосита қатнашиб, дастурга янгича тус, бетакрорлик бахш этганлар.

## ПЕСЕНКА СИНДБАДА

Слова *А. Файнберга*

Музыка *Т. Бабаева*

От А-ляс-ки до Ба-гда да да-да зна-ют все мо-ря Синд-ба-да.  
 Нор-ды, О-сты, Зюй-ды, Ве-сты вме-сте о-бо мне сло-жи-ли э-ту пес-ню.  
 По мо-рям и о-ке-а-нам он плывет к да-лёким странам, море, ветер и свобо-да у Синдба-да  
 мо-ре-хо-да, у Синд-ба-да мо-ре-хо-да хо-да хо-да хо-да хо-да хо-да хо-да хо-да. Дуй  
 ве-тер в па-рус ту-гой судь-бы не на-до мне дру-гой И сно-ва  
 в путь дру-зей зо-вет Синд-бад мо-ре  
 ход. Дуй мо-ре-ход.

«Мюзик-холл» сценарийсининг сахналаштирувида Марк Захаров биринчи маротаба «Цани»<sup>87</sup>лар хизматига мурожаат қилган. Бу йўл таниқли режиссёрнинг шахсий топилмаларидан бири бўлиб, кейинчалик у сахналаштирган қатор асарларида ўз давомини топди», - деб таъкидлайди Шох, Вазир, Шайтон, Мунажжим ролларининг доимий ижрочиси Андрей Петровец.

Дастурни «оёққа қўйиш» вазифаси йиллар давомида Ботир Зокиров зиммасига юкланди. «Мен бундай улугъ санъаткор билан бир сахнада ишлашга муяссар бўлганимдан ўзимни бахтли инсон деб биламан. Мен улардан амалиёт

<sup>87</sup> Цани – спектаклда фон вазифасини бажарган сахна ишчилари.

жараёнида ҳар бир санъаткорга насиб этмайдиган сахна ижрочилиги сир-асрорларини ўргандим. Томошабинлар ҳамиша ҳақ. Бу аксиомадир», - кўпинча таъкидларди Ботир Зокиров.

Ўзига ва ён-атрофдагиларига талабчан хонанда биз – «Мюзик-холл» артистларини тасодифий-ҳаваскорона, эркин бадихага йўл қўйишимиздан огоҳлантирар эди. «Фақат қатъий ижро омилларини пухта ўзлаштириб, юқори маҳоратга етказмагунга қадар эркин бадихага йўл қўйилмаслиги лозим!», -деб такрорларди Ботир Каримович. Унинг санъатда тарғиб этган эстетик қарашлари ва принциплари шахсан мен учун ижодимнинг устувор қоидасига айланди». <sup>88</sup>

Айнан «Мюзик-холл»да Ботир Зокировнинг ижод қирралари (режиссёр, тарғиботчи, актёр, хонанда, рассом, администратор) мужассам этилиб, фаолиятининг ёрқин чўққисига айланди.

Маълумки, Ботир Зокиров чизган эскизлар асосида «Мюзик-холл»нинг баъзи қаҳрамонлари костюмлари яратилди. Хонанда «Мюзик-холл» фаолияти ҳақида қайғуриб, кундаликлари саҳифаларининг бирида ёзади: «Советская культура» газетасининг таҳририятида кичик пресс-конференция бўлиб ўтди. Мен бизнинг жамоамиз ҳақида, унинг ишлари ва келгусидаги ижодий режалари ҳақида ахборот бердим. Сўнг эса концерт бўлиб ўтди. Томошабинлар юзида ҳайрат, қизиқиш... Улар бизники! Биздан ҳеч ҳам кутишмаган эди. Чиндан ҳам кутишмаган! Мени бу нарса, айниқса ҳозирги вақтда бир оз асабийлаштирмоқда. Назаримда, бугунги томошабинлар республикамиз, унинг маданий ва ижодий ҳаёти ҳақида тўла маълумотга эгадек эди.

<sup>88</sup> Муаллифнинг А.Петровец билан 2002 йил, 10-июлда ўтказган суҳбатидан.

Кечаси спектакль бўлиб ўтди. Жуда зўр ўтди! Менинг болажонларим ижрода ўзларини бир - мунча эркин тутиб, тинчландилар ... Янграётган қарсақлар бизга ишонмаган, йўлимизга тўсқинлик қилган кимсаларнинг мағлубиятидан дарак эмасми?!»<sup>89</sup>.

Тошкент «Мюзик-холл»и Россия, Украина, Белорусия, Қозоғистон, Қирғизистон, Шимолий Осетия бўйлаб гастролларда шуҳрат қозонди <sup>90</sup>. Ленинграднинг катта “Октябрь” зали, Москва Эстрада театрининг сахнасида ҳам катта муваффақият билан ўтган томоша ҳақида Ботир Зокиров ёзади:

«Бугунги концертда аншлаг! Жуда кўп одам келди. Ленинградликларнинг юзлари меҳрга тўла. Уларнинг кўзларидаги илиқлилик мени қувонтирмоқда. Спектакль яхши ўтди, ҳамма кўтаринки кайфият билан ишлади ... Ҳайрият, муваффақият! Менинг қулоғимга қарсақлар гулдуриси, «Браво!», «Бис!» олқишларини тингламоқдаман. Орзиқиб кутган куним ҳам келди. Бу жамоамиз, бизнинг ва менинг ишимни муваффақияти. Ленинграддаги гастроллар яна бир бор жамоамизни нимага қодир эканлигини кўрсатди<sup>91</sup>.

Бироқ, ўзбек томошабинлари «Мюзик-холл» дастурини қисмангина кўришга мажбур эди. Чунки пойтахтда ўша йиллари бундай маҳобатли спектаклни ўз сахнасига сиғдира оладиган бирорта театр бўлмаган. Қолаверса, «Мюзик-холл»нинг доимий репетицион жойи ҳам бўлмаганлиги

<sup>89</sup> Бу ҳақда қаранг: Мухаммедов С. Меня любовь в дорогу позвала // Звезда Востока.- Т, 1988.-№1. С - 119. (Таржима бизники – Г.Т.)

<sup>90</sup> Ушбу Мюзик - холл сафарлари ҳақида маълумотлар маҳаллий рўзномаларда акс этилган.Бу ҳақда қаранг: Аплодисменты Синдбаду-Мореходу //Вечерний Ташкент. 4 - января 1974 г.; «Восточная сказка» // Марийская правда. 24 марта. 1986 г.

<sup>91</sup>. Мухаммедов С. Меня любовь в дорогу позвала // Звезда Востока.- Т, 1988.-№1,С - 138. (Таржима бизники – Г.Т.)

сабабли, жамоа ойлаб гастролларда қолиб кетишга мажбур бўлди.

1978 - йили Иркутск шаҳрида Тошкент «Мюзик-холл»нинг охириги концерти бўлиб ўтди. «Мюзик-холл»нинг олдида йиллар давомида тўпланиб қолган ташкилий ва молиявий масалалар ечимини топмагани сабабли, 1979 -йили у тарқатиб юборилди.

\* \* \*

Тарихда шундай даврлар борки, миллий санъатнинг тараққиёт йўли маълум шахсларнинг ўрни ва мавқеи билан белгиланади. Атоқли санъаткор, серкирра ижодкор Ботир Зокиров айнан шундай шахслар қаторига кирган. Унинг феномени том маънода XX - аср замонавий ўзбек мусиқа санъатини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарди.

Республикада эстрада санъатининг камол топиб, юқори профессионаллик рутбасига кўтарилиши, Ботир Зокиров номи билан боғлиқдир. Ижодкор истеъдодининг кенг қамровлилиги, ўзига хос бетакрор эстрада *талқинчилиги мактаби* шаклланишига, шуниндек мураккаблиги жиҳатидан республикада «Мюзик-холл» каби етук эстрада жамоасининг туғилишига асос бўлди. Афсуски, кенг оммага Ботир Зокиров авваламбор етук эстрада хонандаси сифатидагина танилган.

Унинг қисқа ҳаёти давомида драматургия, режиссура, кино, проза, тасвирий санъатда ёзиб қолдирган асарларига катта истеъдод тамғаси босилган.

Хонанда яратган бетакрор талқин услуби Шарқ ва Ғарб кўшиқчилиқ анъаналарининг муштараклигини акс эттиради. Методологик асос сифатида хонанда Европа ва собиқ СССР эстрада кўшиқчилигида орттирилган тажрибани - Шарқ

ижрочилигининг бадий услублари, уларнинг умумий ва индивидуал хусусиятлари, ўхшаш ва фарқли жиҳатларини қиёслаш каби мураккаб услубни танлайди. Кўп йиллик ижодий жараён давомида эришилган хулосалар замирида Ботир Зокировгаги хос «шахсий» эстрада кўшиқчилигининг *миллий қиёфаси* шакллана бориб, хонанда талқин этган ҳар бир асар қалбан ҳис этилиб, «дардли» овозда самимий ифодасини топган.

Ягона оҳанг, муайян куй чизгиси орқали кўшиқларни сахналаштира олиш қобилиятига эга бўлган хонанда, ўз навбатда сахнада оркестр билан уйғунлаша билиш маҳоратига эга эди. Хонанда кўшиқларининг ифодавий таъсирчанлик кучини оширишда оркестр чолғуларининг хилма-хил тембр жилоларига монанд нозик тенор овозининг тембр рангларини топа олган. Ботир Зокиров ижро услубининг муҳим томони юксак бадий дид ва маданияти билан фарқланиб, талқин нуқтаи назаридан халқаро миқёсида эътиборни ўзига жалб этади.

Эстрададаги фаолиятдан ташқари, Ботир Зокиров адабиётда қалам тебратди, жозибали суратлар чизиб қолдирди, бир неча кинофильмларда суратга тушди. Шунинг таъкидлаб ўтиш жоизки, уларда юқори профессионал маҳоратдан ташқари, ижодкорнинг ижтимоий дунёқараши, идеаллари ва тамойиллари, қалб руҳиятининг нозик ва чуқур қирралари, қизиқишлари доираси акс эттирилган бўлиб, Ботир Зокиров *феноменини* яратишда бизга жиддий кўмаклашди.

Ботир Зокировнинг опера жанридаги илк тажрибаси Икром Акбаровнинг «Сўғд элининг қоплони» операсига либретто яратиш билан бошланди. Унда либретточининг сахна ва мусикий драматургия қонуниятларидан воқиф

бўлгани, композицион тузилиш, ғоявий мантиқи нуқтаи назаридан етук опера андозалари билан қиёсланиши Ботир Зокиров истеъдодининг кенг ва теранлигидан далолат беради. Бироқ, ижодкорнинг кенг қамровли истеъдодининг барча қирралари Ботир Зокиров ташкил этган «Мюзик-холл»нинг фаолиятида мужассам этилди. «Мюзик-холл»да хонанданинг режиссёрлик, тарғиботчилик, хонандалик, актёрлик ва рассомлик санъати, шунингдек маъмурий қобилияти ёрқин намоён бўлди<sup>92</sup>.

Бугунги кунда юзага келаётган эстрада муסיқамиз муаммоларини ижобий ҳал этиш жараёнида - Ботир Зокировдан мерос бўлиб қолган анъаналарни эъзозлаш, ўрганиш ва тиклаш масаласи алоҳида аҳамият касб этади.

---

<sup>92</sup> Ботир Зокиров ижоди «Ўзбектелефильм»нинг – «Менга қўшиқ чизиб бер» ва «Айтилмай қолган қўшиқ», ўғли Баҳодир Зокировнинг – “Ўша ўтган кунлар” фильмларида ёритилган. 1995- йили «Ботир Зокиров фонди» ташкил этилган. Жиззахдаги Санъат билим юрти, Самарқанддаги ёшлар санъат марказига шунингдек, Ўзбекистон давлат консерваторияси манзили жойлашган Тошкент кўчасига хонанда номи берилган.

## III БОБ. СУЛОЛА ВА ЗАМОН

### § 3.1 ИЖОДКОР АВЛЮД

**Луиза Зокирова** (7.01. 1938) Ўзбек эстрада кўшиқчилигида дастлабки қадамларданок «Ўзга Шарқ», яъни хорижий Шарқ йўналиши шаклланиб, камол топиши том маънода Луиза Зокирова номи билан ҳам боғлиқ. Шарқ кўшиқларининг беназир талкинчиси, бетакрор овоз соҳиби Луиза Зокированинг ибратли ижрочилик анъаналари замонавий ўзбек эстрадасининг шарқона тармоғининг услубий йўналишини шаклланишида муҳим аҳамият касб этди.

Маълумки, узок йиллар давомида у Ботир Зокировнинг сахнадаги ягона ҳамнафаси ва ҳамроҳи бўлган. Хонанданинг ижодий йўли маълум маънода акаси Ботир Зокиров босган қадамларини такрор этади.

Луиза Зокированинг овози табиатан хушовоз Шарқ, айникса, ҳинд хонандаларининг юқори регистрли тембрига яқин бўлиб, ўзининг тиниқлиги, майинлиги билан тингловчиларни мафтун этган. Шарқона бўёқлари билан ажралиб турган Луиза Зокированинг ижрочилик бисоти «Ўзга Шарқ» камровидаги репертуари устуворлигини белгилаб берди. Айнан ҳинд, озарбайжон, араб, турк, афғон, индонез, эрон кўшиқлари орқали хонанда кенг доирада танилди.

1956 - йили Тошкентга Ҳиндистондан келган меҳмонлар шарафига Алишер Навоий номли опера ва балет театрида катта концерт уюштирилди. Луиза Зокирова концертда «Байжу бавра» ҳинд кинофильмдаги «Гаури» кўшиғини моҳирона ижро этди. Жавоҳарлал Неру ва Индира Ганди ёш хонанданинг номеридан сўнг унинг ёнига бориб,

алоҳида табриклаб, икки давлат ўртасидаги ҳалқаро дўстлик алоқалари янада мустаҳкамланишига ишонч билдирдилар.

Дарҳақиқат, Луиза ва Ботир Зокировлар тўмонидан ўша даврда ижро этилган жозибали кўшиқ ва дуэтлар, рамзий маънода «дўстлик элчиларига» айланди.

Хонанда 1957 - йили «Ёшлик» ансамбли, 1958 йилдан бошлаб эса Ўзбекистон эстрада оркестрининг яккахони сифатида фаолиятни давом эттиради. 1973 - йили Тошкентда «Мюзик-холл» жамоаси ташкил этилганидан сўнг, Луиза Зокирова унинг етакчи хонанда- актрисаларидан бирига айланди<sup>93</sup>.

Ўзбекистон телерадио кўмитасининг фоно-хазинасида Луиза Зокирова ижросида «Соло дарёси» (индонезийча кўшиқ), «Чаман-дала», «Мечали» (ҳинд кўшиқлари), «Наманган олмаси» (ўзбек халқ кўшиғи), «Севганим борми ҳеч» (Э.Солиҳов мусиқаси), «Нозик савол» (К.Кенжаев), «Эй меҳрибоним» (Ш.Рамазонов), «Айрилиқ ҳақида йиғлама» (Э.Швардман) ва бир қатор ҳинд, араб, турк кўшиқлари тасмага ёзиб олинган.

Луиза Зокирова репертуаридаги «Мечали», «Наманганнинг олмаси», «Қоралар, қоп-қоралар», «Ялло-ялло» каби кўшиқлар унинг «Олтин фонди»ни ташкил этади.

Ботир Зокиров билан биргаликда Луиза бир неча жозибали, мафтункор дуэтларни ижро этди. «Бахт ҳақида кўшиқ» (В Шаинский), «Биз келаяпмиз» (Р.Шанкар), «Қиз ва хум» (Т.Бобоев), «Алвидо муҳаббат» (мексикан халқ кўшиғи) каби дуэтлар шулар жумласидан. Хусусан, В.Шаинскийнинг Р. Ҳамзатов шеърига ёзган «Бахт ҳақидаги кўшиқ» ва

---

<sup>93</sup> «Мюзик-холл»нинг «Синдбод денгизчининг 1973 -саргузаштлари» дастурида Луиза Зокирова Келин ролини ижро этган.

Р.Шанкарнинг «Биз келаяпмиз» кўшиғи, «Мюзик-холл» дастурига киритилиб, мюзиклнинг мусиқий драматургияси ривожланишида алоҳида аҳамиятга эга бўлди.

Хонанданинг ранг-баранг байналминал кўшиқлари қаторида, мураккаблиги жиҳатидан - юқори ижрочилик маҳоратни талаб этувчи, «Кўзим тушлари»<sup>94</sup> номли араб кўшиғи эътиборимизни тортди. Ушбу асарда Луиза Зокирова овозининг ёрқин, бетакрор ижро қирралари намоён бўлиб, талқин йўли ўзига хослиги, шу билан бирга унда Шарқ кўшиқчилиги анъаналари уйғунлашган.

Кўшиқ оркестрдаги пуфлама чолғуларининг муқаддимасидан бошланади. Унинг куй асоси, банднинг бош мавзуси оҳанглари билан суғорилган

#### АРАБ КЎШИҒИ

Ет тарит мин айни ну-р иннемтеб хайтаб ай-ни- ет тарит мин айни ну-р  
 ин-немтеб хайтаб ай-ни- ут-эл-ле кан-ми лев-ю ев та- ри и- ну-  
 мин ай-ли а- ра-ки табвинта вед эл эм эль кем-би а  
 раки табвинта вед эл эм эль кемби у- вуль из сабат виль а-  
 лан- зур таб-ви- а у вуль из са-бат ви-ль а-  
 лан- зур табвиа у вуль и хер ма-ра ха- ман ха сей о-на

<sup>94</sup> Фоноёзув Ўзбекистон телерадио қўмитасининг фондида сақланмоқда. Илова қаралсин: №2.

Муқаддима жадал синкопалашган куй суръати замирида кескин (DVII7 аккордининг товушлари бўйича) ўзгариб кўшиқнинг асосий кайфиятини белгилаб беради. Оркестрнинг урма чолғулари гуруҳи кўшиқнинг характерини белгилабгина қолмай, хонанда талқинига хос куй йўлига ўзгача йўл очиб беради.

Кўшиқ уч қисмли тузилиш (a b a) га эга бўлиб, икки чеккадан банд қисмлари билан қуршаб олинган. Луиза Зокированинг бошланғич солоси ва табла чолғусининг усулига асосланган эркин бадиҳа қисми асарнинг ўрта (b) қисмида жойлашган.

Асар диапазони анча юқори регистрларни қамраб олиб, Луиза Зокированинг табиатан юқори пардали овози тембрига мос тушган (II-октава «до» – III-октава «ми»). Нозик ва нафис қочирим безаклари Луиза Зокирова овозининг табиий тиник, сержилоли, шу билан бирга «парвоз»ли хониши туфайли бойиган.

Хонанда арабча шеър вазнининг талаффузига изчил риоя қилган ҳолда лўнда ва равон баён этиб, ҳар бир ибора ва жумлага теран сайқал беришга интилади:

Оркестр аранжировкаси профессионаллик нуқтаи назаридан юқори савия ва катта дид билан бажарилган. Унда бир томондан - араб кўшиқларига алоқадор оҳанг, усул илдизлари, иккинчидан, - шу йилларга мос эстраданинг илғор муסיқий тили, сайқал воситалари қўлланган. Шундай қилиб, Луиза Зокирова ушбу жозибали асар талқинида тингловчиларга катта эстетик завқ берувчи юқори ижрочилик маданиятини намоён этган.

Хонанда репертуаридан ўрин олган «Индонезийча кўшиқ» да<sup>95</sup> лирик оҳанглари орқали чуқур хиссиёт олами тараннум этилган. Осуда, бир текис янграйдиган асар оркестрнинг гармоник «тўлқинлари» жўрида ўзига хос мафтункорлиги билан ром этади.

### ИНДОНЕЗИЙЧА КЎШИҚ

**Шошилмасдан**

Ю- на-ди-а куса- я те ту ле харви сурах ва апа  
та сер кар-ба бу до-ха ма-ди-ка на-та тер-бе- жа  
Еп- ки ка-си ха-ти ту у-пу а- син тап-ши ху- а- та сер - ка-ба  
бу до-ха ма-ди ка и-га ми-та на и ма-дан ду альсибу ю хо-ра  
па таль ду а ни-га а а гу гарма асим му-ка та паст те  
коп тер си-ка перви ра ти ма данду ай си-о- рай Ян иро-  
ле ту- ман жо-ман жо- о ка Ю хор- ма на ко-  
ти то- ма хай- ра- му ди- ма- ка- ти- ка.

Хонанда чўзиқ жумлалар учун кенг нафасини ишлатар экан, уларни бир-бирига изчил улаб боришга ҳаракат қилади. Бевосита, баланд пардалардаги интонацияларда интервал сакрамалари кўплиги ижро жараёнида маълум тўсқинлик

<sup>95</sup> Кўшиқнинг фоноёзуви Ўзбекистон телерадио фоноархивида сақланмоқда. Илова қаралсин: №2.

туғдиради. Луиза Зокирова буларни моҳирона енгиб, самимий ифодалиги билан, завқ-шавққа тўла талқинини намоён этади.

Луиза Зокирова талқинидаги байналминал кўшиқлар биринчи навбатда, муайян миллийлик анъаналари ва услубига яқинлиги профессионалларча ёндашуви билан диққат-эътиборни тортади:

Бугунги кунда хорижий Шарқ мамлакатлари кўшиқлари билан XXI -аср жаҳон эстрада ижрочилигининг юқори савиядаги андозаларига кўтарила олган ва ўз санъати билан нафақат ўзбек халқи, балки ўзга халқларни ҳам лол қолдираётган ижрочиларимиз деярли йўқ. Бунинг қатор сабаблари мавжуд. Ҳозирда, ушбу тармоқ гуё замонавий кўшиқчилигимизнинг катта ходисасига айлангандек. Деярли ҳар бир эстрадахонандаси дастурида мазкур шарқонатурга мансуб намуна топилади. Бу жараён бир томондан – дастлабки кўшиқ вариантининг асл мусиқаси ва тилини сақлаган ҳолда намоён бўлса (Ботир ва Луиза Зокировалар ижро репертуари мисолида), иккинчи томондан, ўзга миллат куйи ўзбекча сўзлар билан хиргойи қилинади. Ўзбек эстрада кўшиқчилигида айниқса охириги услубий йўналиш жадаллашиб келаётган жараёнга айланмоқда.

Эстрада кўшиқчилигида хорижий Шарқ оханглари, услуб ва усуллари ҳаддан ташқари ва ноўрин ишлатилиши-ўзбек миллий эстрадамизнинг асл қиёфаси сўниб, йўқолиб бораётганига олиб келмоқда. Айниқса ёш хонандалар учун хорижий андозаларга мурожаат қилиши -ўз ижрочилик салоҳиятини ошириш учун эмас, балки, шунчаки тезроқ шуҳрат қозониш (!) йўлига айланмоқда. Шарқнинг жозибали куй ва кўшиқлари қаторида, ҳозирда сохта шлягерларининг саёз талқинлари Ўзбекистон телевидениеси ва радио эфири

тўлқинларида тўлиб кетгани сир эмас. Бундай мураккаб вазиятдан чиқиш йўли, эстрада кўшиқчилигимизнинг айни Ботир ва Луиза Зокировлар даврида гуллаб, камол топган анъаналарни тиклаш, уларга замон зайлидан келиб чиққан ҳолда сайқал бериш истиқболи кўринади.

**Навфал Зокиров** (9.03.1941 – 9.11.1976) истеъдодини мухлис ва муסיқий танқидчилар юқори баҳолаб, «истикболи порлок» дея башорат қилганлар. Бу сўзлар насиб этган қисқа умр ва ижодий йўли мобайнида хонанданинг истеъдод қирралари кенг доирада танилишига асос бўлди.

Навфал Зокиров мактабни тамомлаб, Тошкент телестудиясида ишлади, сўнг эса, эстрада-симфоник оркестрининг етакчи яккахонларидан бирига айланди. У ижро этган ўзбек, рус, инглиз, француз ва испан кўшиқлари мутахассис ҳамда тингловчилар хотирасида ёрқин талқини билан сақланиб қолган. Айниқса Икром Акбаровнинг «Газли» ва Ҳамид Раҳимовнинг «Ишқингда ёниб» кўшиқлари маромига етказилиб ижро этилган ва хонанданинг «садоли қиёфа»сига айланган.

Отаси Карим Зокиров каби опера хонандаси бўлишини орзу қилганлиги боис, Навфал Зокиров 1963 - йили Тошкент давлат консерваториясининг вокал бўлимига кириб, 1968 - йили уни муваффақиятли тугатди.

Консерваторияда таҳсил олган дамларида Навфал Зокиров овозининг техник ва бадий имкониятлари очилиб, янги ижро жиҳатлари намоён бўлди. Опера ижрочилигининг назарий ва амалий услубларини пухта ўзлаштиргани боис, у 1966 йили Алишер Навоий номли опера ва балет катта театрида Р.Ҳамроевнинг «Зулматдан зиё» операсида Қоратой ролини илк бор муваффақиятли саҳнага олиб чиқади.

Шунингдек, консерватория таҳсили пайтида унинг опера студиясида ҳам ишлаб келди. Бироқ, Ботир Зокиров раҳбарлигидаги «Мюзик-холл» ташкил этилгач, ижодининг сўнгги дамларигача шу жамоанинг етакчи хонанда – артисти сифатида фаолият кўрсатди.<sup>96</sup> Хусусан, «Мюзик – холл» дастуридаги бош қаҳрамон Синдбод денгизчи образини илк бор ижро этди.

Хонанданинг репертуаридан ўрин олган «Кечиккан муҳаббат» кубинча халқ кўшиғи (Э.Солиҳов оркестр учун қайта сайқалида), «Умид кемаси» испан кўшиғи, шунингдек, «Ойли йўлак» (Д.Саидаминова) каби асарлар талқини эса қоларли чиққан.

Унинг ижросида Ўзбекистон телерадио хазинасига «В час ночной» (Э.Солиҳов мусиқаси), «Айт» (К.Кенжаев мусиқаси), «Сенинг кўзларинг» (Е.Шварц), «Кўшиқ ҳақида кўшиқ» (Т.Темнов), «Тоғлар» (Х.Изомов), «Инсонларни сев» (Р. Рид) каби кўшиқлар ёзиб олинган.


Навфал Зокировнинг овози юқори пардаларда (акаси Ботир Зокировники каби) силлиқ ва майин тембрли, паст регистларда эса бирмунча йўғон, баритоналлиги билан ажралиб турган. Хонанданинг ижрочилик салоҳиятини ёритиб бериш мақсадида, Навфал Зокировнинг тасмага ёзиб олинган иккита кўшиқ ижроси таҳлилида тўхтаб ўтмоқчимиз. Мазкур намуналар композиторлик маҳсули ўрнида собиқ совет эстрада мусиқасининг юқори сарҳил анъанларида бажарилган. Улардан бири шоир Ю.Когтев шеърига, композитор Э.Солиҳов яратган «В час ночной» кўшиғидир.

Вальс усулида баён этилган куйчан лирик кўшиқ - анъанавий «Алла» жанрига яқин:

---

<sup>96</sup> Навфал Зокиров вафотидан сўнг, Фаррух Зокиров ҳам бош қаҳрамон ролини ижро этган.

Andante



Қўшиқ бандли шаклда бўлиб, пуфлама чолғулар гурухининг юқори пардадаги оҳангларида бошланади. Хонанда чўзиқ қўшиқ жумлалари учун кенг нафасини ишлатар экан, биринчи навбатда асардаги сокинликни сақлаб қолишга интилади:<sup>97</sup>

Мой город за день ус-тал, мне сонно моргают ог-ни, счи- та-ю, счи-та-ю, до  
ста, ми- ли-ци-о-нер не ус-ни. Я лю-дем желаю о-пять, очень спокойной но-  
чи мне ночь ра- бо- тать, вам от- ды- хать.  
Спать! спать! спать!

Навфал Зокиров куй йўналишининг ифодавийлик кучини оширишда овозидаги тембр бўёқларини жилвалатиш услуби билан эмас, балки жумлаларни жўшқиллаштириб бериш йўли орқали хониш этади.

<sup>97</sup> Мазкур қўшиқнинг фоноёзуви Ўзбекистон телерадио қўмитасининг фоноархивида сақланмоқда.Илова№2

«Тунги ором» кайфиятини таратишда чўзиқ товушлар, поғонама-поғона ҳаракатланувчи, дастлаб юқори, сўнгра пастга тебранувчи куй жумлалари («Всем отдыхать! Спать! Спать! Спать!»)нинг ўрни катта.

Оркестрнинг торли чолғуларига юкланган гаммасимон энгил пассажлар кўшиқ характерини гавдалашда кўмаклашади. Кўшиқ d-moll тоналлигида диапазони катта бўлмаган («ля» кичик октава – «ми» иккинчи октава), бироқ ижрочилик нуқтаи назаридан маълум маҳорат талаб этувчи асарни ташкил этади.

Навфал Зокиров ижрочиликнинг бадиий унсурларидан кенг фойдаланиб, унинг талқини учун маълум доирадаги «камер» ижрочилик услубини қўллаганлигини кузатамиз.

Композитор Т.Темнов мусиқаси ва шеърига ёзилган «Песня о песне» («Кўшиқ ҳақида кўшиқ») асарида бунинг акси кузатилади<sup>98</sup>.

Буни кўшиқнинг 4/4 маршсимон суръати, синкопалашган куй тизими, динамик ривожланган оҳангларида сезиш мумкин.

Хонанда кўшиқни равон, эҳтиросга тўла тараннум этади. Ифодавийликни оширишда Навфал Зокиров овозига хос тембр бўёқларини жилвалатиш услубидан фойдаланиб, банд йўлини илиқ ва равон ижро этса, нақоратни драматик жўшқин тўлқинлатиш орқали очиб беради. Баъзи жумлалар(15-16 тактлар)ни деярли нутқ орқали сўзлаб, куйчан ифодавийлиги билан ажралиб турган ибораларга нисбатан таққослаш йўлини танлайди.

---

<sup>98</sup> Кўшиқнинг Фоноёзуви Ўзбекистон телерадио қўмитасининг фоноархивида сақланмоқда. Илова: №2

## ҚЎШИҚ ҲАҚИДА ҚЎШИҚ

Марш темпида

Соло

Песня кры-латый то- ва-рищ Песня мой друг доро-гой Ес-ли ты грустном бы-  
 ва-ешь Песня подруга с то- бой я пес-ню я пес-ню о песне по-  
 ю я пес-ню как лучшего друга люб-лю пром-чатся го-да и при-  
 помню порою как песню товарищ мы пе-ли сто-бо-ю нас песню роднит и в тру-  
 де и в бою я пес-ню я пес-ню я пес-ню о пес-не по-ю.

Хулосавий фикрларимиз шундан иборатки, тақдир тақозоси билан Н.Зокировга узок йиллик ижод камолотини кўриш насиб этмади. Бирок, унинг санъати ўзбек эстрада кўшиқчилиги тарихида асосан *гарбона*<sup>99</sup> йўналишни ўзлаштириб, миллий мусиқий эстрадани бойитиш мумкинлигини ўз ижро маҳорати орқали исботлаган санъаткор сифатида ибратлидир.

Бугунги (айни «поп» ва бошқа эгизак атамалар билан ишлатилаётган) ўзбек эстрада мусиқа санъати кўлами кенг, қамровли жараён сифатида намоён бўлмоқда. Узок ҳорижда пайдо бўлиб, янгидан-янги йўналишу, услублар, жанр ва шакл(жаз, бит, поп, рок, авангард, хит-хоп каби)лар ўзга, хусусан Шарқ мамлакатлари маданиятига бевосита таъсирини ўтказиб келмоқда.

<sup>99</sup> Турсунова Г. Размышления о музыкальной эстраде // Музыка. 1998. -№7- С. 8-9.

Ҳозир мазкур йўналишдаги эстрада жамоаларининг ёши асосан «тинейджер», яъни ўспирин ёшлар(14-26 ёшгача)ни ташкил этади. Бу, бежиз эмас, албатта. Тез ўзгарувчан, ҳар бир қадамида «янги топилма»лари билан эътибор «қозонаётган» бу йўналиш, «замонавий ёшларимиз» маданияти «рамзи»га айланганлигини ҳам эътироф этиш лозим.

Демак, ўзбек мусикий эстрадаси келажаги наинки Ботир Зокиров, балки Луиза Зокирова, Навфал Зокировдек ноёб овоз соҳиблари ва уларнинг бетакрор анъаналари билан узвий ришталарини тиклаш зарур.

**Фаррух Зокиров** (16.04.1945) XX аср охири, XXI аср бошлари замонавий ўзбек мусикий эстрадасини -унинг ёрқин намояндаси, нодир овоз соҳиби – Фаррух Зокировсиз тасаввур қилиш қийин. Хонанда фаолияти билан ўзбек эстрада кўшиқчилиги тарихида янги давр очилиб, ижрочиликкина эмас, балки талқинчилик услуги ва анъаналари маълум маънода бугунги эстрада санъати асоси сифатида намоён бўлмоқда.

Ўрта мактабдан сўнг, Фаррух Зокиров, 1966 - йилдан бошлаб Тошкент давлат консерваториясининг хор-дирижёрлик бўлимида таҳсил олади. Ўқиш билан бир вақтда Ўзбекистон эстрада оркестрининг яккахони сифатида фаолиятини бошлайди (1969-1971).

1972 - йили композитор Евгений Ширяев ва Герман Рожков томонидан Тошкент театр-рассомчилик институти эстрада ансамбли ташкил этилиб, унга мазкур институт ва консерваториянинг иқтидорли талабалари жалб этилади. Фаррух Зокиров ҳам шулар қаторида таклиф қилинди.

Ўзбек эстрада санъати тарихига оид тадқиқотида мусиқашунос Леонид Юсупов бу ҳақда шундай дейди: «Бу

даврда мусиқа ижодиётининг янги тури, эстрада санъатининг синтетик жанри сифатида вокал - чолғу ансамбллар (ВИА) шакллана бошланган эди. Мазкур жамоа олдида коллективлик, вокал ансамбллар фаолиятида чолғу таркибнинг изчиллиги, махсус аранжировка, ижро усуллари, сахна маданияти, дастурни бадиий ва техник жиҳозлаш ва концерт режиссурасидан иборат ижодий - ташкилий жараён амалга оширилаётган эди»<sup>100</sup>.

Ўз ижодий кифодини топиш мақсадида, «Ялла»<sup>101</sup> деб атала бошланган ансамбль мусиқий фольклор билан замонавий эстрада ижрочилиги орасидаги уйғунликни топишга ҳаракат қилади. Илк қадам ўрнидаги Энмарк Солиҳов аранжировкасида, Пўлат Мўмин шеърига мосланган «Қиз бола» халқ кўшиғининг кўповозлик талқини дастлабки муваффақиятни кашф этди. Мусиқа фольклорига таяниш натижасида - «Наманганнинг олмаси», «Қиз бола», «Бойчечак», «Мажнунтол», «Хандалак» каби оммабоп ўзбек халқ кўшиқларининг эстрада талқинлари яратилди<sup>102</sup>.

1976 - йилдан бошлаб, ҳозирги кунга қадар Фаррух Зокиров «Ялла»нинг яккахон хонандаси ва бадиий раҳбари сифатида фаолият кўрсатиб келмоқда. Унинг ижодий йўли бевосита шу ансамбль билан боғлиқлиги бежиз эмас, зеро «Ялла» Фаррух Зокиров учун йиллар давомида олиб борган изланишларининг ижодий лабораториясига айланиб, наинки талқинчилик салоҳияти балки «ижодкорлик» қирраларини ҳам намоён этмоқда.

<sup>100</sup> Юсупов Л. Основные этапы становления и развития музыкальной эстрады. Автореф. дис канд. искусствоведения- М.: 1990, С-14

<sup>101</sup> Таниқли режиссёр А.З.Қобулов ансамблга “Ялла” номини берди.

<sup>102</sup> Юсупов Л.Обращение к фольклору // Советская эстрада и цирк. -М,1987.- №4. С. 21-26.

Ўзбек эстрада санъати кўп йиллар давомида ўз нигоҳини миллий фольклор, кенгроқ камровда буткул мусиқий меросимиз қатламларига қаратиб, ундан бой омил сифатида фойдаланиб келмоқда.

«Ялла» ансамбли ўзбек эстрада кўшиқчилигидаги фольклорга ижодан ва талабчан бўлган ёндошуви билан эътиборга моликдир. Хусусан, у биринчилар қатори, эстрада санъатида «поп» мусиқа услубини айнан фольклор орқали сингдиришга ҳаракат қилган. Мазкур эстрада йўналиши ибратли ижод қилаётган Фаррух Зокиров учун, эстрада табиатига мос фольклор асарларни топиб, уларни бадиий маромидаги аранжировкалар билан тингловчига тақдим этиш осон бўлмаган. Зеро, халқ меросига эҳтиёткорона ёндошган ҳолдагина, замонавий эстраданинг мусиқий тили, ифода воситалари, услубий шакллари топиш қийин масаладир.

Демак, Фаррух Зокиров – «Ялла» ансамблнинг раҳбари ва бетакрор хонандасигина эмас, балки жамоа репертуаридаги кўшиқлар муаллифи ҳамдир. Айнан у яратган бир қатор асарлар фольклор намуналари каби миллий кўшиқларимиз сарасига айланди. Шулар қаторида ўз вақтида Ботир Зокиров томонидан илк бор ижро этилган «Ҳаёлимда бўлдинг уззукун», «Мажнунтол», «Учқудук», «Шаҳрисабз», «Сен бўлмасанг ёнимда», «Бойчечак», «Ғазал» ва бошқа кўшиқлардир.

Бугунги эстрада кўшиқчилигига назар ташланганида у ғоят мураккаб вазиятли борлиқ сифатида намоён бўлади. Эстрада кўшиқчилигининг айрим йўналишлари бадиий баркамолликка етишган бўлсада, аксарият соҳалари ҳамон шаклланиш ёинки инқироз ҳолатида. Фаррух Зокиров раҳбарлигидаги «Ялла» ансамбли эса узок йиллар давомида эстрадада мустаҳкам ўрин эгаллаб ижод қилмоқда .

2001-йилда ансамбль ўзининг 30 йиллигини нишонлади.<sup>103</sup> Ҳамиша замон зайли билан қадам босаётган «Ялла»га нисбатан айрим эстрада жамоалари, яккахон хонандалар эстрада рутбасида мустаҳкам ўрин эгаллаб олиш мақсадида ўзининг ижодий қиёфаси, ижро йўли, муסיқий тилида тақлидчиликка ҳаракат қилган бўлсада, бу жамоа ҳамиша дастлаб белгиланган йўлидан четланмасликка интилади. Бироқ, «Ялла» репертуаридаги асарлар (асосан аранжировка сайқали)да эстрада муסיқасида тез ўзгариб боровчи ва маълум давр талаб қилган янги ижро услублар ва ифода воситалари тўла инкор этилган, дейиш нотўғри бўлади. Зеро «Ялла» репертуарида, жумладан, Фаррух Зокировнинг ижросидаги кўшиқларда замонавий эстрада тамойилларига мансуб асарлар ҳам ўрин олган.

Фаррух Зокиров - ўзига хос, майин, («димовда» деб ифодаланувчи) ширали тембрдаги тенор овоз соҳиби. Репертуарининг аксарияти лирик асарлардан ташкил топгани боис, уни айни лирик хонандалар тоифасига киритиш мумкин.

Хонанданинг репертуари йиллар давомида сайқал берилган фольклор намуналари билан тўлдириб келинган. «Йўл бўлсин», «Яллама ёрим», «Ғайра -ғайра», «Оқ терак», «Ёмғир ёғалоқ», «Бойчечак», «Қарғалар», «Қилпиллама», «Омон ёр» каби бир қатор асарлар хонанда ижро талқинида ўзига хос тус олиб, турли тоифа ва миллатлар доирасида тан олинган.

---

<sup>103</sup> «Ялла» ансамблининг ижрочилар таркиби:

Ритм-гитара – С.Аванесов (1971 й.), Г.Пушен (1973 й.), Ж.Тўхтаев (1978 й.) Басс-гитара – Б.Жўраев (1971 й.), А.Мендельсон (1973 й.), Р.Илёсов (1978 й.)

Урма созлар – Д.Цирин (1971 й.), А.Тўлаганов (1978 й.)

Клавишли созлар – Ш.Зокиров, А.Фатхулин (1971 й.), А.Алиев (1978 й.)

Вокал – Ф.Зокиров (1971 й.) Миллий созлар – Ш.Низомиддинов (1971 й.)

Бундай кўшиқлар аранжировкасида Ф. Зокиров – замонавий ритм, ва тембрлар жарангдорлиги, фактура уйғунлигида ўзини яққол намоён қилади. Анъанавий ва замонавий тамойиллар мувофиқлашуви натижасида терма, кўшиқ, лапар, ялла каби ўзбек фольклори намуналарига янгича оҳанг, поэтик шакл ва қиёфа бахш этилади. Эстрада услуби аранжировкаш фольклорни мисоли фатида «Омон ёр»<sup>104</sup> лапарни таҳлили таҳли орқали кўрсатиш мумкин.

Лапар дебوحаси туб-тубидан асосий оҳанг билан суғорилган бўлиб, асарнинг тантанали, байрамона моҳиятини белгилаб беради:



Лапар «Ялла»нинг анъаналарига хос «диалог» тарзида баён этилган (чолғу ва вокал бўлимлари, яккахон ва ансамбль йўлларини қиёслаш орқали).

Асл шеърий матн ўрнига шоир Туроб Тўла томонидан замонавийлаштирилган мисралардан фойдаланилган:

Омон ёр, ўйнасангчи, омон ёр,  
 Белингни боғласангчи, омон ёр  
 Даврадаги раққосалар, омон ёр  
 Юраклари кўчиб кетар, омон ёр

Фаррух Зокиров лапарни ўзбеккона услубга яқинлаштиргани нафис «қочирим» безаклари ифодасида

<sup>104</sup> Қўшнаё чолғусининг садоларидан таралган ушбу жозибали муқаддима бир ўзга эстрада жамоалари томонидан ҳам «иктибос» тарзида ишлатилгани маълум. Фоноёзув «Ялла» ансамблининг 1994 - йил тасмага олинган аудио кассетасидан ёрин олган. Илова қаралсин: №2.

намоён бўлади. Бунда чолғу партиясининг куй йўли (бузуки, гитара чолғулари ижросида) бирмунча соддалаштирилган вариантда тақдим этилганлигини ҳам эътироф этиш лозим.

Омон ёр, ўйнасангчи, о-мон ёр, бе-лингчи боғ-ла-санг-чи, о-мон ёр

Даврада-ги рақ-қо-са-лар, о-мон ёр ю-рак-ла-ри кў-чиб ке-тар, о-мон ёр.

The musical score consists of three staves. The first two staves are vocal lines in a treble clef with a key signature of two flats and a 2/4 time signature. The third staff is a guitar accompaniment in a bass clef, featuring a repeating rhythmic pattern of eighth notes with triplets indicated by a '3' over a bracket.

Аранжировкада «Ялла» ансамбли ижро табиатига мос тембр бўёқлари, жумладан, най, кўшнай, бузуки, қайроқ каби анъанавий чолғуларга эстрада «бэнд»ининг таркиби кўшилади (ритм - секция, бас ва ритм - гитара, клавишли созлар):

«Карвон» («Караван») умумшарқона туркум кўшиқлардан бўлиб «Учқудук», «Чойхона» каби асарлар сирасидандир. Зеро, унинг умумий талқин йўли шеърини ва интонацион куй негизи XX аср оммавий («шаҳар») кўшиқчилик руҳида ифода этилган:

Вот и дёт ка-ра-ван, по прос-то-рам са-ва- - н среди зе-  
 лё-ных ли-яд, весь в меч-тах про бар-хан. Без-гра-нич-на тос-ка  
 о сы- пу-чих пес- - ках зо- лю --  
 тых ми-ра-жах и зе- лё-ных лю- зах.

Чўзиқ куй синкопали ритм асосида баён этилиб, карвоннинг чайқала-чайқала ҳаракати манзараси очиб берилади.

Кўшиқ нақорати «По дороге домой» сўзларининг такрорланувчи ибораларига бўлиниб, ниҳоятда таъсирли ҳис-туйғуларни ифода этади:

По дороге, по дороге по дороге до-мой Быстроногий быстроногий  
 конь до-ро-га-я до-ро-га- я су-юн-чи при-го-товь мы  
 не- сём по- дар- ки, а не слё-зы и кровь.

«Карвон» аранжировкасида най, бузуки, «Rolland» электр синтезатори шунингдек, гитара ва урма созлар тембридан унумли фойдаланганлигини кўрамыз. Айниқса гитара фактураси кўшиқнинг умумий характери ва кайфиятини белгилаб беради:



Унинг ритмик контрапунктига асосий ритм негизи бирлашиб, ўзига хос полиритмияни юзага келтиради. Бироқ, ритм суръати мураккаблигига қарамай, асар тингловчи томонидан осон қабул қилинади (бунда эстрада ритмлари табиати универсал эканлиги ва турли халқларнинг энг мураккаб ритмлари билан бирлаша олиш имконияти намоён бўлади).

Фаррух Зокиров ўз ижодининг дастлабки қадамларидан монодик тизимдаги фольклор намуналарни - кўповозли ижро орқали бойитишга бел боғлади. Бунга консерваториянинг хор-дирижёрлиги бўлимида орттирган билими, шунингдек, табиатан нозик дид соҳиби ва ижодкор учун муҳим бўлган саралай олиш қобилияти асос бўлди.

Маълумки, фольклор намуналарини эстрада жанрида қўллаш, уларга сайқал топиш масъулиятли ва мурракаб вазифадир. Кўпинча бу турдаги асарлар учун икки ҳил гармоник аранжировка орқали ёндошилади. Бири – мусиқий оҳанг мантиқини бузилмаслиги учун ишлатиладиган кам функционал ёндашув. У содда уч товушли аккордлардан иборат бўлиб, халқ чолғу ансамбллар жўрнавозлик тизимига яқин услубда амалга оширилади. Иккинчиси, кўпрангли гармоник аккордлар палитрасидан фойдаланишдир. Бундай сайқал йўли Шарқ оҳангларига хос ярим тонли бўёқларга тўла жило беришда кўл келади.

Фаррух Зокиров билан «Ялла» жамоаси, вокал ва чолғу партияларнинг ўртасидаги меъёрни муваффақиятли топиб, репертуардаги асарларида мазкур услубни изчил қўллашига ҳаракат қилишади. Аранжировкага юкланган ранг-баранг

бўёқлар палитраси тез орада вокал ансамблнинг ижроси билан тўлдирилади. Чунончи, «Ғайра-Ғайра», «Сумалак», «Йўл бўлсин» каби фольклор намуналаридан йиғилган кўшиқлар популлиси шулар жумласидандир.

Фольклорнинг турли (лапар, ялла, маросим, мавсум кўшиқлари) жанрлари билан бир қаторда, Фаррух Зокиров дoston ва миллий мумтоз меросимизнинг ўзга намуналари талқини борасида ҳам самарали изланишлар олиб борди. Гарчи, бу йўналишдаги асарлар хонанда репертуарида санокли бўлсада («Фигонким», «Алпомиш» дostonидан парча), эстрада йўсинидаги мазкур изланишлар унинг ижодий фаолиятида тадрижий босқични ташкил этади.

Ботир, Луиза Зокироваларнинг анъаналарини давом этган ҳолда Фаррух Зокиров ҳам хориж халқлар кўшиқларини тааллуқли миллий тилларда ижро этишга ҳаракат қилади. Хонанда шундай кўшиқларни ва ҳатто аслан арабча матнларни миллатга мансуб тилида маромига етказиб ижро этиш моҳиятига эга<sup>105</sup>.

Ф.Зокиров ўзбек кўшиқчилиги санъатида бастакор сифатида ҳам ўз мавқеига эга. Ижодининг дастлабки босқичида Ботир акаси учун бир неча кўшиқлар яратган эди, унинг кўшиқлари «Мюзик-холл» дастури сценарийсидан ҳам ўрин олади. Кейинчалик, «Темир хотин», «Водийлик келин», «Орзулар оғушида», «Майсаранинг иши» каби кинофильмлардаги кўшиқлар муаллифи ва ижрочиси сифатида танилади.

Ф.Зокиров қаламига мансуб кўшиқларнинг миллийлик замини халқ муסיқасига бориб тақалади. Шу нуқтаи назардан

---

<sup>105</sup> Унинг 1996 – йили атоқли композитор Мутал Бурҳоновнинг 80 ёшга тўлиши муносабати билан “Туркистон” саройида унинг «Абадий хотира» номли реквием - марсиясининг премьерасида хонанда Фаррух Зокиров Қуръони Каримдан парчани моҳирона тиловат қилган.



**Шошилмасдан**

Ду-тор тан- бур янг- ра- са - - -, кўн-гил-лар тенг янг- ра-са,  
Тошкент пи-ё-ла-си- дан кўк чой шохона бўл-са, кўк чой шохона бўл- са.

Банддан сўнг келган нақорат бўлими V - поғонани қуршаб олган интонацион тузилмага асосланиб, речитативли мерос намуналарини эслатади:

**Нақорат:**

Елкасида оқсочик, қалби офтобдек очик, чойхоначи-чойхўрга гиргир парвона бўл- са

«Тошкент пиёласи» лапар жанрига яқин бўлиб, интонацион тузилиши жиҳатидан соддалиги билан ажралиб туради. Аранжировка – фольклорнинг анъанавий ижро йўлларида бўлиб, урма чолғулар доирасидаги тембр ва ритмлар омукталигида келади.

Афсуски, шундай аранжировкалар ҳозирги муסיқий эстрадамизда ниҳоятда кам учрайди.

«Муסיқали чойхона» («Музыкальная чайхана») кўшиғида Фаррух Зокиров овозининг ёрқин қирралари, хонандада шаклланган *талқин* йўли ҳамда «Ялла» ансамбли анъаналарига хос аранжировка тамойиллари ўз ифодасини топган.

Асар бузуки ва гитара чолғуларининг тембри муқаддимаси билан очилиб, кўшиқнинг умумий кайфиятини белгилаб беради. «Ялла»нинг аранжировка йўлларида

кўпинча соло ва кўповозлик (баъзида соло партиясини ансамблнинг унисон орқали ижро этиш) ҳамда ҳилма-хил чолғуларнинг тембр бўёқларини солиштириш усули кенг қўлланади. Мазкур асар ҳам бундан истисно эмас. Жумладан, биринчи банд Фаррух Зокиров ижросида янграса, иккинчи банд бутун ансамбль талқинида баён этилади:

#### МУЗЫКАЛЬНАЯ ЧАЙХАНА

Наливай чайханщик ча-ю, вместо крепкого вина, я вам музыку сыг-  
ра-ю, здесь всем нравится она, на Востоке на Востоке -- что за  
не-бо без лу-ны, на Вос-то-ке, на Вос-то-ке что за  
жизнь без чай-ха-ны, что за жизнь без чай-ха-ны.

Хонанда овозининг тембр бўёқлари ёрдамида кўшиқ йўлига ранг-баранг жило беради. Айрим ибораларда учраган юқори интервалларни хонанда димоғда ижро этиб, талқин йўлига шарқона колорит бахш этади. Айни шу жиҳатлари боис, хонанданинг отаси – Карим Зокиров овози тембри билан яқинлигини эслатиб ўтиш жоиз.

Маълумки, «Муסיкий чойхона» кўшиғи Евгений Березиков шеърига ёзилган бўлиб, 1988 йили «Ялла» ансамблининг театрлаштириган «Муסיкий чойхонамиз - доимо очик» дастурининг бош лейтмотивига айланди. Дастур шарқона мушоира анъаналарида тузилиб, У.Шекспир, Р.Тагор, С.Есенин, У.Хайём шеърларига ёзилган махсус

қўшиқлари ва фольклор («Масҳарабоз», «Қилпиллама», «Дорбозлар» ва бошқа) намуналари таркибида янгради.

Хонанда репертуарида алоҳида ўринни ватанпарвалик мавзуидаги қўшиқлар эгаллайди. Фаррух Зокиров қаламига мансуб «Ўзбекистон -Ватаним» қўшиғи айти пайтда Ўзбекистон радио - телевидениеси эфирларида ва улуғ байрамларимиз – «Мустақиллик» ва «Наврўз» дастурларида мустаҳкам ўрин эгаллади.

Марҳум шоир Нормурод Нарзуллаев шеърига яратилган қўшиқ, 4/4 вазн ўлчовидаги рақссимон усулга асосланган. Унинг фригий лади (а), пастга ҳаракатланувчи синкопали куй жумлалари, кварта сакрамалари ҳамда секвенцион тарзда баён этилган жумлалар – халқ қўшиқлари илдизларига бориб тақалади. Композицион тузилишидаги иккинчи банд - авж ўрнида ишлатилиб, асарни кенг шакли ашула жанрига ҳам яқинлаштиради.

Ритм қурилмаларининг бош усули тарзида, бузуки чолғусида ижро этилган куй йўли ғайратга тўла эҳтирос бахш этади:



Банднинг куйи юқори пардадан бошланиб, қуйига ҳаракатланувчи нақорат интонациялари асосида ривожланади. Қўшиқнинг вокал партияси диапазони кенг бўлмаса-да, хонанда талқинида овозининг тембр бўёқларини

солиштира билиш маҳорати кўзга ташланади. Хусусан, биринчи банд юқори пардалардан бошланганлиги боис, шиддатли ва бир мунча «қуруқ» оҳангларида хиргойи қилинади. Нақорат қисмида эса, куйчан лирик тусда хониш қилиниб, тембр бўёқлари майинлаштирилиб, асарга жило берувчи ҳолда ҳар бир ибора теран сайқалланади.

Аввал таъкидлаганимиздек, Ф.Зокиров бир қатор кинофильмлар мусиқасининг муаллифи ва ўз кўшиқлари ижрочисидир. Унинг айрим кино кўшиқлари ўзга ижрочилар (Кумуш Раззоқова, Наргиза Зокирова, Жавоҳир Зокиров ва б) талқинида ҳам шуҳрат топган.

Бу жихат Фаррух Зокиров «муаллифлик» ижоди индивидуал, ўзига хос мусиқий тили, услуби, доирасида эканлигини кўрсатади. Жумладан, «Водиллик келин» кинофильдаги «Унутма мени», «Мендан бахтли одам йўқ» кўшиқлари илгари «Ялла» ансамбли ва Наргиза Зокирова томонидан ижро этилган эди.

Сен кетарсан жонгинам, сен ке-тар сан, ожиз йўллар чорлар се-ни чорлар  
 замон Ор-зу-ла-ринг о-ла-ми-га ёр е-тар-сан мен қо-  
 лар-ман кў-зим ги-рён дилда ҳиж-рон У-нут-ма мени қайларда чекма  
 фи-тон, яқиндами ё-йи-роқ ме-ни эс-ла Унутма мени нур сочганда қуёш  
 оқшомлар бериб бардош, ме-ни эс-ла кулиб боқ бах-ти-миз  
 топ-май за-вол ме-ни эс-ла.

«Унутма мени» кўшиғи юқори эмоционал ҳиссиёт туйғусини ўзида мужассам этади. Унинг асосий куйи ниҳоятда ифодавий таъсирчан, нозик лирика билан суғорилган

Нақорат эса эмоционаллиги ва шиддати билан эътиборни тортади. Ёйилган аккордлар фактурасида баён этилган гитара жўрлиги бирмунча оддийлигига қарамай, гармоник бўёқлар фонида асарнинг эмоционал қирраларини ёритишга кўмаклашади.

«Камер» талқин услубида бажарилган аранжировка инсоннинг ички ҳиссиётлари ифодасини кучайтиради.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш мумкинки, Фаррух Зокиров мусиқаси кинофильмни нафақат бойитган, балки унинг драматургиясини ривожлантирувчи, муҳим бадиий омилга айланган.

Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий асари асосида суратга олинган «Майсаранинг иши» кинофильмига мусиқа яратиш жараёни ҳақида хонанда Фаррух Зокиров куйидагиларни таъкидлаб ўтади: «Бир пайтлар отамиз – Карим Зокиров машҳур композитор Сулаймон Юдаков қаламига мансуб «Майсаранинг иши» ҳажвий операсида Мулладўст образини яратган эди. Менинг фикримча, бу асардан устун ва жозибали вариантини яратиш эндиликда ҳеч кимнинг кўлидан келмайди, чунки Юдаковнинг асари энг сара, андозага айланган умрбоқий намунадир. Бироқ, бирнеча маротаба илтимослардан сўнг, мен шоир Юрий Энтин ва аранжировкачимиз Рустам Илёсов билан ҳамкорликда,

замонавий услубда бажарилган мусиқа ва кўшиқларни ёзишга кўл урдик»<sup>106</sup>.

«Майсаранинг иши» кинофильми хажвий жанрда бўлиб, миллий кинематографияларда шаклланган «киноқўшиқлар тизилмаси»дан иборат мусиқага таянгандир<sup>107</sup>. Ф.Зокиров кўшиқлари «Майсаранинг иши» фильмининг ҳам муҳим драматургик омилига айланиб, улар ўзининг ёрқин образлиги, миллий колорити ҳамда замонавий оҳангдорлик жозибаси билан эътиборга моликдир. Шу боис, кинофильмдаги айрим номерлар эстрада концерт дастурларининг «шлягер»ларига айланиб, бир қатор ўзбек хонандалари репертуаридан ўрин эгаллаган.

«Майсаранинг иши» фильми қаҳрамонларини салбий ва ижобий образлар нисбати орқали таснифлаш мумкин. Жумладан, ботир ва довюрак, Чўпон образига- хотинчалиш муллавача Ҳидоят, зехни ўткир, қувноқ Майсара ва Мулладўстларга – баттол, муғомбир Ҳожи Дарға ва Қози образлари таққосланади.

Ҳидоятнинг хажвий образини гавдалантиришда Фаррух Зокиров ва Рустам Илёсов мусиқий эстрада тилининг оригинал ифода воситаларини кўллаб, самарали натижаларга эришдилар.

Ҳидоят кўшиғининг интонациялари фольклор илдизларга бориб тақалади. Кварта-квинта интервалларининг сакрама оҳанглари орқали баён этилган синкопалашган куй чизгиси, шунингдек, миксолидий лад (а) асоси бундан далолат беради. Мусиқа муаллифи енгил ва узук товушлар (piz.) «оқсоқлашган» куй ҳаракати ҳамда ритмик гуруҳнинг

---

<sup>106</sup> Диссертация муаллифининг Фаррух Зокиров билан 2002- йил, 21-майда ытказган суҳбатидан

<sup>107</sup> Бу ҳақда қаранг: Янов-Яновская Н. Музыка узбекского кино. – Т.: Фан. 1969. С - 23.

бўёқлари ёрдамида мазкур образни эсанкираб турган ҳажвий сифатларини намоён этади:



Ушбу кўшиқ Фаррух Зокировнинг ўзи (кадр ортида) хиргойи қилинганлиги, Ҳидоят қиёфасини эса - Ботир Зокировнинг ўғли, режиссёр ва актёр Бахтиёр Зокиров қойилмақом тарзда ижро этганлиги образни эса қоларли даражага кўтарган Кейинчалик ушбу лавҳа Ўзбекистон телевидениеси орқали эфирга узатлган. «Анор» кўшиқ танловида «Садаф» эстрада гуруҳи томонидан театрлаштирилган кўринишда сайқал этилиб, замонавий гармоник бўёқлари билан ниҳоятда жозибали ва мафтункор янграйди.

2001 - йили «Зарафшон» концерт залида Фаррух Зокиров саъй-ҳаракатлари билан истеъдодли ёшлар- Лариса Москалёва, Севара Назархон, Жавоҳир Зокиров, DJ-Пиллигрим гуруҳи ва санъат устаси - Обид Асомов иштирокида «Майсара – суперзвезда» мюзиклининг премьераси бўлиб ўтди. «Назаримда, лойиҳани кўтариш учун қилган жамоамиз, қолаверса менинг ҳам меҳнатим зое кетмади», – деб эслайди Фаррух Зокиров.<sup>108</sup>

Хонанда «Майсара – суперзвезда» мюзиклида ўзоқ йиллар давомида орзу қилган, бир пайтлар оталари каби Мулладўст ролини ижро этиш ниятини амалга оширди.

<sup>108</sup> Диссертация муаллифининг Фаррух Зокиров билан ўтказган суҳбатидан. 21.05.2002 йил. Тошкент шаҳри.

Мулладўст образини яратишдан ташқари Фаррух Зокиров С.Юдаков операсидаги бир неча парчаларни замонавий услуб(ва аранжировка)да «Мулладўст», «Ҳожи Дарға ва Мулладўст дуэтлари»ни талқин этди. Бу ҳақда хонанда шундай таъкидлаб ўтади: «Ёшлигимдан Мулладўст роли ва кўшиқларини ижро этишни ҳавас қилганман. Фурсатдан фойдаланиб, биз (аранжировкачи Р.Илёсов билан ҳамкорликда) операнинг партитураси асосида мазкур номерларни қайта тиклашга ҳаракат қилдик. Унинг таркибига фақатгина гитара ва урма чолғуларининг ритм усули эҳтиёткорона кўшилди»<sup>109</sup>.

Дарҳақиқат, «Мулладўст», «Ҳожи Дарға ва Мулладўст» дуэти талқинларида хонанда вокал маҳоратинигина кўрсатиб қолмай, табиий артистизми, бор актёрлик салоҳиятини намоён этди. Айни шу жиҳатлар хонанда оталари – Карим Зокиров талқинида ҳам бирламчи аҳамиятга эга бўлган. Артистизм маҳорати – Зокировлар оилавий силсила хонандаларининг энг ёрқин ва ўзга хос ижро тамойилларидан биридир.

Бугунги кунда Фаррух Зокиров фаол гастрол-концерт ижрочилик билан бир қаторда, Республикамизнинг ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаётида иш олиб бормоқда,<sup>110</sup> санъат соҳасидаги иқтидорли ёшларни профессионал сахнага чиқаришда ибрат кўрсатмоқда.

Зокировлар оиласидаги кенжа ўғил Равшан Зокиров (19.03.1951) ёшлигидан аввало расм чизиш, сўнгра хорижий

---

<sup>109</sup> Шу суҳбатдан.

<sup>110</sup>Фаррух Зокиров Ўзбекистон Республикаси I- чакириқ Олий мажлисининг депутати (1994-1999 йй.), Ўзбекистон (1987 й.), Қорақалпо'листон (1993 й.), Қозоғистон (1995 й.), Қирғизистон (1996 й.) халқ артисти. Катта хизматлари учун Фаррух Зокиров Ўзбекистон Давлат Ҳамза мукофоти совриндори (1989), «Шухрат» медали (1996), Ўзбекистон республикаси «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони (1997) билан тақдирланган.

қўшиқлар айтишга интилган. «Ботир акам чизган суратларидан завқланиб, мен ҳам мўйқаламлик қилишга ҳаракат қилганман. Отамиз рассом бўлиш истагимдан жуда қувонганлар», – деб хотирлайди Равшан Зокиров<sup>111</sup>.

1966 - йили у Беньков номидаги Республика рассомлик билим юртида таниқли устозлар – В. Бурмакин, Е.Мельников, Шин қўлида таҳсил олади. Мазкур даргоҳда у рассомлик сир-асрорлари, тасвирий санъат сабоқларини пухта ўзлаштириб илк портретлари ва лирик мавзудаги суратларини яратди (1966-1969).

Бироқ, сулола гени таъсирида қўшиқ куйлаш, вокал санъатига иштиёқи рассом бўлишликдан устун чиқди. Лирик тенор овоз соҳиби бўлган хонанда, дастлаб «Ваганты», сўнгра эстрада-симфоник оркестри қошидаги вокал-чолғу ансамблларида репертуари шакллантиришга (1968-1972) эришади.

Хонандалик касбини мустаҳкам эгаллаш ниятида у Тошкент давлат консерваториясининг тайёрлов курсида таниқли хонанда – Софья Моисеевна Иваницкая синфида таҳсил олади (1972-1976) ва лирик тенор овози қирралари очилишига интилади.

Хонанданинг репертуарида Р.Бейбутов, Ф.Синатра, Х.Иглесиас, ва «ретро» тизими қўшиқлари билан бир қаторда мексиканча, туркча, ҳамда ўзга миллатлар асарлари иқлари ўрин олган. Шунингдек, Равшан Зокиров миллий заминда яратилган қўшиқлар, хусусан, Ботир Зокиров «Лайли» номли шеърига Фаррух Зокиров яратган, қўшиқни ҳам Равшан Зокиров бадий даражада ижро этди.

---

<sup>111</sup>Диссертация муаллифининг Равшан Зокиров билан 15.09.2002-й. ўтказган суҳбатидан.

Мазкур асар хонанда репертуарида ўрин олган сара кўшиқларидан бирига айланд ва «Азия даусы» (Қозоғистон) фестивалида биринчи ўринга сазовор бўлди.

Аранжировка жараёнида асарнинг ритм негизи учун «bassanova» усули танланган:



Асарнинг сайқали учун танланган тембр палитра доираси тиниқлиги билан фарқланади.

### ЛАЙЛИ

Б. Зокиров шеъри  
Т. Зокиров мусиқаси

Қандайдир на-во кел-ти-рар бу- тун, куй-ла-гай, гў- ё оҳ у-риб Маж-нун  
қал- бим- ни бут- кул о- либ а- си- ри- га қай-ғу гир-до- би- да  
солмоқ- чи не-чун? қал-бим- ни бут- кул о- либ а- си- ри- га  
қай-ғу гир-до- би- га солмоқ чи не- чун? Лайли лайли лай-ли лай-ли  
сен- дан ҳа-бар-му б у фи- гон Лайли лайли лай-ли лай-  
ли ҳаёлим-да-ку сен ҳа- мон Лай-ли лайли лайли лай-  
ли бундан ортиқ чекма фа- рёд Лайли лайли лай-ли

«Лайли» кўшиғининг талқин йўли хонанданинг кўшиқчилик бисотида алоҳида ўрин эгаллаб, унинг ўзига хос ижрочилик маҳоратидан далолат беради.

2001 - йили пойтахтимизнинг «Зарафшон» концерт залида Равшан Зокировнинг юбилейига бағишланган концерт

бўлиб ўтди. Унда хонанданинг шу йили чиқарган «My Nostalgia» CD альбомига кирувчи итальян муסיқасининг ёркин намуналари ўрин олган: «O sole mio», «Mamma», «Santa Lucia», «Caruso», «Le tue Parole», «Una colomba», «Con te Partiro», «Il spazzacamino» ва б. «Ушбу кўшиқларнинг талқинида мен итальян вокал мактабининг ёркин тенорлари – Х.Карерас, П.Даминго, Л.Павароттиларнинг бетакроп ва жозибали ижро услубларига ва шахсан менга яқин бўлган – Робертино Лоретти услубига ёндошиб талқин этдим», - деб таъкидлайди Равшан Зокиров<sup>112</sup>. Шу билан бирга, унинг репертуаридан Ботир Зокировнинг ўғли Баҳодир Зокиров<sup>113</sup>, қаламига мансуб «Кел дедим» кўшиғи каби асарлар ҳам ўрин олган.

Хонандалик ва рассомлик билан бир қаторда Равшан Зокиров ижтимоий-маърифий ишлар билан ҳам шуғулланиб 1995 - йилдан у «Ботир Зокиров фонди»нинг директоридир. Ташкилот фаолияти «Ботир Зокиров номидаги» эстрада кўшиқ танловлари ўтказилиши, марҳум хонанда анъаналарини (архив, фоно - материаллар орқали), тарғиб қилиш, ёш иқтидорли ижрочиларга кўмак беришдан иборат.

Узоқ йиллар мобайнида хонанда бир орзуни амалга ошириш ниятида эди ва унинг сўзларига кўра: «1987 йили мен Зокировлар сулоласининг учинчи авлодидан тузилган ансамблни ташкил этдим. Унга Луиза опамнинг қизи – Наргиза Зокирова, Ботир акамнинг ўғли – Баҳодир Зокиров, ҳамда менинг ўғлим Воқиф Зокировлар кирди»<sup>114</sup>.

---

<sup>112</sup>Ўша манба.

<sup>113</sup>Баҳодир Зокиров (1965 й.) тарихчи. Расм чизиш ва кўшиқ айтишга ҳам қизиқади, бир неча кўшиқлар муаллифи.

<sup>114</sup> Муаллифининг Равшан Зокиров билан 15.09.2002- й. ўтказган суҳбатидан.

Бугунда Зокировлар сулоласининг айни учинчи авлоди эстрада кўшиқчилиқ соҳасида ном чиқарган истеъдодли ёшлари – Наргиза, Жавоҳир, Воқиф Зокировларнинг фаолияти билан боғланиб қиёсланади.

**Наргиза Зокирова** (1970 й. туғилган) беш ёшлигидаёқ сахнага чиқиб «Мюзик-холл» дастурида Катя-қўғирчоқни ижро этган ва Ботир Зокиров жиянининг яхши порлоқ хонанда бўлишига ишонч билдирган.

Мактабда ўқиган даврида Наргиза хаваскорлик ансамблида, сўнг «Уй ишлари» («Домашняя работа») номли рок йўналишидаги гуруҳда фаолиятини давом этиради. 14 ёшида «Юрмала-84» халқаро кўшиқ фестивалида иқтидорли хонанда сифатида обрў қозонди. У қобилияти режиссёр Али Ҳамроевнинг «Водиллик келин» фильмида ижро этган кўшиқлари орқали намоён бўлди.

**Жавоҳир Зокиров** (1972 й. туғилган) -ўзбек эстрада кўшиқчилигида оригинал ўзига хос услуб соҳиби. Ботир Зокиров кўшиқларининг талқинчиси сифатида танилган хонандалардан. «Болалар» гуруҳининг ташкил топишида иштирок этган. 1989 -йили Москвадаги Олий давлат кинематография институтига (ВГИК)га ўқишга кириб, таниқли актёр ва режиссёр – А.Баталов, МХАТ студиясида эса – Л.Дуровларда таҳсил олади. Кинодаги илк тажрибаларини 14 ёшида бошлаган («Царапина»–режиссёр А.Фатхулин, «Маленький человек в большой войне»–режиссёр Ш.Аббосов). Унинг иштирокидаги бош роллар–«Воис» (режиссёр У.Раззоқов), Италия ва Франция кинематографлари ҳамкорлигидаги олинган «Бобибу» (режиссёр А.Ҳамроев) кинофильмлари халқаро кинофестивалида «ГРАН-ПРИ» совринига сазовар бўлиб, Жавоҳир Зокиров истеъдодли актёр сифатида тан олинди.

Актёр ва хонанда сифатида Жавоҳир Зокиров «Тоҳир ва Зухра» мусиқий фильми ва «Майсара–Суперзвезда» мюзиклида яратган образлари билан ҳам танилди.

2001 - йил Тошкентдаги «Халқлар дўстлиги» саройида Жавоҳир Зокировнинг «Чёрная тоска» деб номланган яккахон концерт-дастури тақдим этилиб, дастур хонанда эстрада кўшиқчилиги соҳасидаги самарали изланишларини намоён этади.

**Вокиф Зокиров** (1975 й. туғилган) дастлабки мусиқий таълимни болалар мусиқа мактабида скрипка синфида олди. Бугунги кунда унинг номи истиқболли аранжировкачи, бир қатор эстрада кўшиқларининг муаллифи ва «Болалар» гуруҳи созандаси сифатида танилган.

XX- аср иккинчи ярми ва XXI- аср бошларидаги Ўзбекистон эстрада мусиқа санъати тарихи ва бугунги кунини Зокировлар сулоласи вакиллари фаолияти билан қиёсланиши бежиз эмас. Дарҳақиқат, ўзбек эстрада санъати шаклланишида бош-қош бўлиб, бу соҳада ёрқин *ижрочилик мактабига* асос солган хонанда – Ботир Зокировнинг ибратли анъаналари ҳамда бу соҳаларда ибратли фаолият кўрсатаётган замонавий Зокировлар авлодининг ижодий силсиласи давом этмоқда.

### § 3.2. Сулола актёрлари

**Шоиста Саидова** (1920-2000) Зокировлар сулоласининг фарзандлари етук хонандалар бўлиб камол топишида оталари Карим Зокиров билан бир қаторда оналари Шоиста Саидованинг ўрни беқиёсдир.

Муқимий номидаги Ўзбек мусиқали театрининг етакчи актрисаларидан бири – Шоиста Саидова мутахассислар ва кенг тингловчилар доирасида жозибали овоз соҳибаси, моҳир

лапарчи сифатида танилган эди. Хонанданинг овози бир пайтлар таниқли хонанда Муҳиддин Қориёқубовни мафтун этганди. «Онам халқ кўшиқлари, мумтоз ашулалар ҳамда лапарларни моҳирона ижро этганлар. Онамизнинг яқин дугоналари бўлган Тамарахонимга ҳам улар ўз репертуарларидан бир нечта жозибали лапарларни ўргатганлар», - деб хотирлайди Равшан Зокиров<sup>115</sup>.

Дарҳақиқат, мазкур театр сахнасида Шоиста Саидова «Лайли ва Мажнун» (Лайли), «Фарҳод ва Ширин» (Моҳинабону) каби мусиқий драмаларда яратган образлари миллий ижрочилик анъанасидаги ёрқин талқини билан актрисага шуҳрат келтирган<sup>116</sup>. Бироқ, Шоиста Саидова санъатдаги ўз мақсади ва ўрнини сахнада эмас, балки фарзандларига, кейинчалик эса, набираларини шу соҳаларда тарбиялашга бағишлади. Ўз оиласида у – она ва яқин дўстгина эмас, балки айна санъат соҳасида йўл-йўриқ кўрсата билган устоз ҳам бўлган. Хусусан, Фаррух Зокиров қуйидагиларни таъкидлайди: «Зокировлар ўз санъати ва шуҳратини онажонисиз тасаввур этмайди. Ҳар биримиз учун уларнинг хизматлари жуда катта. Оиламиздан чиққан ҳар бир хонанданинг биринчи устози – онамиз. Биринчи тингловчиси ҳам, биринчи танқидчиси ҳам улар бўлган»<sup>117</sup>.

Дарҳақиқат, Шоиста Саидова фарзандларига ўзининг бой ижрочилик тажрибаси ва билимини инъом этишга ҳаракат қилар экан, дастлабки босқичда улар қалбида санъатга жиддий муносабатни шакллантириш, санъат соҳаларида ижрочиликнинг қатъий мезонларига интилиш тамойилини биринчи ўринга қўйган.

<sup>115</sup> Муаллифнинг Равшан Зокиров билан ўтказган суҳбатидан.

<sup>116</sup> Муаллифнинг Гавҳар Зокирова билан 2002-й, 10-сентябрда ўтказган суҳбатидан.

<sup>117</sup> Муаллифнинг Фаррух Зокиров билан ўтказган суҳбатидан.

«Зокировлар оиласида тез-тез тилга олинадиган бир ибора бўлган – «ойимга ёққан бўлса – бас!». Чунки онамнинг баҳоси биз учун мукофот бўлган. Мабодо кўшиқнинг сўзи ёки мусиқаси ноўрин бўлса, шартта юзимизга айтардилар. Ёмон кўшиқ айтсак – сира аяб ўтирмасдилар», - деб яна таъкидлайди Фаррух Зокиров<sup>118</sup>.

Маълумки, айнан Шоиста Саидова қаламига мансуб кўшиқ билан Луиза ва Ботир Зокировлар илк бор катта сахнага чиқиб шуҳрат қозондилар.

Ботир Зокировнинг кундаликларида Шоиста ая хонанда қалбида рассомлик санъатига иштиёқ уйғотган инсон сифатида эътироф этилади. Сулола фарзандларининг виждонли, тўғри сўз, ҳалол инсон бўлиб етишишларида айнан Шоиста Саидованинг маънавий-эстетик қарашлари ҳал қилувчи аҳамият касб этди.

*Бугунда Зокировлар нафақат ёрқин хонандалар сулоласи, балки Ўзбекистонда кўзга кўринарли, элга танилган актёрлар сулоласи ҳамдир (Жамшид, Гавҳар, Бахтиёр, Жавоҳир Зокировлар). Улар Ўзбекистон театр ва кино санъатининг равнақига ўз улушини қўшиб келмоқдалар. Мазкур масала алоҳида илмий мавзу сифатида тадқиқ этилишини инobatга олиб, монографиямиз белгилаб берган мавзуи қамровида таниқли оилавий силсила актёрларининг фаолиятини мухтасар маълумот тарзидагина ёритиб беришни жоиз топдик.*

Зокировлар оиласининг бешинчи фарзанди **Жамшид Зокиров** (1948-2012) -таниқли актёр, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист «Ўзбекфильм» киностудияси қошидаги актёрлик студияси Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат театр ва рассомлик санъати институти «Драма актёри»

<sup>118</sup> Ўша манба.

бўлимида таҳсил олган. 1971 - йилдан Ҳамза театри етакчи актёрларидан бири. Асосий роллари: Альберт («Оқшомдан тушгача»), Фарход («Кузнинг биринчи куни»), Холмат («Бой ила хизматчи»), Эркак («Тақдир эшиги»), Степан («Мардикор»), Эркак («Алдагани хотин яхши») ва бошқалар.

Жамшид Зокиров кино мухлисларига ҳам бир қатор кинофильмлардаги образлари билан танилган: Ота («Орзулар оғушида»), Ҳаким («Келинлар кўзғолони»), Олимтой («Темир хотин») шунингдек, видеофильмлардаги Декан («Домла»), милиционер («Гартиб»), Шариф Намозов («Шайтанат»).

Актёрнинг рафиқаси – **Гавҳар Зокирова** (1949) ҳам Ҳамза театрининг актрисаси, эса қолувчи роллари: Амалия («Қароқчилар»), Агафья («Уйланиш»), Жамила, Гулбахор («Бой ила хизматчи»), Дездемона («Отелло»), Аёл («Тақдир эшиги»), Гулнор («Қутлуғ қон»), Бибихоним («Соҳибқирон Темур»), Фаришта («Шайтон ва фаришта») ва бошқалар.

Кинофильмларда Нигора («Тўйлар муборак»), Гули («Юлдузимни қайтариб бер»), видеофильмларда: Вазира («Олмос камар»), Ҳамшира («Абадият қонуни») Гулираъно («Домла»), Насиба («Шайтанат») каби образлар яратган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, Ўзбекистон давлат мукофоти совриндори.

Ботир Зокировнинг ўғиллари- **Бахтиёр Зокиров** (1962-2015) қисқагина ҳаёти (1962-2006) ва фаолияти мобайнида кино ва театр соҳаларида танилган истеъдодли актёрлардан бири. У 1983 - йили ВГИКни тугатиб қайтгач, киноактёрлар студиясида ишлаб келди. Кинода яратган энг ёрқин роллари: Ибн Сино («Даҳонинг ёшлиги»), Ҳидоятхон («Майсаранинг иши»), Ҳусайн («Амир Темур»), хирург («Қасалхона»), Бўрибой («Армон»), «Илҳом» театрида- Иоаканаан («Саломея»), Демон («Тойбеле ва унинг Демони»), Охун

(«Оппок, оппок қора лайлак»), Феллини («Феллини») ва бошқалар.

**Баходир Зокиров** (1965) Тошкент давлат шарқшунослик институтини битиришига қарамай айни вақтда актёр, мусиқа муаллифи, рассом сифатида ижодий фаоллиятни олиб бормоқда.

Карим Зокиро ва унинг сулоласи вакиллари ёрқин хонандаларгина бўлиб қолмай, ўзбек мусиқий эстрада ривожига жараёнига улкан ҳисса қўшган санъат намоёндаларидир. Улар эстрада қўшиқчилигимиз миллий фольклор ва мумтоз мерос билан узвий боғлиқ ҳолда, анъанавий ва ҳозирги замон ижрочилик тамойиллари уйғунлигини сулола авлодидан-авлодига ижодий тарзда ворислик давом эттиришди. Бугунги кунда Зокировлар ютуғи ва маънавий-эстетик идеаллари сақланиб келиниши, бу ижодий силсила ҳаётийлигини амалда исбот қилмоқда. Сулола фаолияти Ўзбекистон мусиқа санъатининг нисбатан навқирон йўналиши ҳам - Шарқ ҳам Ғарб қўлга киритган ижодий тамойилларни ҳаётга тадбиқ этиши заруратини илмий - услубий, амалий-назарий жиҳатдан ўрганилиши ва ўзлаштирилиши ниҳоятда долзарб эканлиги ҳамда келажак тадқиқотлари ишлари учун бой манба ўрнида хизмат қилиши шак-шубҳасиздир.

## ХУЛОСА

XX аср иккинчи ярми, XXI аср бошларидаги Ўзбекистон мусиқа маданияти Карим Зокиров ва унинг забардаст сулоласи номи билан чамбарчас боғлиқдир. Ўтган асрда рўй берган тарихий шарт-шароитларда сулоланинг ҳар бир вакили замон тақозоси билан ўз даври мусиқа санъати, хусусан опера ва кўшиқ ижрочилигига дадил кириб келиб, бу соҳаларда ҳақиқий т а л қ и н ч и л и к шаклланиши, замон зайлида равнақ топишига улкан улушини кўшдилар.

Хонандалар ва актёрлар сулоласининг асосчиси - Карим Зокиров Ўзбекистон опера (кенг маънода мусиқали театр) санъати, фольклор ва мумтоз меросимиз дурдоналарининг талқинчисидир. Унинг ёрқин вокал ва актёрлик истеъдоди Шарқ ва Ғарб ижрочилик анъаналари кесимида шаклланиб, айниқса ўзбек миллий опера мактаби юзага келишида муҳим омилга айланди.

Ботир Зокиров эса нафақат ўзбек санъати оламида, балки жаҳоннинг XX асрга мансуб энг сара хонандалари қаторидан ўрин эгаллаган ва мусиқий эстрадамиз шаклланиши ва тарақиётига бетакрор хизмати сингиган буюк арбоблардан. Унинг серқирра (хонанда, рассом, шоир, либретточи, режиссёр, драматург) ижодий фаолияти санъатнинг қамровли феноменидир. Айни Б. Зокировнинг сайъ-ҳаракатлари билан биринчи марта Ўрта Осиё ва буткул Яқин Шарқда ноёб «Мюзик-холл» жамоаси ташкил топди.

Сулоланинг тўнғич фарзандларидан – Луиза Зокирова ҳам Ботир Зокиров каби, республика эстрада санъати ривожланиши жараёнида фаол иштирок этиб, ижро этган ашула ва кўшиқлари билан шарқона талқинлар шаклланишида муҳим роль ўйнаган.

Фаррух Зокировнинг фаолияти ўзбек, эстрада кўшиқчилигида «фольк-поп» услуби орқали йирик фольклор заминли йўналишининг юзага келиб, камол топишида алоҳида аҳамият касб этади.

Сулоланинг ўрта ва кенжа вакиллари – Навфал, Равшан, бугунда эса учинчи авлод намояндалари – Наргиза, Жавохир Воқиф Зокировлар ўзбек эстрада кўшиқчилиги ривожига ғарбона тармоғи шаклланишида изланишлар олиб бориб, янги услубий қирраларини очилиши, имкониятлар кенгайтириши борасида хизмат қилишмоқда.

Буткул сулоланинг ўзбек мусиқа маданиятида тутган ўрни ва мавқеи шундаки, XX аср мусиқий услублари янгилаштириш жараёнида Шарқ ва Ғарб тажрибаларидан унумли фойдаланиб, миллий мусиқамиз анъаналари билан моҳирона пайвандлашга ҳамда Зокировларга хос ижрочилик мактабини яратишга муваффақ бўлишди.

Зокировларнинг яратувчанлик қирралари ҳақида камровли фикр юритилар экан, сулола ижрочилик санъатининг амалий-назарий томонлари алоҳида диққат-эътиборга моликлиги, уларга хос маънавий-эстетик тамойиллари ва ахлоқий-идеалларини мужассамлантирувчи концептуал илмий қарашлар тизими яратилиши зарурлигини англаш мақсадга мувофиқдир.

Сулоланинг деярли бир асрлик фаолияти, ҳаётийлик кучини тан олган ҳолда, яқин ўтмиш мусиқий маданиятимиз ва ҳозирги замон жараёни кесимида бу авлод хизмати ва фаолиятини буюк ҳодиса сифатида қайд этилишини тақозо этмоқда. Ворислик асосидаги ижрочилик анъаналари, бадиий-эстетик ғоялари, юксак маънавий қадриятлари муштараклигида - бугунги кундаги ўзбек эстрада кўшиқчилиги ривожини Зокировларнинг учинчи авлоди вакиллари олиб

бораётган ижодий изланишлари самарасида ҳам кўриш мумкин.

Демак, сулоладан қолган бой меросни касбий ва жамоатчилик доиралари, оммавий ахборот воситаларида кенг тарғиб этиш, айниқса мусиқий т а л қ и н ч и л и к соҳасида, хусусан, ўзбек опера ва эстрада ижрочилигида қолдирган бой анъаналарини ўрганиб, чуқурроқ англаб, ҳозирда кўндаланг турган муаммоларни бартараф этишда ижодий фойдаланиш, жамиятнинг маънавий-маърифий юксалиши учун илмий-амалий тадбиқ этиш алоҳида аҳамиятга моликдир.

Монографияда ўрин олган илмий кузатувлар, чиқарилган назарий хулоса ва фикр-мулоҳазалар ёш авлодни тарбиялаш, баркамол инсонни шакллантиришда муҳим ва ибратли аҳамият касб этишига асос бўлиши мумкин.

## Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Абдуллаев Р. Традиции музыкального фольклора и современность. //«Анъанавий маданиятни сақлаш муаммолари» Бойсун баҳори Халқаро илмий конференция материаллари. Бойсун. 2003.- 14-19 б.
2. Абдурахимов Б, Расултоев Ж, Норбутаев Й. Ўзбек эстрада кўшиқчилиги: таклид ва талқин. - Т.: 2006.-108 б.
3. Алимбаева К. Ахмедов М. Народные музыканты Узбекистана. - Т.: ГИЛИ им Гафура Гуляма, 1959. - 127 с.
4. Алимбаева К. Узбекская музыкальная драма. // История узбекской советской музыки. - Т.: ГИЛИ им Гафура Гуляма, 1972. - Т.1.-380с.
5. Аманмурадова С. Традиции песен эстрадного искусства Египта и Узбекистана (на примере творчества Умм Кульсум и Батыра Закирова).
6. Амбарцумова Г. Человек стоявший у истоков узбекской эстрады // Звезда Востока -Т, 1986.- № 7- С. 182-183.  
Автореф.дис. канд. искусствоведения-Т.: СИТИ М(а) А-61.1995-21с.
7. Асқаров А. Дунёни кезган овоз - Т.: Адабий- бадий нашр, 2005. -51б
8. Аспелунд Д. Развитие певца и его голоса. - М-Л.: Музгиз, 1952.-191с.
9. Бегматов С. Традиции искусства хафизов Ферганской долины. Автореф. дис. канд. искусствоведения - Т.: 1995.-24 с.
10. Беков О. Современная узбекская эстрадная песня в контексте музыкальной культуры Узбекистана. Рукопись в НИИИ. -Т.: СИТИ М (м) Б-42. № 931. 1994.-130 с.
11. Беседы со старожилами Ташкента и Бухары (записала Вызго Т.) Рукопись в НИИИ –Т.: СИТИ № 447.1958. - 130 с.

12. Вахидов С. Узбекская советская песня. - Т.: ГИЛИ им Гафура Гуляма, 1976. - 140 с.
13. Вахидов С. Эстрадная песня. // Узбекская музыка на современном этапе - Т.: ГИЛИ им Гафура Гуляма, 1977.- 157 с.
14. Волков А. Батыр Закиров. // Певцы советской эстрады. - М.: Искусство, 1986.- В. 2.- С 14-15.
15. Гафурбеков Т. Творческие ресурсы национальной монодии и их преломление в узбекской советской музыке - Т.: Фан, 1987. - 110 с.
16. Гафурбеков Т. Фольклорные истоки узбекского профессионального музыкального творчества - Т.: Ўқитувчи, 1984.- 118 с.
17. Гафурбеков Т. Эстрадизация узбекского фольклора: PRO ET CONTRA // Материалы международной научной конференции. Бойсун. 2003.- 23-24 с.
18. Гликман И. Актёр узбекского оперного театра. // Пути развития узбекской музыки. - М-Л.: Искусство, 1946.- 210 с.
19. Джумаев Т. Прodelки Майсары – первая узбекская комическая опера: Сб.ст: Вопросы музыкальной культуры Узбекистана. Т.: Государственное издательство художественной литературы УзССР, 1961. В-1.- 310 с.
20. Дмитриев Ю. Советская эстрада- М.: Знание, 1968.- 41 с.
20. Ертишов П. «Ялла» // Советская эстрада и цирк.- М, 1978.- № 12. С.20-22.
21. Жўраев А. Юрак бўронлари - Т.: Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1989.-175 б.
22. Закиров Б. Рождённая радостью // Музыкальная жизнь.-М,1983. - №6 - С. 17-18.

23. Закиров Б. Путешествие Синдбада (о программе Ташкентского Мюзик-холла). // Ленинградская Правда. -1973., 21 июля.

24. Закиров Ф. Аёл ғазалга ўхшайди // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. -1987., 6-март.

25. Ибрагимов О. Фергано-Ташкентские макамы.-Т.: «MEDIA LAND», 2006. - 176.с

26. Илёсов Я. Сўгдиёна - Т.: Шарқ, 1994.- 354 б.

27. Кадыров М. Узбекская народная драма. - Издательство АНУзССР, 1963.-172 с.

28. Карим Зокиров. Хотира кечаси. Қўлёзма (стенограмма).ЎЗТУ кутубхонаси. Ин № 887. 1980.- 54 б.

29. Кароматов.Ф. Основные черты строения народных песен // Вопросы музыкальной культуры Узбекистана- Т.: Государственное издательство художественной литературы УзССР, 1961. В-1.- С. 34-71.

30. Клитин С.Эстрада. Проблемы теории, истории и методики -Л.: Искусство, 1987.-190 с.

31. Князева Е.Л. Некоторые аспекты изучения и оценки в массовых жанрах музыки: Сб.ст: Вопросы музыкальной педагогики и исполнительства.-Т.: 1993.-73 с.

32. Конен В. Рождение джаза.- М.: Советский композитор, 1990.- 320 с.

33. Конен В. Третий пласт. Новые массовые жанры в музыке XX века.- М.: Музыка, 1994.-154 с.

34. Корсакова А. Узбекский оперный театр. - Т.: ГИЛИ им Гафура Гуляма, 1961.- 495с.

35. Мархасев Л. В лёгком жанре -Л.: 1984.Советский композитор, 1984. - 290 с.

36. Матякубов О. Додекаграмма. Очерки о музыке и музыкантах моей страны и моего времени - Т.: Истиклол, 2005. - 328 с.

37. Меньшиков В. Энциклопедия рок музыки. - Т.: Шарк, 1996.- 493 с.

Мирходжаева С. Опера Икрама Акбарова «Леопард из Согдианы». Дип.раб. ГКУ.- Т.: 1976.- 69 с.

38. Муллажонов Д. Узбекская музыкальная эстрада в системе шоу- бизнеса // Санъат. - Т,2002. - №4. - 34-35б.

39. Муллажонов Д. Узбекская эстрада в системе шоу - бизнеса. // Общественное мнение. Права человека. - Т, 2003.- №2 - С.- 137-138.

40. Муллажонов. Д. 1990-йиллар Ўзбек мусикий эстрадасида оханг муаммоси. Сан.ф. ном. дис. автореферати.- Т.: 2004 .-26 б.

Муסיқа ижодиёти масалалари - Т.: Қатортол-Камолот, 1997. - 92 б.

41. Мухаммедов С. Меня любовь в дорогу позвала // Звезда Востока. - Т, 1988.-№1.- С. 91-142.

42. Найденский В. Музыкальная семья // Музыкальная жизнь. - М, 1982.- № 8. С.-32.

43. Насырова Ч. Эстрадная песня. // История узбекской советской музыки. --Т.: ГИЛИ им Гафура Гуляма, 1990. Т-3. - 279 с.

44. Пеккер Я. Узбекская опера: от возникновения до конца шестидесятых гг. XX века. – М.: Советский композитор, 1984. 2-изд.- 286 с.

45. Песня. //Музыкально энциклопедический словарь- М.: Советская энциклопедия, 1990.- С. 420.

46. Плунгян В. Прodelки Майсары С.Юдакова - Т.: Фан. 1992.- 128 с.

Плунгян В. Сулейман Юдаков: композиторы и музыковеды - Т.: ГИЛИ им Г.Гуляма, 1979. - 535 с.

47. Поёт Батыр Закиров (под ред. Голубь Г, Качалина А.) - М.: Музыка, 1973.-34 б.

48. Поп-музыка //Музыкальная энциклопедия. - М.: Советская энциклопедия, Т.4 - С. 420

49. Ражабийхонлик. Илмий-амалий анжуман материаллари.-Т.:1993.-111 б.

Расултаев Ж.Узбекская традиционная инструментально-исполнительская культура. Автореф. дис . доктор. искусствоведения- Т.: 2004.-31 с.

50. Расултоев Ж. Эстрада кўшиқчилигига холис бир назар // Санъатшунослик масалалари. - Т.: 2006.- 99-107 б.

51. Савранский В. Песни Луизы // Комсомол Узбекистана. 1964., 6 октября.

52. Сохор А. Вопросы социологии и эстетики музыки. - Л.: Советский композитор. 1980. - 294 с.

53. Стенограмма обсуждения оперы «Леопард из Согдианы». В ГАБТе.- Т.: Библиотека ТООУз А-77.1977. - 48 с.

54. Султон А. Хонандалар сулоласи // Гулистон- Т, 1974.- № 11.- 24-25 б.

55. Троицкий Г. Испытание эстрадного певца (проблемы эстрадного искусства на телевидении). // Театр.-Т, 1967.- № 5.- С. 14-15.

56. Тўла Т. Кўшиқларимиз парвози // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 1984., 27 апрел.

57. Турсунова Г. Размышления о музыкальной эстраде // Ж.Муסיқа. 1998. -№7- С. 8-9.

58. Турсунова Г. Ўзбек эстрада санъатида миллий наволар талқини // Ж.ЎзДМИ Хабарлари2017 №1, 71-80 б.

59. Турсунова Г. Музыкальные династии Узбекистана //Ж. Проблемы современной науки и образования №3 (148)2020,С. 88-91

60. Франкельберг Н., Яворский Б. Об исполнительстве. // Музыкальное исполнительство - М.: Музыка, 1979.-№10.- С. 230-238.

61. Хамидова М. Актёрское искусство узбекской музыкальной драмы. - Т.: Фан, 1987.-148 с.

62. Хамидова М. Карим Зокиров. Ҳаёти ва ижоди. - Т.: Гафур Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1990.-85 б.

63. Хамидова М. Узбекская музыкальная драма: Проблемы жанра. - Т.: ГИЛИ им Гафура Гуляма,1987.- 118с.

64. Ходжаев Ф. Испытательный полёт. // Звезда Востока.- Т, 1971. № 4. - С. 74-76.

65. Эстрада - что? Где? Зачем? :// Сб. ст. - М.: Музыка, 1958.- 97 с.

66. Юдаков С. «Майсаранинг иши» - Т.: Гафур Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти. 1985. (Клавир)-350 б.

67. Юлдашбаева Т. Проблемы вокального исполнения в узбекском оперном театре // История узбекской советской музыки. Т.: ГИЛИ им. Г.Гуляма, 1985. Т-1.-С 191-197.

68. Юлдашбаева Т. Мастера узбекской оперной сцены. – Т.: ГИЛИ им. Г.Гуляма. 1985.- 172 с.

69. Юнусов Р. Кўшикми ё ашула? //Ж. Гулистон. - Т, 1997.- № 2 .- 5-7 б.

70. Юсупов Л. Обращение к фольклору // Советская эстрада и цирк. -М, 1987. - №4 . - С. 21-26.

71. Юсупов Л. Основные этапы становления и развития музыкальной эстрады. Автореф. дис канд. искусствоведения- М.: 1990.-28 с.

72. Юсупов Л. Тошкент Мюзик-холл» и. // Совет Ўзбекистони. 1973.,1- июль.

Юсупов. Л. Узбекская рок- музыка // Рок музыка в СССР- М.: Книга, 1990.- С. 41-46.

73. Янов-Яновская Н. Музыкальная классика в духовном измерении. //Народное слово. 2003., 24 ноября.

74. Янов - Яновская Н.Поиски и находки. // Советская музыка. - М, 1971. -№ 3.- С. 21-24.

75. Янов-Яновская Н. Большие заботы малого жанра, или ещё раз о песне // Советская музыка - М, 1979.- № 12.- С. 19-23.

76. Янов-Яновская Н. Икрам Акбаров. – Т.: ГИЛИ им Г.Гуляма. 1990.-140 с.

77. Янов-Яновская Н. Музыка узбекского кино. – Т.: Фан. 1969.-113с.

78. Гофурбеков Т., Аширова М. Зокировлар /// Ўзбекистон Миллий энциклопедияси - Т.: «ЎзМЭ» Давлат илмий нашриёти, 2002. 4-Ж.-119 б.

79. Ўзбек халқ мусиқаси. (Тўпловчи ва нотага олувчи Ю. Ражабий.) - Т.: ЎзССР давлат нашриёти, 1955.- 515 б.

80. «Ўзбекнаво»: устозлар, юлдузлар, шогирдлар- Т.: Чўлпон нашриёти, 2000.- 218 б.

**КАРИМ ЗОКИРОВ.**

Ўзбек мусиқали театрида яратилган образлар

<b>Йил</b>	<b>Яратган образлар</b>	<b>Асарнинг номи</b>	<b>Муаллифлар</b>
1932	Мушқилжон	“КИМ”га А.Қодирий либреттоси, Т.Жалилов мусиқаси	реж. - М.Мухаммедов, дир. -Н.А.Рославец, рас.- Б.С.Романовский
1933	Фарҳод	“Фарҳод ва Ширин” Ш.Хуршид, халқ мусиқаси	сах.- М.Мухаммедов, реж.- Б.С.Романовский
1933	Йўлдош	“Ичкарида” К.Яшин,М.Мухаммед ов, Т.Жалилов мусиқаси	сах.- М.Мухаммедов, реж.- Э.Кабулов, дир.- М.Ашрафий, Т.Содиқов рас.- Б.Хамдамов
1933	Кайс	“Лайли ва Мажнун” Ш.Хуршид, Т.Содиқов мусиқаси	реж.- Э.Кабулов, дир.- Т.Содиқов, рас.- Ш.Шайх
1934	Ботир	“Пўртана” С.Абдулла либреттоси, Т.Жалилов, П.Рахимов мусиқаси	реж.- Э.Кабулов, дир. -Т.Содиқов, рас.- Ш.Шорахимов
1936	Фарҳод	В.А.Успенский,Г.А. Мушель,	1936 й. реж.- Э.И.Юнгвальд-

		С.П.Цвейфель мусиқаси	Хилькевич дир. -Н.Б.Грубин рас.- Ш.Шорахимов 1957 й.сах.- Э.И.Юнгвальд- Хилькевич реж.- А.Хидоятлов, дир.-М.Ашрафий, рас.- В.А.Афанасьев
1937	Қодир Ибрагим	“Гулсара” К.Яшин, М.Мухаммедов либреттоси, Т.Жалилов мусиқаси	реж.- М.Мухаммедов, Ш.Кариева, дир.- Т.Содиқов, Н.Б.Грубин, рас.- Ш.Шорахимов
1938	Ёр Тагын	“Ёр Тагын” Е.Г.Брусоловский	дир.- М.Ашрафий, реж.- Э.И.Юнгвальд- Хилькевич рас.- В.А.Афанасьев
1939	Аллаёр	“Наргиз” М.Магомаев	дир. -Т.Содиқов, сах. -Э.И.Юнгвальд- Хилькевич, реж.- С.У.Мухаммедов, А.Ахмедов рас.- М.Мусаев
1939, 1946, 1948, 1950,	Бўрон	“Бўрон” Н.Василенко, М.Ашрафий мусиқаси, К.Яшин	дир. -М.Ашрафий, сах. -Э.И.Юнгвальд- Хилькевич, реж. -Р.Бабажанов,

1954		либреттоси	С.У.Мухамедов, рас.- М.А.Годдиқов, М.Мусаев, (1950 й.) дир.- Б.Иноятв, реж. - С.У.Мухаммедов, рас.- М.Мусаев
1940	Амир	“Лайли ва Мажнун” Р.М.Глиэр, Т.Содиқов муסיқаси	дир. -Т.Содиқов, сах.- М.Мухаммедов, реж. - С.У.Мухамедов, рас.- Ш.Шорахимов (1954 й.) дир.- Т.Содиқов, реж. - М.Мухаммедов, рас.- М.Мусаев (1960 й.) Ф.Шамсутдинов
1941	Тўхтасин	“Буюк канал” С.Н.Василенко, М.Ашрафий, К.Яшин, Х.Раҳмонов либреттоси	дир.- М.Ашрафий, сах.- М.Мухаммедов, реж.- Р.Бабажонов, рас.-М.Мусаев, М.И.Курилка (1953 й.) дир.- М.Ашрафий, реж.- Э.И.Каплан, Т.М.Смирнов, рас.-

			М.Мусаев
1941	Даврон ота	“Даврон ота” К.Яшин С.Абдулла, либреттоси, Т.Содиқов, А.Ф. Козловский мусикаси	реж. - М.Мухаммедов, дир. -Т.Содиқов, рас.- М.Мусаев
1942	Шерали	“Шерали” Х.Ғулом. Б. Халил М.Ашрафий, С.Н.Василенко, А.Ф.Козловский мусикаси	Саҳ. С.У.Мухамедов, Реж. Р.Бабажонов, Дир. М.Ашрафий, Рассом М.Мусаев
1942	Арслон	“Ўзбекистон қиличи” Н.Погодин, Х.Олимжон, С.Абдулла, Уйғун либреттоси Т.Содиқов, Т.Жалилов, М.Бурхонов, А.К.Клумов, С.Вейнберг, Н.Хасанов	реж. - М.Мухаммедов, дир. Т.Содиқов, рас.- В.Н.Ходасович, В.С.Басов
1942	Улуғбек	“Улуғбек” А.Ф.Козловский Г.Л.Герус либреттоси	дир.- М.Ашрафий, сах.- Э.И.Каплан, реж. -А.Н.Еиреев, Н.С.Самасад, рас.- Усто Мымин, А.В.Николаев (1958 й.) дир.

			Н.А.Гольдман, реж. - А.К.Миралимбаева, рас.- В.А.Рафтин
1944, 1959	Эскамилио	“Кармен” Ж.Бизе. Миреме асари асосида, Л.Гамиш ва Мельяк либреттоси	дир.- М.Ашрафий, сах.- Э.И.Юнгвальд- Хилькевич, реж.- М.Мухаммедов, рас.-В.А.Афанасьев, П.А.Злочевский
1944	Маҳмуд Таробий	“Маҳмуд Таробий”Ойбек либреттоси	дир. Б.Иноятов, сах. С.У.Мухамедов реж.-Р.Бабажонов, рас.- М.Мусаев
1947, (1950 )	Елецкий	“Пиковая дама” П.И.Чайковский	дир.- Н.А.Гольдман, реж. - Э.И.Юнгвальд- Хилькевич, рас.- В.А.Рогортин (1952 й. р.г.)
1947	Тўхтасин	“Бахт водийси” М.Ашрафий, С.Н.Василенко, К.Яшин, М.Раҳмонов либреттоси	дир.- М.Ашрафий, С.Н.Василенко, реж. - Э.И.Юнгвальд- Хилькевич рас.-В.А.Рогортин
1948	Евгений Онегин	“Евгений Онегин” П.И.Чайковский	дир. -Н.А.Гольдман, реж. Э.И.Юнгвальд- Хилькевич

			рас.- В.А.Роготин
1949	Ибрагим	“Гулсара” Р.М.Глиэр, Т.Содиқов	дир. -Т.Содиқов, реж.- С.У.Мухамедов, рас.-М.Мусаев
1949, 1955, 1976	Тоҳир, Сардор, Хоразм хони	“Тоҳир ва Зухра” Т.Жалилов, Б.В.Бровцин, С.Абдулла либреттоси	дир.- Н.А.Гольдман, реж. - Э.И.Юнгвальд- Хилькевич рас.- М.Мусаев (1955 й.) В.П.Харков, реж. - Э.И.Юнгвальд- Хилькевич (1976 й.) дир. Ғ.Тўлаганов, реж. О.Узоқов.рас.- Г.Шорахимов
1950	Яго	“Отелло” Дж.Верди, А.Бойто либреттоси	дир. -А.Дониях, реж.-Э.И.Юнгвальд- Хилькевич рас- В.А.Рогортин
1950	Ҳасанхон	“Кўрўғи” О.Ордубоди, Т. Усмонов либреттоси	дир.- Б.Иноятов, рас.-М.Мусаев
1951	Роберт	“Иоланта” П.И.Чайковский	дир. -Н.А.Гольдман, реж. - С.У.Мухамедов,

			рас.- М.А.Гвоздиков
1952	Семён бобо ўрмончи	“Тарас оиласи” Д.Б.Кабалевский, С.Н.Цепин либреттоси	дир.- Я.С.Эльяшкевич, реж. -И.Я.Ажоткин, рас.- В.А.Рогортин
1953	Қодиршоҳ	“Олмоғ” А.Спиндиаров, С.Парнок	дир.- Т.Содиқов, реж.- С.У.Мухамедов, рас.- М.Мусаев
1954	Амонасро	“Аида” Дж.Верди	дир.- М.Ашрафий, реж.- Н.П.Варламов, рас.- А.Б.Дулевский
1957	Фарход	“Фарход ва Ширин” В.А.Успенский Г.А.Мушель муסיқаси Хуршид, К.Яшин либреттоси	дир. - Ф.Шамсутдинов, реж. - А.К.Миралимбаев рас- М.Мусаев
1958	Шоҳ Баҳром	“Дилором” М.Ашрафий, А.Навоий асари асосида, К.Яшин, М.Мухаммедов либреттоси	дир.- М.Ашрафий, реж. - Э.И.Юнгвальд- Хилькевич рас. М.Мусаев
1959	Колхоз раиси	“Зайнаб ва Омон” Содиқов, Б.Н.Зейдман, Ю.Ражабий, Д.Зокиров	дир.- Ф.Шамсутдинов, реж.- М.Мухаммедов, рас.- М.Мусаев

1959	Мулладўст	“Майсаранинг иши” С.Юдаков. Ҳамза асари асосида С.Абдулла, М.Мухамедов либреттоси	дир.- Ф.Шамсутдинов, Р.Ибрагимов сах. - В.А.Кенделаки, реж. -М.Мухамедов, рас.- М.Мусаев, З. Тоипов
1960	Маҳди	“Лайли ва Мажнун” Р.И.Глиэр, Т.Содиқов	дир.- Ф.Шамсутдинов, реж.- М.Мухаммедов, рас.- М.Мусаев
1961	Ҳамза	“Ҳамза” С.Бобоев, К.Яшин либреттоси	дир.- Ф.Шамсутдинов, реж.- М.Мухаммедов, М.Л.Сатуновский рас.- М.Мусаев
1962	Муқимий	“Шоир қалби” М.Ашрафий, И.Султон либреттоси	дир.- М.Ашрафий, реж.- Т.С.Миллер рас.- В.И.Мамонтов (1967) дир.- А.Абдуқаюмов, реж. - В.Г,Наврецкий, рас.- М.Мусаев
1962	Жермон	“Травиатта” Дж.Верди	дир.- Н.А.Гольдман, реж. - А.К.Миралибаев, рас.- А.Б.Дулевский

1966	Ёрмат	“Зулматдан зиё” Р.Ҳамроев Т.Тўла либреттоси	дир. - Ф.Шамсутдинов, реж. - М.Мухаммедов, рас.- М.Мусаев
1967	Махди	“Лайли ва Мажнун” Р.М.Глиэр, Т.Содиқов	дир.- Ф.Шамсутдинов, реж. - К.Миралимбаев рас.- М.Мусаев
1968	Ходисаркор	“Қайтиш” Я.Сабзанов, А.Шуғуҳий либреттоси	дир.- Д.Абдурахманов, реж.- М.Мухамедов, рас.- М.Мусаев
1976	Хоразм хони	“Муҳаббат афсонаси” Т.Жалилов Б.В.Бровцин	дир. -Г.Туляганов, реж.- О.Узаков, балетм-. В.Васильев, М.Тургунбаева

**Зокировлар сулоласининг концерт репертуари  
Карим Зокиров (1912-1977)**

<b>Асарнинг номи</b>	<b>С = рджс</b>
Сувора	№ 3
Истарман	№ 11, 5688
Гиря	№ 470
Чоргоҳ-II	№ 843
Каримкулбеги-II	№ 893
Кўчабоғи-II	№ 894
Ул пари	№ 895
Чоргоҳ-II	№ 898
Илғор	№ 1228
Янги ер таронаси	№ 1229
Ҳуш келгил	№ 1718
Дилоромимга айт	№ 1724
Ул кун жонон	№ 1914
Фарғонача жонон	№ 3925
Ироқ	№ 5840
Дугоҳ-I	№ 8943
Мустаҳзод	№ 8946
Чоргоҳ	№ 8947
Дилбар	РД № 17585

**Ботир Зокиров (1936-1985)**

<b>Асарнинг номи</b>	<b>Композитор</b>	<b>Шоир</b>	<b>С = рджс</b>
----------------------	-------------------	-------------	-----------------

Намедонам чи нам дорад	М. Бурхонов	Ҳофиз Шерозий	№24248
Очарован тобой	М.Бурхоно в	Т.Тўла	№ 733
Маро-бебус	Эрон халқ қўшиғи		№ 8297
Купола	Э.Қаландар ов	А.Файнберг	№ 12563
Узбекское танго	С.Юдаков		№ 1312
Араб тангоси	Дориш Ал- Аттош		№ 690, Д.57021
На анхоре	В.Соболев	Н.Куликов	РД № 14636
Голубые глаза	Р.Ристич	Р.Ристич	РД № 13603
Яхшимисиз	Е.Шварц	Н.Куликов	РП № 12973
Я плачу о прошлом	Араб халқ қўшиғи	Ф. Сулейман	№ 4590
Чиройли қиз	Ливан халқ қўшиғи		№ 5234
Улица свиданий	Т.Бобоев	М.Ушаков	РДКС № 18403
Песня о судьбе	Т.Бобоев	М.Ушаков	РДКС № 18404
Беглянка Хабиба	Абдел Вахаб	Ю.Энтин	РД № 16733
Никто не витоват	Э.Солиҳов	Ю.Энтин	РД № 16726

Два синих ока	Д.Ристич	Ю.Энтин	РД № 16730
Муҳаббат	Италиян халқ кўшиғи		РД № 16727
Песня о счастье	В.Шаински й	Р.Гамзатов, Н.Грибнёв	РД № 16728
Кызи хумор	Ҳ..Изомов	Ш.Шомухамед ов	РД № 15103
Ёр излаб	И.Акбаров	Т.Тўла	РД № 13599
Бир о=шом	А.Мухамед ов	С.Акбарий	РД № 13601
Ёр кел	И.Акбаров	Ҳ.Фулом	№ 12564
Жалоба моего сердца	Чоудхури	Чоудхури	Д№ 57020
Незнакомка	К.Берт	Ж.Морэ	П № 96935
Седая любовь	Т.Бобоев	Ю.Энтин	РД № 16731
Ажо-о-ажо	ҳинд кўшиғи		№ 9185
Девушка и кувшин	Т.Бобоев	Ю.Энтин	РД № 16729
Со\инди жон	Э.Салихов	Э.Воҳидов	РД № 13602
Песня о друге	Э.Массиас	-	№ 1256
«Мажнун монологи»	С.Жалил.	А Навоий	№12567
Кечалаб юлдуз санаб	С.Жалил	З. Абидов	№ 12566

Газли	И.Акбаров	Т.Тыла	№ 12557
Умид	Э.Салихов	А.Мухтор	РДКС № 18036
Нечун хаёлга чымдинг	ҳинд халқ қўшиғи		РД № 17136
Ты далеко	Т.Бобоев	Тотье	РД № 16732
Раъно	И.Акбаров	С.Акбарий	№ 11901
Маҳбубга	И.Акбаров		№ 12568
Песня разлуки	Эрон халқ қўшиғи		№ 12565
Қайдасан	И.Акбаров	Т.Тўла	№12569,12 566
Сени эслайман	А.Мухамед ов	Э.Оҳунова	РД № 13600
Когда приходит любовь	Р.Шанкар	Р.Шанкар	№ 12559
Девушка моей страны	Э.Массиас		№ 12556
Мой далёкий друг	В.Милов, А.Файнбер г	Б.Исроил	РДКС № 24692

### Луиза Зокирова (1938)

Севганим борми ҳеч	Э.Салихов	П.Мўмин	РД № 13596
Жыжаларим	Халқ қўшиғи		№ 4395
Река Соло	Индонезийча		№ 82964

	қўшиқ		
Наманган олмаси	Ўзбек халқ мусикаси ва шеъри		№ 8274
Нозик савол	К.Кенжаев	Х Мухамедалиев	РД № 13708
Эй меҳрибоним	Хоразмча қўшиқ		№ 734
Чандалама	ҳинд қўшиғи		№ 7162
О покоривший сон моих глаз	Миср халқ қўшиғи		№ 5264
Муҳаббат	Индонезийча қўшиқ		№ 717
Не плачь о разлуке	Швардцман Немисча қўшиқ	Р.Хаузмен	РДКС № 22825

### Навфал Зокиров (1941-1976)

Люби людей	Рол Рид	С.Гаджикасимов	РД № 16710
В час ночной	Э.Салихов	Ю.Когтев	Р № 14497
Ты	Х.Изомов	С.Гаджикасимов	РД № 16713
Песня о песне	Т.Темнов	Т.Темнов	№ 12025
Айт	М.Кенжаев	Т.Тўла	РД № 13609
Памяти Гагарина	Е.Ширяев	Л.Брусянина	РД № 16707

Сенинг кызларинг	С.Шварц	О.Мухтор	РДКС № 22165
Ёдимда	Ш.Иноғомов		РДКС № 27443

### Фаррух Зокиров (1946)

“Майсаранинг иши” операсидан Мулладыст ыши	С.Юдаков	С.Абдулла	РДКС № 31409
Ҳидоят арияси	С.Юдаков	С.Абдулла	РДКС № 31408
Ҳожи Дар\а ва Мулладыст дуэти	С.Юдаков	С.Абдулла	РДКС № 31407

<b>«ЯЛЛА» Grand collection. CD-альбом. «Квадро диск» ва «New star intermedia.ru» комп.ҳамкорлигида қайта тикланган. Москва 2003 й.</b>			
Шаҳрисабз	Ф.Зокиров	-	№1 трек.
Лицо возлюбленной моей	Ф.Зокиров.	У.Хайём	№2 трек.
Учкудук	Р.Шарипов Ф.Зокиров.	Ю.Энтин.	№3 трек.
Музыкальная чайхана	Ф.Зокиров	Е.Березико в.	№4 трек.
Голубые купола			№5 трек.

Самарканда			
Последняя поэма		Р.Тагор.	№6 трек.
Любимые глаза			№7 трек.
Караван			№8 трек.
Азия			№9 трек.
Эммина			№10 трек.
Без любимых глаз			№11 трек.
Жиннуни			№12 трек.
Южный человек			№13 трек.
Позовёт дорога			№14 трек.
Вспомни меня	Ф.Зокиров	Ю.Энтин.	№15 трек.
Воспоминания юности			№16 трек.
Раъно	И. Акбаров	С. Акбарий	№17 трек.

### Равшан Зокиров (1951)

“My Nostalgia” CD-альбом.1998 й.

O sole mio	Эдуардо ди Капуа	Джованни Капурро	№1 трек.
Mamma			№2 трек.
Santa Lucia	Италиян халқ куйи		№3 трек.
Caruzo	Лучо Далла	Лучо Далла	№4 трек.
Le tue Parole	Лео Кьоссо	Джанкарло Дель Ре	№5 трек.
Il spazzacamino	Фиба	Фиба	№6 трек.
Una colomba			№7 трек.
Con t Con e	Франческо	Лучио	№8 трек.

Partiro	Сартори	Кварантото	
Лайли	Ф.Зокиров	Б.Зокиров	Оилавий архив фоноёзувидан
Кел дедим	Р.Зокиров	Б.Зокиров (ўғли)	Оилавий архив фоноёзувидан

## «Сўғд элининг қоплони»

*Либреттонинг мухтасар мазмуни:* Ўзини «нажоткор» деб эълон қилган Искандар Сғуғиёна ҳукмдори шоҳ Доронинг тахтини эгаллайди. Эллин кўшинлари соқчилар қуршовида пайдо бўлган ҳукмдорларини олқишлайдилар. Эронлик қизлар қатл этилган шоҳ Доро тожини кўтариб, уни Искандарга тақдим этадилар.

Руҳоний Лаг эълон қилади: «Модимики энди Искандар Эроннинг ҳукмдори экан, унга Шарқ шаҳаншоҳларига кўрсатиладиган барча ҳурмат-эҳтиромни бажо келтириш керак, шунинг учун Искандар қошида тиз чўкилсин», - деб эълон қилади. Эллинлар тиз чўкишга мажбур. Фақат Перменион билан Филота Лагнинг таклифини намойишкорона рад қиладилар. Перменион Искандарни ўз ваъдасида турмаганлигида айблайди. Чунки Искандар Эронни забт этишидан сўнг –«кўшинларимни жонажон Элладага қайтараман», дея сўз берган эди. Искандар Доронинг бошини олиш ўрнига, тож билан ўйинчоқдек кифояланмоқда.

Искандар ғазабга келиб Фарнуҳдан талаб қилиб қолади: «қани Доронинг калласи?» .Фарнуҳ эса айбни Сўғд элининг лашкарбошилари Бесс билан Спантамонга тўнкайди. Улар тахтни эгаллаш ниятида Дорони ўлдириб, жасадини ўғирлашганмиш. Шу пайт қоплон терисига ёпинган сўғд жангчиси дафъатан пайдо бўлиб, Фарнуҳнинг сўзларининг ёлғонлигини ғазаб билан фош этади. Искандар бу юртда унга бўйсунгани истамайдиган кучлар борлигини тушунади ва бундан ғазабга тўлади. Шунинг учун Элладага қайтиш ваъдасини унутиб, у «Сўғд ерлари ҳам Ҳиндистон, ҳам меники бўлади» дея жаҳл устида қасам ичади.

Спантамон Искандарга қарши бош кўтармоқчи. Унинг рафиқаси Зарина ва қайнотаси Оробо бу ножўя ишдан уни қайтаришни ҳаракат қиладилар. Халқ эса Спантамонни курашга даъват этади. Биргаликда улар ўз юртини, ватанини озод этишга қасам ичадилар.

Искандар ёлғизликдан мақсадсиз кезади. Қалбини даҳшат ва ҳаяжон,ғулу чулғаб олади. Ниҳоят, ззининг хатти-ҳаракатларини қораловчи ички овоз кўксидан қалқиб чиқади:

– Завоевав народы, земли, страны  
Не ты и не другими – никогда  
Не забываем сердце людей  
Ведь покорял ты их мечом и страхом  
Ты был и остаёшься врагом их навсегда  
*(Б.Зокиров)<sup>119</sup>*

Халқларни забт этган жаҳонгирлар ҳам  
Забт эта олмаган инсонлар қалбин  
Қилич, олов, макр ёрдамида  
Барпо этган эмас ҳеч ким ҳеч нарса!  
*(А.Мухтор)*

Искандар ўзининг «виждон овоз»и билан баҳслашади. Ички овоз унинг эркидан кучли. Искандарга Спантамон аскарлари унинг кўшинларини тор-мор қилганлиги ҳақида хабар етиб келгач, у Спантамонни ҳийла-найранг йўли билан енгишга қарор қилади. Қурол ўрнида Искандар Спантамоннинг рафиқаси Зарина ва такаббур қайнотаси Оробани танлайди ва фитна ёрдамида режасини амалга оширади. Спантамон суиқасд йўли балан ўлдирилади. Искандар эса ғалабани нишонлайди. Бироқ Искандар

<sup>119</sup> Қаранг: Леопард из Согдианы (либретто) – Т.: 1977

машъала кўтариб олов дарёсидек оқиб келаётган сон-саноксиз қасоскорларни кўриб даҳшатга тушади:

– Да Искандер!  
Ты этот голос будешь слышать долго!  
То голос тысяч, сотен тысяч Спантамонов!  
Да, да – то голос не покорённой Согдианы!  
Бесмертья голос! Свободы голос!  
*(Б. Зокиров)*

– Ҳа Искандар! Бу мудҳиш садо!  
Қулоғингдан кетмас бир умр!  
Бу минглаб, юз минглаб қоплонлар!  
Спантамонларнинг ҳайқириғидир.  
Сенга бош эгмаган Сўғд элларининг  
Мангулик, озодлик ҳайқириғидир!  
*(А. Мухтор)*

Озодликни истаган халқни таслим қилиб бўлмаслигини тушунган Искандар дармонсиз йиқилади.

## ШЕЪРЛАР

\*\*\*

Такая в мире должность нам дана  
Такое нам подарено призванье  
Всему дивиться, все познать до дна  
Всему на свете выдумать названье  
Чтоб наш потомок в свой далёкий час  
Назвавший мир каким-то нашим словом  
Тем самым воскресил бы нас  
В тот миг в себе продолжил снова ...

\*\*\*

Из года в год, из края в край  
Несёт меня волна печали.  
Так много в жизни я узнал,  
Вот если б все начать сначала.  
Бегу, спешу как в колеснице белка,  
Раскручивая жизни колесо.  
Как сквозь проржавленное сито,  
Уходит жизнь куда-то далеко.  
Я жил казалось, мне даны века  
И в этом безрассудном ослепленье  
Я прозевал рождение цветка  
Улыбки человеческой рождение.  
И глядя вслед последнему лучу  
Осеннею тревогою томимой  
Я говорю, я больше не хочу  
Быть путником, всегда спешащим мимо!

\*\*\*

Всё сказать не успел, и кем мог, был услышан  
В чём я прав и не прав, я судить не берусь  
Было время гранат, но пришло время вишен  
И не мне одному они слаще на вкус  
Буду петь я о вишне, о саде цветущем  
И о звездах, что тонут в рассветной дали  
Буду петь про улыбку дочурки растущей  
Знать бы сколько ещё, отпущено мне  
Я хочу, чтоб слова разлетались в осколки  
Словно бомбы в бою разрывали сердца  
Я хочу, чтоб напев оборвавшейся Гарсия Лорки  
Я б сумел под гитару допеть до конца  
Я старею, как стариться всё в этом мире  
Но, надеюсь, успею её заслужить  
Право спеть песню, о счастье и мире  
Умолкают лишь мёртвые. Петь – значит жить!

\*\*\*

Где найти мне ту песню, что станет судьбой  
И заставит людей стать добрее и чистое  
Где найти мне ту песню, зовущую в бой  
С лицемерием, ханжеством, подлостью, трусостью  
Немота моих губ, хуже всякого ада  
Говорить по подсказке, уж лучше не жьить  
Где найти мне ту музыку гнева и правды  
Как завидую тем, кто сумеет дожить.

**Фото илова**



**Карим Зокиров**






**Шоиста Саидова**






**Ботир Зокиров фарзандлари билан**





**Оилавий фото архив**





**Ботир Зокиров ижод жараёни**






**Ботир Зокиров кўшиқлари**






**Ботир ва Луиза Зокировлар**



**Фаррух ва Ботир Зокировлар**



**Ижодий учрашувлар**





**Луиза Зокирова**





**Навфал Зокиров**





**Фаррух Зокиров ва “Ялла” ансамбли**





**Фаррух ва Жавоҳир Зокировлар**




**Равшан Зокиров**



**Жамшид Зокиров**



**Гавҳар Зокирова**



**Бахтиёр Зокиров**



**Баходир Зокиров**



**Наргиз Зокирова**



**Вагиф Зокиров**



**Жавохир Зокиров**



**Охиста Зокирова**

## **МУНДАРИЖА**

<b>КИРИШ</b> .....	3
--------------------	---

### **I БОБ**

#### **КАРИМ ЗОКИРОВ – СЕРҚИРРА ТАЛҚИНЛАР СОҲИБИ**

§ 1.1. Ўзбек мумтоз мусиқа мероси талқинлари.....	10
§ 1.2. Ўзбек мусиқали театрда яратилган образлар.....	19

### **II БОБ**

#### **БОТИР ЗОКИРОВ-ЎЗБЕК ЭСТРАДА САНЪАТИ АСОСЧИСИ**

§2.1. Серфаол ижрочи ва ижодкор.....	37
--------------------------------------	----

### **III БОБ**

#### **СУЛОЛА ВА ЗАМОН**

§3.1. Ижодкор авлод.....	85
§3.2. Сулола актёрлари.....	118

<b>ХУЛОСА</b> .....	123
---------------------	-----

<b>Фойдаланилган адабиётлар рўйхати</b> .....	126
---	-----

<b>ИЛОВА</b> .....	155
--------------------	-----

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ  
ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ КОНСЕРВАТОРИЯСИ**

**ГУЛШАНОЙ ТУРСУНОВА**

**КАРИМ ЗОКИРОВ ВА УНИНГ СУЛОЛАСИ - XX АСР  
ЎЗБЕКИСТОН МУСИҚА МАДАНИЯТИ КЕСИМИДА**

**Монография**

**Muharrir – Jamalov L.O.**

**Musahhah – Islomova H.S.**

**Texnik muharrir – Gulomov A.T.**

«Fan ziyosi» nashriyoti. Litsenziya № 3918  
Nashriyot manzili: Toshkent shahar Navoiy ko‘chasi, 30-uy.  
E-mail: [pachaxanovich@mail.ru](mailto:pachaxanovich@mail.ru). +998933764407.

Bichimi 60×84 <sup>1</sup>/<sub>16</sub>. «TimesNewRoman»  
Garniturada raqamli bosma usulda chop etildi.  
Shartli bosma tabog‘i 10.75 Adadi 10. Buyurtma № 12

**«Fan va talim poligraf» MChJ bosmaxonasida chop etildi.**  
Toshkent shahri, Do‘rmon yo‘li ko‘chasi, 24-uy.

